



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
АКАДЕМИЯСИ

№4 (48) 2021

АХБОРОТНОМАСИ

et dosere et discere servitute legis

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
КОНСТИТУЦИЯСИДА ПРОКУРАТУРА ВА
УНИНГ ТАКОМИЛЛАШУВИ

ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИДА
МАЪМУРИЙ ПРЕЮДИЦИЯ ТУШУНЧАСИ
ВА ЖИНОЯТ ТАСНИФИДАГИ ЎРНИ

ЗАКОНДАТЕЛСТВО РЕСПУБЛИКИ
ЎЗБЕКИСТАН В ОБЛАСТИ ПРОВЕДЕНИЯ
АНТИКОРРУПЦИОННОЙ ЭКСПЕРТИЗЫ
ПРОЕКТОВ НОРМАТИВНО-ПРАВОВЫХ АКТОВ

ИШГА ТИКЛАШ ТЎҒРИСИДАГИ МЕҲНАТ
НИЗОЛАРИНИНГ СУДЛОВГА ТЕГИШЛИЛИГИ
БИЛАН БОҒЛИҚ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАР





МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ АКАДЕМИЯСИ

Бош муҳаррир:

Евгений Коленко

Масъул котиб:

Санобар Мансурова

Таҳрир ҳайъати:

Баҳриддин Валиев
Дилшод Раҳимов
Акмал Саидов
Раҳим Ҳакимов
Халим Болтаев
Рустам Гафуров
Патрик Олссон
Итиҳаши Катсуя
Рустам Уринбоев
Аброр Отажонов
Мирақбар Раҳмонкулов
Бахтияр Пўлатов
Фаҳри Раҳимов
Музаффар Мамасидиқов
Комил Синдоров

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2010 йил 7 январда 0580-сонли гувоҳнома билан рўйхатга олинб, 2018 йил 13 июнда қайта рўйхатдан ўтган.

2010 йил январь ойдан чиқа бошлаган.

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг (2013 йил 30 декабрь 201/3-сонли) 2018 йил 30 майдаги 253/7-сонли Қарори билан диссертациялар асосий илмий натижаларини нашр қилиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига юридик фанлар бўйича киритилган.

Муаллиф фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Журналда чоп этилган материаллардан фойдаланилганда «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси Ахборотномаси»дан олинди деб кўрсатилиш шарт. Таҳририят тақдим этилган мақолаларни тақриз қилиш ва қайтариш мажбуриятларини олмаган.

Манзил:

100047, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси 42-уй.
веб-сайт: www.proacademy.uz
e-mail: info@proacademy.uz

Саҳифаловчи:

Сарварбек БАБАЖАНОВ

Буюртма № ___ Адади 500
Журнал «ЕСО TEXTILE ПРОДУКТ»
МЧЖда чоп этилди.

БОСМАҲОНА МАНЗИЛИ:

100115, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани,
Чилонзор 23-даҳа 47-а уй.

МУНДАРИЖА

Б.Пўлатов, З.Турсунов	Ўзбекистон Республикаси Конституциясида прокуратура ва унинг такомиллашуви	1
А.Матчанов, Я.Квитков	Об особенностях совершенствования административно-правовой деятельности органов внутренних дел Республики Узбекистан	8
Х.Каримов	Жиноят қонунчилигида маъмурий преюдиция тушунчаси ва жиноят таснифидаги ўрни	13
М.Мирсалихов, А.Ақбутаев	Вояга етмаган маҳкумларнинг ҳуқуқий статуси: халқаро стандартлар ва миллий қонунчилик	20
А.Қусаинова	Административная ответственность за правонарушения в области налогообложения: история и современное состояние на территории Казахстана	24
К.Мирсагаатов	Ишга тиклаш тўғрисидаги меҳнат низоларининг судловга тегишлилиги билан боғлиқ долзарб муаммолар	28
Ш.Шайзаков	Маъмурий суд ҳужжатларини апелляция инстанциясида қайта кўришда прокурор иштирокининг ўзига хос жиҳатлари	34
М.Раджапова	Биринчи инстанция ҳамда юқори суд инстанцияларида жиноят ишлари кўрилишида прокурор функциялари ва ваколатларининг айрим жиҳатлари	39
М.Тошов	Ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгариши сабабли меҳнат шартномасини бекор қилиш	43
С.Мухторов	Фуқаролик судлови иш юритувини такомиллаштириш юзасидан айрим ёндашувларнинг ўзига хос хусусиятлари	48
Т.Кенжаев	Законодательство Республики Узбекистан в области проведения антикоррупционной экспертизы проектов нормативно-правовых актов	51
А.Юлдашов	Телекоммуникация тармоқларида муаллифлик ҳуқуқи муҳофазасини таъминлашнинг ўзига хос жиҳатлари	56
Д.Абдуллаева	Меҳнат қонунчилигида тўлиқсиз иш вақти ва унинг хусусиятлари	61
А.Турғунов	Прокурор назорат ҳужжати сифатида тақдимноманинг аҳамияти ва ўзига хос хусусиятлари	67
Ш.Назаров	Ер участкаларини компенсация эвазига давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш қонунчилигини такомиллаштириш	71
Ш.Ҳамраева	Вояга етмаганларга оид жиноят ишларини юритишнинг ривожланиш тенденциялари	76
Б.Исломов	Смягчение наказания по уголовному законодательству Аргентинской Республики (Сравнительный Анализ)	81
У.Ашуров	Жиноятчилик сабаблари ўрганиш ва унинг олдини олиш бўйича айрим назариялар таҳлили	91



Бахтиёр ПЎЛАТОВ,
Бош прокуратура Академияси профессори,
ю.ф.д., профессор

Зафарбек ТУРСУНОВ,
Бош прокуратура Академияси катта ўқитувчиси

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИДА ПРОКУРАТУРА ВА УНИНГ ТАКОМИЛЛАШУВИ

АННОТАЦИЯ. Мазкур мақолада Конституциямизда давлат ҳокимияти институтлари тизимида прокуратуранинг мақоми белгиланиб, унинг фаолияти мамлакатда қонуннинг устувор бўлиши, қонунийликни таъминлаш, барқарор бўлиши, фуқароларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси билан кафолатланган шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилгани, охириги йилларда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан прокуратура органлари тизими халқ прокуратураси сифатида янги маъно билан бойиб, такомиллашаётганлиги ёритилган.

АННОТАЦИЯ. В данной статье освящена Конституционный статус прокуратуры в системы институтов государственной власти и его деятельности направлена на обеспечение верховенства закона, укрепление законности, защита прав и свобод граждан, политических, экономических, социальных прав гарантированных Конституцией, развитие и совершенствование органов прокуратуры за последние годы, формирование народной прокуратуры в нашей стране.

ABSTRACT. This article consecrates the Constitutional status of the Prosecutor's office in the system of institutions of state power and its activities are aimed at ensuring the rule of law, strengthening the rule of law, protecting the rights and freedoms of citizens, political, economic, social rights guaranteed by the Constitution, the development and improvement of the prosecutor's office in recent years, the formation of the People's Prosecutor's office in our country.

Калит сўзлар: Конституция, прокуратура мақоми, қонун устуворлиги, қонунийликни таъминлаш, Конституция билан кафолатланган шахсий ҳуқуқ, эркинликларни, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш, такомиллашиш, янги маъно билан бойитилиши.

Ключевые слова: Конституция, статус прокуратуры, обеспечение верховенства закона, укрепление законности, защита прав, свобод, социальных, экономических прав граждан, обогащение новым смыслом.

Keywords: The Constitution, the status of the Prosecutor's office, ensuring the rule of law, strengthening the rule of law, protecting the rights, freedoms, social and economic rights of citizens, enriching with a new meaning.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида Ўзбекистон Республикаси ўзининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг тизимини белгилашга оид конституциявий нормага мувофиқ (Конституциянинг 3-моддаси) давлат ҳокимияти тизимлари: ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти каби энг муҳим ҳуқуқ институтлари мақомлари қаторида (Конституциянинг 11-моддаси) прокуратуранинг ҳам мақоми (Конституциянинг XXIV боби 118–121-м.м.) **ва унинг органларининг барча тизимлари фаолияти уйғунликда ва тизимли белгилаб берилган. Қайд қилинган мақом асосида** прокурорлар назоратни давлат номидан амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 118-моддасида мустаҳкамланишича “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади”. Прокуратура органлари тизими фаолиятига алоқадор 119-моддасида эса “Прокуратура органларининг ягона марказлаштирилган тизимида Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори бошчилик қилади” дейилади. Бундан ташқари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар ва шаҳар прокурорларини тайин-

лаш тартиби ҳамда уларнинг ваколат муддатлари ҳам белгиланган.

Конституциясининг 120-моддаси прокурорлик назоратини самарали амалга оширишнинг янада аҳамиятли томонини ўзида мужассам этган. Унда Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ўз ваколатларини ҳар қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслардан мустақил равишда, фақат қонунга бўйсуниб амалга ошириши мустаҳкамлаб қўйилган. Прокурорлар назоратни давлат номидан амалга оширади. Улар қонун бузилиши ҳолатлари ким томонидан содир қилинишидан қатъи назар унинг ҳар қандай кўринишига қарши курашиши, ўз вақтида тегишли чора-тадбирлар белгилаши лозим.

Ҳуқуқий демократик давлатнинг энг асосий талабларидан бири — бу қонуннинг устуворлиги, унга итоат этиш ва уни ҳурмат қилиш ҳисобланади. Шу билан бирга, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституция ва қонунларга мослигини таъминлашда давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва жамоалар, мансабдор шахсларнинг Конституция ва қонунларга мувофиқ фаолият юритишлари муҳим ҳисобланади. Прокуратура айнан шу қоида ва талабларни, яъни мамлакатда барчанинг қонунларни аниқ ва бир хил-



да ижро этиши устидан назоратни амалга оширади ва унинг фаолияти мамлакат ҳудудида қонуннинг устувор бўлишини, қонунийликни таъминлашни ва унинг барқарор бўлишини, фуқароларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (21–46-моддалар) билан кафолатланган шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган.

Шаклан ва мазмунан яхлит умумлашган бундай конституциявий мақом – прокуратура ҳуқуқий мақомининг асос-моҳияти бўлиб, ўзида, биринчидан, прокуратура фаолияти тўғрисидаги конституциявий нормаларни қамраб олади, иккинчидан, мазкур нормаларда ҳокимиятнинг бўлиниши ва ўзаро таъсири механизмида прокуратура органларининг ўрни, роли ҳамда вазифаларини, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси юклаган функцияларни (120-модда) бажариш бўйича ваколатларни мустаҳкамлаб қўяди. Прокуратурага бундай конституциявий мақомни берилиши прокуратура органларининг самарали фаолият юритиши ва мустақиллигининг муҳим фактори ҳисобланади.

Давлат фаолияти тури сифатида прокурор назорати предмети деганда прокурор фаолиятини тартибга солишга йўналтирилган ижтимоий муносабатлар тушунилади. Прокурор фаолияти Конституцияга риоя қилиш ва қонун талабларини бажариш билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган.

2001 йил 29 августда янги таҳрирда қабул қилинган прокуратура органлари тўғрисидаги қонунга кўра прокуратура органлари фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларининг ҳимоячиси ҳисобланади. **Прокурор назорати** – давлат фаолиятининг шу давлат номидан амалга оширилувчи алоҳида мустақил кўриниши ва прокуратуранинг асосий, етакчи функцияси. Айнан ана шу функция унинг давлат органи сифатидаги мутлақо ўзига хос мақомини, ижтимоий-сиёсий аҳамиятини белгилайди. Давлат қонун устуворлиги, қонунийликнинг мустаҳкамлиги устидан назоратни айнан прокурор назорати воситида таъминлайди. Конституция ва қонуннинг устунлигини, яъни қонун устуворлигини тўлиқ таъминлашга сафарбар прокурор назорати – шахс, жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилувчи амалий таъсирчан органдир.

Прокурорларнинг давлат органлари, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахсларнинг қарор ҳамда ҳаракатлари қонунийлигини текшириш бўйича фаолияти бўлмиш прокурор назоратининг барча усул ва турларини қўллаш йўллари билан қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқла-

надиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ғайриқонуний хатти-ҳаракатлардан огоҳлантириш, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш ва профилактика қилиш имконини бериб, бузилган ҳуқуқлар ва қонуний манфаатларни тиклаш, айбдорларни жавобгарликка тортиш, прокуратуранинг мамлакат ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратдек конституциявий мақоми амалига хизмат қилади.

Прокуратура органларини ташкил этиш ва улар фаолиятининг мустақиллиги принципи давлат ва сиёсий аҳамиятга эга, чунки фақат изчил унга амал қилганда прокуратура Ўзбекистон Республикаси бутун ҳудудида қонун устуворлигини, қонунийликнинг ягоналигини таъминлаши, фуқароларнинг ҳуқуқларини, жамият ва давлат манфаатларини самарали ҳимоя қилиши мумкин.

Прокуратура органларининг мустақиллиги принципнинг амалга оширилиши унинг ташкилий тузилиши, прокуратура ходимларининг тайинланиш тартиби, прокурорларнинг белгиланган бўйсунуш ва ҳисоб бериш тизими билан таъминланади. Шунингдек, мазкур принципга амал қилинишининг кафолати бўлиб қонуний тартибда прокуратура органлари фаолиятига аралашушга йўл қўймаслик белгиланганлиги; прокурорнинг ғайриқонуний қарор қабул қилишига эришиш мақсадида унга қандай шаклда бўлмасин бирон-бир таъсир кўрсатиш ёки фаолиятини амалга оширишига тўсқинлик қилиш, шунингдек, прокурор ёки терговчининг рухсатсиз текширишлар ва дастлабки тергов маълумотларини ошкор этиш, прокурорнинг талабларини бажармаганлик белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлишига хизмат қилади.

Бундан ташқари, кўриб чиқиладиган принципнинг кафолати бўлиб прокурорнинг сиёсий мустақиллиги саналади: прокуратура органларининг ходимлари ўз ваколатлари даврида сиёсий партияларга аъзоликни тўхтатиб турадилар, улар ҳақ тўланадиган бошқа бирон-бир фаолият тури билан шуғулланиши мумкин эмас. Бундай чекловнинг белгиланишига сабаб прокурорлар фаолияти қонунийлигини назорат қилиши керак бўлган корхона, ташкилот ва муассасалар билан меҳнат муносабатларига киришмаслиги ҳисобланган. Бошқа тарафдан, прокурор ва терговчиларнинг илмий ишлардаги иштироки ниҳоятда рағбатлантирилади, айниқса бўлажак прокурор ва терговчиларни тайёрлашдаги ўқув ишларда. Чунки ҳуқуқий назария ва қонунларни қўллаш амалиёти бирлаштирилиши ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар учун юқори сифатли мутахассисларни тайёрлашга имкон беради¹.

“Прокуратура тўғрисида”ги қонун ҳозирги кунда ҳам прокуратура органлари олдига қўйилган вази-

1 Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига шарҳ (юридик фанлари доктори, профессор А.А.Азизхўжаев масъул муҳарриригида). –Т.: Ўзбекистон, 2008 йил, 446-459 б.б.



фалар, жамият ривож ва тараққиёти, бошқарув тизимининг демократлашуви, эркинлашуви билан боғлиқ тарзда такомиллашиб бормоқда. Мамлакатда қонун устуворлиги, ижтимоий-иқтисодий вазиятнинг барқарорлигини таъминлашда прокуратура органлари фаолияти самарадорлигини ошириш ва родини кучайтириш мақсадида ҳамда демократик ислохотларни чуқурлаштириш бўйича жамият эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда миллий қонунчиликка прокуратура органлари фаолиятини белгиловчи ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга йўналтирилган бир қатор ўзгартиришлар киритилди.

Прокуратуранинг ҳуқуқни ҳимоя қилишга оид профилактик функцияси, унинг муҳим ижтимоий вазифалари, давлатнинг стратегик манфаатлари ҳимояси билан боғлиқ бир қатор йўналишлардаги фаолияти жиддий кучайтирилди. **Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2833-сонли қарори асосида жамиятдаги муҳим масалаларни ҳал қилиш билан боғлиқ тузилган учта республика идоралараро комиссиялар фаолиятларини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига юкланди².**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелда қабул қилинган ПФ-5019-сонли фармони прокуратура органлари фаолиятини янада такомиллаштириш йўлидаги муҳим қадам бўлди. Фармонда таъкидланганидек, мамлакатда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, демократик, ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган қонун ҳужжатларини сўзсиз ижро этиш учун прокуратура органларининг куч ва имкониятларини тўлиқ сафарбар қилишни тақозо этади³

Прокурор назорати фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилишини тезкорлик билан аниқлаш ва бартараф этишнинг муҳим механизми бўлиб қолмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт

тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови” номли маърузасида белгиланган ғоялар асосида, “Прокуратура тўғрисида”ги қонунда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар прокурорлари ҳар йили тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари Кенгашига ўз фаолияти тўғрисида ҳисобот тақдим этишлари, зарур бўлган ҳолларда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини қонунийликнинг ва жиноятчиликка қарши курашнинг ҳолати тўғрисида хабардор қилишлари ҳақидаги қоида киритилди ҳамда прокуратура органлари қонунларнинг ижро этилишини назорат қилишга ва жиноятчиликка қарши курашга доир фаолияти тўғрисида жамоатчиликни мунтазам хабардор қилиши, ўзининг фаолияти тўғрисидаги ахборотдан жисмоний ва юридик шахсларнинг фойдаланишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда таъминлаш йўли билан ўз фаолиятини ошқора амалга ошириши белгиланди⁴.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонининг ижро этилиши йўналишдаги прокуратура органлари фаолиятини ташкил этишнинг асосий аспектидан бири, унинг ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва профилактика қилиш вазифалари тўлиқ таъминланганлиги ҳисобланади. Унда эса, прокуратурага қилинган мурожаатлардаги ҳар бир қонун бузилиши факти бўйича, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни синчковлик билан ва тўлиқ аниқланиши, ҳаққоний қонунийлик ҳолати ҳақидаги, фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилишига олиб келган фактлар ҳақидаги ахборот жамланиши ва мунтазам тўлдириб борилиши, ҳуқуқбузарликни олдини олиш вазифасини родикал ҳал қилишга имкон яратувчи прокурор таъсир чораларининг танлалишига стратегик синовдан ўтган, тактик асосланган ёндашув асосида эришилади. Ҳозирги кунда қонун бузилиши содир бўлгани тўғрисидаги мурожаат ва хабарларни кутиб ўтирмасдан, жойларда халқ билан мунтазам мулоқот, фуқароларни қийнаётган муам-

2 Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 22 январдаги ЎРҚ-603-сонли [Қонуни таҳририда](#) – Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.01.2020 й., 03/20/603/0071-сон)

3 Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, мамлакатни модернизация қилиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлашда прокуратура органларининг родини кучайтириш тўғрисида”ги 2017 йил 18 апрелда қабул қилинган ПФ-5019-сонли фармони. <http://www.lex.uz>.

4 “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 5-моддасининг саккизинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 14 сентябрдаги ЎРҚ-446-сонли [Қонуни таҳририда](#) – ЎР ҚХТ, 2017 й., 37-сон, 978-модда ва шу модда тўққизинчи қисм билан тўлдирилган – ЎР ҚХТ, 2017 й., 37-сон, 978-модда



моларга ечим топиш, уларга кўмаклашиш прокурорларнинг кундалик ишига айланди десак, муболаға бўлмайди.

Янги таҳрирдаги “Прокуратура тўғрисидаги”ги қонун прокуратура органларининг демократик асосларини мустаҳкамлаб, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати олдида ҳисобдорлигини, прокуратура органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатди. Шунингдек, Сенатда прокуратура органлари фаолияти устидан назорат бўйича махсус комиссиянинг тузилиши бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг прокуратура органларининг 2020 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини эшитиб, ўзининг 2021 йил 23 апрелдаги қарорида прокуратура органлари томонидан муайян ишлар амалга оширилганлиги қаторида, **айрим соҳаларда таъсирчан прокурор назоратини ўрнатишда камчиликларга ҳам йўл қўйилгани** қайд этиб, бу соҳаларда назоратни кучайтириш масалаларига эътиборни қаратиб, қарор ижроси бўйича **ҳар чоракда Сенатга ахборот тақдим** этиш топширилди⁵.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Суди томонидан Бош прокурор буйруқлари ва ҳужжатларининг (индивидуал хусусиятга эга ҳужжатлар бундан мустасно) Конституция ва амалдаги қонунчиликка мослиги устидан суд контроли механизми ўрнатилди, улар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига зид бўлса, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарори асосида бекор қилиниши⁶ қонун билан белгиланди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан прокуратура органлари тизими мунтазам такомиллашмоқда ва янгича маъно билан бойимоқда. Жумладан, прокуратура органлари ходимларининг маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлиги масаласи юқори турувчи прокурор томонидан ҳал этилишини белгиловчи дахлсизлиги нормаси қонундан чиқариб ташланди⁷. Энди бундай ҳуқуқбузарлик суд томонидан ҳал қилинади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган шиддатли ислоҳотларда, албатта, ана шундай салоҳиятли жамоаларнинг ўзига хос ўрни ва муносиб ҳиссаси бор. Таъкидлаш жоиз, прокуратура органлари томонидан жамиятда қонунийликни мустаҳкамлаш, қонун устуворлигини таъминлаш, жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, умуман, барча йўналишларда

салмоқли ишлар қилинмоқда ва муҳим натижаларга эришилмоқда. Худудларни ободонлаштириш, уй-жойлар қуриш, ижтимоий объектларни барпо этиш каби тадбирлар, шунингдек, “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” давлат дастурлари доирасида уй-жойлар қуриш, ижтимоий объектларни барпо этиш каби муҳим тадбирларда прокуратура ходимлари фаол иштирок этмоқда.

Шу ўринда, жойлардаги прокурорлар зиммасига сектор раҳбари сифатида ҳам катта масъулият юклатилишини алоҳида қайд этиш жоиз. Бугунги кунда прокурорлар секторидаги эҳтиёжманд оилаларга ҳар томонлама кўмак кўрсатиш, хусусан, уларни моддий таъминлаш, аъзоларини ишга жойлаштириш ва тадбиркорликка жалб этиш бўйича прокуратура ходимлари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ҳамкорликда меҳнат қилмоқдалар.

Эътироф этиш керак, Президентимиз ташаббуси билан жорий этилган “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” каби янги ишлаш тизими эҳтиёжмандлар билан аниқ манзил, мақсад ва йўналишлар асосида иш олиб боришнинг муҳим омили бўлмоқда.

Прокуратура органлари фаолиятига оид қонунчиликка киритилган ўзгартишларнинг таҳлили шундан далолат берадики, бу ўзгартишлар биринчи навбатда, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва манфаатларини, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилишга, мамлакатда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга йўналтирилган.

Мамлакатимиз Президентининг 2019 йил 20 июндаги Сенат мажлисида прокуратура органларини коррупциядан холи, чинакам халқ прокуратурасига айлантириш борасидаги топшириқлари ижросини таъминлаш мақсадида, энг аввало, тизимдаги вазиятни ўнглашга, жамоада ишчан ва соғлом муҳитни шакллантиришга, ҳалол, садоқатли ва профессионал ходимлар корпусини шакллантиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар Концепцияси ишлаб чиқилиб, қонунлар ижроси устидан назоратни амалга оширишнинг мутлақо янги тизими йўлга қўйилди.

Ҳозирги баъзан серташвиш кечаётган кунлар, маълум маънода кўнгилни хира қилувчи айрим муаммолар ва мураккабдек туюлган синовлар ўткинчидир. Қалби пок, ҳасад ва иғволардан холи, аввало, инсонийлик мақомини ҳар нарсадан устун қўядиган, Ватан ва халқ манфаатларини ўз манфаатлари билан уйғун кўра оладиганларгина бундай синовлардан шараф

5 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2021 йил 23 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг прокуратура органларининг 2020 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи ҳақида”ги № СҚ-271-IV-сон қарори.

6 “Прокуратура тўғрисида”ги қонуннинг 13-моддаси.

7 “Прокуратура тўғрисида”ги қонуннинг 49-моддаси иккинчи қисми. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 24 декабрдаги ЎРҚ-597-сонли Қонуни таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 25.12.2019 й., 03/19/597/4193-сон.



билан ўтади. Қонун посбони деган юксак мақомга муяссар бўлган прокуратура ходимлари учун ҳам бундай ҳаётий ҳақиқатлар устувор бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш тўғрисида”ги 2020 йил 17 декабрдаги ПҚ-4926-сонли қарорига кўра, халқимиз учун энг улуғ ва азиз бўлган айём “Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик” ғояси асосида кенг нишонлаш белгиланди. “Янги Ўзбекистон” деганда, янги иш услуби, инсонга янги муносабат назарда тугилади. Халқ манфаатларини ҳамма нарсадан устун қўйиш, одамларни рози қилиш тамойилини амалга ошириш – Янги Ўзбекистоннинг ўзига хос чизгилари десак, муболаға бўлмайди. Халқимизнинг фаровон, тинч ва осойишта ҳаёт кечиршини таъминлаш, мамлакатимизни ҳар томонлама тараққий эттириш барчамизнинг олий мақсадимиздир⁸.

Конституциямизда адолат, маънавият, ҳақиқат

ва одиллик, миллий ахлоқий қадриятлар, умуминсоний ғоялар каби мезонлар талабидаги қоидалар мавжудки, бу ҳолат уни улуғлаш, бирламчи олий юридик куч манбаи деб ҳисоблаш ҳамда устуворлигини тан олишга ундайди. Прокуратура ходимлари Ватан равнақи ва юрт фаровонлиги ва фуқаролар манфаатини ҳимоя қилиш йўлида бор билим ва салоҳиятларини, куч ва имкониятларини тўлиқ сафарбар қилишлари зарур. Жамиятда қонун устуворлиги ҳамда адолатни таъминлашдек масъулиятли ва шарафли вазифани фидойилик билан бажаришлари талаб этилади.

Прокуратура органларининг ҳар бир ходими Конституциямизда белгилаб берилган устивор тамойил ва қоидаларнинг тўлиқ рўёбга чиқиши учун Ўзбекистоннинг янги ютуқларига ҳисса қўшишни, Президентимиз ишончига муносиб ва ҳаётбахш сиёсатига содиқ бўлиб, эл-юртга садоқат билан хизмат қилишни ўзининг шарафли бурчи деб билади ва халқ манфаати йўлида оғишмай хизмат қилади.

.....

.....

8 Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш тўғрисида”ги 2020 йил 17 декабрдаги ПҚ-4926-сонли қарори.



Алимжан МАТЧАНОВ,
Начальник кафедры Академии МВД, д.ю.н., профессор
Ярослав КВИТКОВ,
Старший научный сотрудник Института государства и права
Академии наук Республики Узбекистан

ОБ ОСОБЕННОСТЯХ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ АДМИНИСТРАТИВНО-ПРАВОВОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ОРГАНОВ ВНУТРЕННИХ ДЕЛ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

АННОТАЦИЯ. В статье рассматриваются проблемные вопросы, связанные с административно-правовой, процессуальной (процедурной) деятельностью органов внутренних дел, как структурного подразделения, осуществляющего правоохранительную и правоприменительную функции в системе государственной службы Республики Узбекистан. Исходя из содержания указов главы государства анализируются накопившиеся за последние годы недостатки и проблемы, препятствовавшие эффективному выполнению задач, возложенных на ОВД, определяются основные направления совершенствования административно-правовой, процедурной деятельности и делается вывод о необходимости дальнейшего совершенствования работы ОВД в указанных направлениях.

АННОТАЦИЯ. Мақолада Ўзбекистон Республикаси давлат хизмати тизимида ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва ҳуқуқни қўллаш функцияларини бажарувчи таркибий қисм сифатида ички ишлар органларининг маъмурий-ҳуқуқий, процессуал (процедура) фаолияти билан боғлиқ муаммоли масалалар кўриб чиқилган. Давлатимиз раҳбарининг фармонлари мазмунидан келиб чиқиб, ички ишлар органлари зиммасига юклатилган вазифаларни самарали бажаришга халақит берадиган сўнги йилларда тўпланган камчилик ва муаммолар таҳлил қилинди, маъмурий-ҳуқуқий, процессуал ишларни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари кўриб чиқилди, тадбирлар аниқланади ва ички ишлар органларининг ушбу соҳалардаги фаолиятини янада такомиллаштириш зарурлиги тўғрисида хулоса қилинди.

ABSTRACT: The article discusses problematic issues related to the administrative and legal, procedural (procedural) activities of the internal affairs bodies, as a structural unit carrying out law enforcement and law enforcement functions in the system of public service of the Republic of Uzbekistan. Based on the content of the decrees of the head of state, the shortcomings and problems that have accumulated in recent years that hindered the effective implementation of the tasks assigned to the Internal Affairs Directorate are analyzed, the main directions for improving administrative and legal, procedural activities are determined and the conclusion is made about the need to further improve the work of the Internal Affairs Directorate in these areas.

Калит сўзлар: маъмурий давлат хизмати, функция, ички ишлар органлари, давлат хизмати, маъмурий-ҳуқуқий фаолият, ҳуқуқни муҳофаза, ҳуқуқни қўллаш функция, маъмурий процедура.

Ключевые слова: административная государственная служба, функция, органы внутренних дел, государственная служба, административно-правовая деятельность, правоохранительная, правоприменительная функция, административная процедура.

Keywords: administrative civil service, function, internal affairs bodies, civil service, administrative and legal activities, law enforcement, law enforcement function, administrative procedure.

Указ Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева «О мерах по коренному повышению эффективности деятельности органов внутренних дел, усилению их ответственности за обеспечение общественного порядка, надежной защиты прав, свобод и законных интересов граждан» создает правовую основу административно-правовой, процедурной деятельности органов внутренних дел (далее – ОВД). Совершенствуется правовая система по защите прав, свобод и законных интересов граждан, охране общественного порядка, обеспечению безопасности личности, общества и государства, предупреждению и профилактике правонарушений ОВД. Для успеш-

ной реализации вышеуказанных положений глава нашего государства обращает особое внимание на необходимость коренного совершенствования административно-правовой, правоприменительной или процессуальной (процедурной) деятельности органов внутренних дел.

Это предусмотрено в Концепции административной реформы и «Дорожной карте» по реализации её положений, направленных на коренное преобразование системы государственного административного управления и, в частности, системы государственной службы в правоохранительной деятельности.

В настоящее время, в Республике Узбекистан от-



существует законодательное регулирование государственной службы.¹ Анализ разработанного законопроекта «О государственной гражданской службе» показал, что в его содержании имеются определенные противоречивые положения, свидетельствующие о механическом копировании зарубежного опыта без учёта национальных особенностей административно-правового регулирования в различных сферах государственного управления, правоохранительной деятельности. Имеются системные различия между карьерными и должностными моделями государственной службы без учета правоохранительной службы. Само название данного законопроекта, с учетом административно-правового аспекта требует корректировки и по нашему мнению название «Об административно-государственной службе» был бы более правильным.

В сущности, разработка и принятие оптимального, отвечающего требованиям современности подобного рода закона об административно-государственной службе способствовало бы: 1) созданию условий для формирования стабильных профессиональных кадров административно-государственной службы; 2) обеспечению эффективного функционирования административной государственной службы; 3) упорядочению законодательной базы в области правового регулирования административной государственной службы и устранению имеющихся в законодательстве пробелов и разночтений; 4) предупреждению коррупции и иных злоупотреблений на административной государственной службе; 5) внедрению эффективной системы отбора и продвижения кадров административной государственной службы на основе достоинств и заслуг, а также систематической их подготовке и переподготовке в действующем кадровом резерве; 6) разработке порядка поступления и прохождения административной государственной службы; 7) созданию механизма оценки деятельности административной государственной службы; 8) созданию и разработке единой системы прав, обязанностей и ограничений, связанных с деятельностью сотрудников административной государственной службы всех уровней; 9) закреплению системы социальных и правовых гарантий сотрудников административной государственной службы всех уровней.

Структурным подразделением административной государственной службы являются органы внутренних дел. Административно-правовая деятельность

(процедура) ОВД постоянно совершенствуется в условиях реформирования государственной службы, исходя из современных реалий и условий общественного и государственного строительства. Коренное структурное преобразование административно-правовой деятельности ОВД началось с принятия Закона Республики Узбекистан «Об органах внутренних дел».² Данный закон, определил стратегическую линию административно-правовой деятельности ОВД, создав совершенно новую, принципиально отличающуюся от прежней системы, направленную на обеспечение спокойствия в обществе, неукоснительного соблюдения прав, свобод и законных интересов граждан, охране общественного порядка, обеспечению безопасности личности, общества и государства, предупреждению и профилактике правонарушений.

Основным направлением совершенствования административно-правовой деятельности ОВД является укрепление низового звена, призванного, в первую очередь, обеспечивать охрану общественного порядка, безопасности граждан, профилактики правонарушений и борьбу с преступностью непосредственно на «земле», т.е. махаллях. Это, прежде всего, позволяет повысить эффективность административно-правовой деятельности ОВД, обеспечить мирную и спокойную жизнь граждан, минимизировать ущерб, наносимый противоправными деяниями правонарушителей, осуществить эффективную профилактическую деятельность непосредственно среди населения.

Следует признать, что современные угрозы и вызовы, обусловленные, прежде всего, усилением международного терроризма, религиозного экстремизма, незаконного оборота наркотических средств, торговли людьми киберпреступлений и других общественно-опасных деяний, ставят перед ОВД новые задачи по своевременному их предупреждению, пресечению и профилактики. Действенным механизмом в данной сфере является административно-правовая, процессуально-правоприменительная деятельность, которая служит непосредственным правовым, процессуально-процедурным инструментом.

Административно-правовая, процессуальная деятельность ОВД, как и других правоохранительных органов, представляет собой сложный механизм, который определяется как комплекс мер, направленных на построение эффективной системы органов исполнительной власти на основе регламентации их

1 Официальный веб-сайт Центральноазиатского бюро аналитической отчетности URL // : <https://cabar.asia/ru/uzbekistan-cto-ne-tak-s-zakonoprojektom-ogosudarstvennoj-grazhdanskoj-službe> (дата обращения 30.08.2021 год)

2 Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2016 г., № 38, ст. 438; 2017 г., № 24, ст. 487, № 37, ст. 978



деятельности. Но эта формулировка не дает полного понимания сути административно-правовой, процессуальной деятельности ОВД. На самом деле это очень сложный процесс, который включает определенные этапы деятельности, направленные на совершенствование организации государственной службы ОВД, включая укрепление институционального и кадрового потенциала, оптимизация их функций и, соответственно, их структурной организации, повышение качества их служебной деятельности. Усиление процессов глобализации в современное время требует подготовки высококвалифицированных кадров для каждого государства.³

Все эти процессы взаимосвязаны и сопровождаются внедрением разных инновационных форм государственного управления, регулирования, планирования, борьбы с преступностью, коррупцией в административно-правовой и процедурной деятельности ОВД. Масштабы данной деятельности во многом зависят от стартовых условий и существующих проблем в профессиональной деятельности ОВД, ориентированные на оптимизацию их административно-правовой деятельности в правоохранительной сфере государственной службы.

Относительно процедурной сферы Ж.Н. Нематов обращает особое внимание на разработку рекомендаций по совершенствованию процессуальных правил касательно принципов административных процедур, заслушивания, принятия административного акта в Узбекистане на основе опыта развитых зарубежных стран (США, Япония, Германия), а также некоторых стран СНГ (Казахстан, Киргизия, Таджикистан и Россия).⁴

Необходимость дальнейшего совершенствования административно-правовой, процедурной деятельности ОВД, как государственной правоохранительной структуры была обусловлена накопившимися за последние годы недостатками и проблемами, что препятствовала эффективному выполнению задач возложенных на ОВД. К ним относятся:

1) нечеткое разграничение основных задач и функций между подразделениями республиканского, среднего и низового звена, что затрудняет определение приоритетов деятельности и персональной ответственности каждого сотрудника за конечные результаты работы;

2) действующие организационно-штатные структуры не обеспечивали рационального использования сил и средств и, как следствие, приводили к чрезмерной служебной нагрузке низовых подразделе-

ний, тогда как в отдельных службах центрального и среднего звена имелись излишние штатные единицы без достаточного объема работы;

3) сотрудниками ОВД, в том числе инспекторами профилактики, не налажен диалог с населением и на низком уровне оставалась культура общения с гражданами, не обеспечивалось эффективное взаимодействие с органами самоуправления граждан и другими институтами гражданского общества в обеспечении общественного порядка;

4) поверхностно рассматривались обращения физических и юридических лиц, не проводился глубокий всесторонний анализ поднимаемых в них вопросах, что порождало недовольство граждан за формальные отписки на обращения. Это, вынуждало их обращаться с жалобами в Народные приемные Президента Республики Узбекистан и другие инстанции;

5) отсутствие действенной системы отчетности должностных лиц ОВД перед населением, а также эффективных механизмов общественного, парламентского и депутатского контроля, что не способствовало повышению ответственности сотрудников за эффективное выполнение возложенных на них задач;

6) предупреждение и профилактика правонарушений, в основном, сводились к борьбе с последствиями совершенных противоправных деяний и не принимались системные и эффективные меры по ранней профилактике правонарушений, глубокому анализу, выявлению и устранению причин и условий их совершения;

7) незаметной оставалась воспитательная роль ОВД среди молодежи, не уделялось должного внимания защите подрастающего поколения от деструктивных идей, предотвращению вовлечения молодежи в преступную деятельность, прежде всего в терроризм и религиозный экстремизм;

8) не отвечало предъявляемым требованиям система подготовки, переподготовки и повышения квалификации сотрудников ОВД, имели место факты коррупции и злоупотребления служебным положением;

9) на неудовлетворительном уровне оставались вопросы внедрения в деятельность новейших информационно-коммуникационных технологий, оснащения ОВД современными средствами и оборудованием.

Все вышеуказанные недостатки и упущения были определены в Указе Президента Республики Узбекистан № 5005 от 10.04.2017 г. «О мерах по коренному повышению эффективности деятельности органов внутренних дел, усилению их ответственности

3 Кодиров Б.Б. Совершенствование организационно-правовых основ подготовки кадров в системе высшего образования Республики Узбекистан: Автореф. дис. ...док. юрид. наук (Ц\$с). -Т., 2019. -С.36 (72 с.)

4 Нематов Ж.Н. Совершенствование правовых основ административных процедур в Республике Узбекистан (Сравнительно-правовой анализ): Автореф. дис. ...док. юрид. наук (Е)Зс). - Т., 2019. - 62 с



за обеспечение общественного порядка, надежной защиты прав, свобод и законных интересов граждан».⁵ Этим же нормативно-правовым актом были определены пути их разрешения и преобразование органов внутренних дел в общественно ориентированную профессиональную службу, деятельность которой должна быть направлена на оказание своевременной и качественной помощи населению, безусловное выполнение каждым сотрудником своего служебного долга – «Служить интересам народа».

Анализ оптимизации алгоритма административно-правовой деятельности ОВД показал, что данный процесс можно логически разделить на определенные этапы осуществления задач связанных с правоприменительной функцией государственной службы.

Первый этап непосредственно связан со служебной административно-правовой деятельностью кадрового состава сотрудников ОВД как представителей правоохранительной государственной структуры. При этом следует учитывать, что профессиональная подготовленность кадрового состава сотрудников является необходимым условием эффективности государственной правоприменительной функции ОВД. Без этого даже лучшие инновации останутся лишь благими пожеланиями, потому что именно профессиональные кадры ОВД решают, как будет осуществляться административная политика в правоохранительной практике.

Административно-правовая деятельность ОВД является комплексным общественно-правовым институтом, находящимся на стыке таких отраслей права как административное, конституционное, гражданское, гражданско-процессуальное, уголовное, уголовно-процессуальное, трудовое и др. Она призвана согласовать публичные интересы (общества и государства) и частные интересы гражданина, избравшего для себя профессию государственного служащего в системе ОВД.

По мнению А.А. Кобозева профессиональная подготовка кадров ОВД представляет собой специфическое системное образование, имеющее свои приоритеты развития, принципы организации деятельности в контексте реализации единой государственной политики в области профессионального образования и обеспечения правопорядка.⁶

Совершенствование административно-правовой деятельности ОВД как организационно-управленческого механизма, обеспечивает кадровые потребности государства и равный доступ граждан к службе в ОВД. Тщательная правовая регламентация должна сочетаться с высокой эффективностью правоприменительной деятельности ОВД как необходимой правоохранительной структуры исполнительной власти. К сожалению, в настоящее время в ОВД складывается ситуация, когда опытные служащие постепенно уходят на пенсию, а молодые кадры не успевают получить необходимый опыт работы, что порождает проблему дефицита кадрового состава с необходимыми навыками административно-управленческой деятельности.

М.Х. Зиёдуллаев в своем исследовании, посвященном совершенствованию управления опорными пунктами ОВД научно обосновал тот факт, что управление ими является внутренним последовательным и взаимосвязанным сложным процессом, состоящим из правового, организационно-методического, материально-технического, кадрового обеспечения их деятельности и налаживания сотрудничества.⁷ Для предупреждения подобных проблемных ситуаций необходимо оптимизировать работу по обеспечению кадрами ОВД в целом, и, в частности, профилактической службы махаллинских пунктов правопорядка. Внедряется информационная система «Smart махалла», позволяющая дистанционно направлять обращения инспекторам по профилактике и отслеживать процесс их рассмотрения.⁸

Второй этап осуществления административно-правовых задач ОВД в указанной сфере – это оптимизация реализации профессиональных функций в качестве субъекта исполнительной власти в правоохранительной структуре государства. Это позволит привести в порядок функциональную и структурную организацию ОВД, что в свою очередь влияет на количество и качество осуществляемым данным органом правоприменительной административно-управленческой функции.

ОВД, в силу возложенных на них государством полномочий требуют от граждан получение различных разрешений, согласований и подтверждений, и других удостоверяющих факт положений. Это свя-

5 Указ Президента Республики Узбекистан № 5005 от 10.04.2017 г. «О мерах по коренному повышению эффективности деятельности органов внутренних дел, усилению их ответственности за обеспечение общественного порядка, надежной защиты прав, свобод и законных интересов граждан» (Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2017 г., № 15, ст. 243).

6 Кобозев А.А. Современная система подготовки кадров органов внутренних дел (теоретические, организационные и правовые вопросы формирования и развития): Проблемы теории и практики: Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. М., -49 с.

7 Зиёдуллаев М.З. Совершенствование управления опорными пунктами органов внутренних дел: Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук (БЗс). -Т., 2019.-75 с.

8 Указ Президента Республики Узбекистан № УП-6196 от 26 марта 2021 года «О мерах по поднятию на качественно новый уровень деятельности органов внутренних дел в сфере обеспечения общественной безопасности и борьбы с преступностью». Национальная база данных законодательства, 26.03.2021 г., № 06/21/6196/0240.

зано не с тем, что сотрудники ОВД усложняют процедуру принятия решений, а с тем, что выполнение правоохранительной и правоприменительной функций предусматривает реализацию служебных полномочий, связанных с проверкой, расследованием или иной контрольной деятельностью.

К сожалению, представленные в нормативно-правовых актах регулирующие деятельность ОВД административно-правовые функции, недостаточно конкретно сформулированы. Это препятствует возможности их интерпретации как специфицированных полномочий, что приводит к появлению, даже в рамках одного ведомства, нескольких сфер деятельности с одинаковыми по смыслу результатами. Несмотря на то, что результат выполнения этих функций один и тот же, под каждую из них рассчитывается штат и бюджет, что негативно влияет на эффективности административно-правовой деятельности ОВД.

Таким образом, можно сделать вывод, что основным направлением совершенствования административно-правовой деятельности ОВД Республики Узбекистан является преобразование их в общественно ориентированную профессиональную службу, деятельность которой должна быть направлена на оказание своевременной и качественной помощи населению, безусловного выполнения каждым сотрудником ОВД своего служебного долга – «Служить интересам народа».

Для этого необходимо оптимальное определение и разграничение задач и функций административно-правовой деятельности ОВД всех уровней, соответствующую организационно-штатную структуру, рациональное распределение сил и средств с учетом современных вызовов и угроз, значимости и объема выполняемой работы. Кроме этого необхо-

димо обеспечение системного адресного диалога с народом, развитие тесного взаимодействия с органами самоуправления граждан, другими институтами гражданского общества, оказание всестороннего содействия в решении насущных проблем населения. А также, установление качественно нового порядка организации работы с обращениями физических и юридических лиц, исключение поверхностного и формального отношения к их рассмотрению и разрешению. Одним из действенных механизмов совершенствования административно-правовой деятельности является внедрение системы отчетности должностных лиц ОВД перед населением и критериев оценки работы, а также эффективных механизмов общественного, парламентского и депутатского контроля за обеспечением законности в их деятельности и др.⁹

Таким образом, главные составляющие совершенствования административно-правовой деятельности ОВД Республики Узбекистан напрямую связаны с изменением и оптимизацией функций органов исполнительной власти. В данном контексте это объясняется тем, что именно правоохранительная и правоприменительная административно-правовая деятельность определяют характер их правоотношений с народом. Поэтому не случайно главный элемент административно-правовой деятельности ОВД выражается в принципе «Не народ должен служить государственным органам, а государственные органы должны служить народу». Это предусматривает формирование в стране концептуально новых государственно-общественных отношений в правоохранительной и правоприменительной сфере ОВД, которые должны преданно, беззаветно служить народу Узбекистана.

#

9 Указ Президента Республики Узбекистан № 5005 от 10.04.2017 г. «О мерах по коренному повышению эффективности деятельности органов внутренних дел, усилению их ответственности за обеспечение общественного порядка, надежной защиты прав, свобод и законных интересов граждан» (Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2017 г., № 15, ст. 243)



Хуршид КАРИМОВ,
Бош прокуратура Академияси
кафедра бошлиғи, ю.ф.ф.д, доцент

ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИДА МАЪМУРИЙ ПРЕЮДИЦИЯ ТУШУНЧАСИ ВА ЖИНОЯТ ТАСНИФИДАГИ ЎРНИ

АННОТАЦИЯ. Ушбу мақолада маъмурий преюдицияга эга жиноятларнинг жиноят таснифидаги ўрни, маъмурий преюдицияга эга жиноятлар ҳамда ушбу жиноятларга оид маъмурий ҳуқуқбузарликларни объектига кўра таснифлашда ўзаро мутаносибликни таъминлаш масалалари таҳлил қилинган ҳамда такомиллаштириш бўйича таклифлар билдирилган.

АННОТАЦИЯ. В данной статье проанализированы преступления с административной преюдицией, их место в классификации преступлений, вопросы обеспечения совместимости административных правонарушений, относящихся к данным преступлениям, при классификации по объекту, а также представлены предложения об усовершенствовании действующего законодательства.

ABSTRACT. This article analyzes crimes with administrative prejudice, their place in the classification of crimes, issues of ensuring the compatibility of administrative offences related to these crimes when classified by object, and also presents proposals for improving the current legislation.

Калит сўзлар: маъмурий преюдиция, жиноят таснифи, маъмурий преюдицияга эга жиноятлар, маъмурий ҳуқуқбузарликлар.

Ключевые слова: административная преюдиция, классификация преступлений, преступления с административной преюдицией, административное правонарушение.

Keywords: administrative prejudice, classification of crime, crimes with administrative prejudice, administrative offence.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 56 та моддасидаги 68 та жиноят таркиби бўйича маъмурий преюдиция назарда тутилган. Преюдиция лотинча “praecedentialis” сўздан олинган бўлиб, аввалги суд қарорига тегишли деган маънони билдиради. Яъни ушбу моддалардаги 68 та жиноят таркиби назарда тутилган қилмишлар жиноят сифатида малакаланиши учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлиши талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 15-моддасида¹ жиноятларни таснифлаш қоидаларига эътибор қаратадиган бўлсак, маъмурий преюдиция назарда тутилган жиноятлар ижтимоий хавфлилик даражасига кўра қайси жиноятлар тоифасига кириши, шунингдек, маъмурий преюдиция тушунчаси қайд этилмаган. Мазкур масалада МДХ давлатлари жиноят қонунчилиги таҳлили Беларус Республикаси Жиноят кодексига маъмурий преюдиция атамаси ҳамда маъмурий преюдиция назарда тутилган жиноятлар қайси жиноят таснифига кириши мустаҳкамлаб қўйилганлигини кўрсатади. Жумладан, Беларус Республикаси Жиноят кодексининг 32-моддасида “Ушбу кодекснинг махсус қисмида кўрсатилган ҳолларда ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар учун жиноий жавобгарлик, агар шундай қилмиш учун маъмурий ёки инти-

зомий жавобгарлик қўлланилганидан сўнг бир йил давомида шундай ҳуқуқбузарлик содир этганда келиб чиқади” деб белгиланган. Бу эса ўз навбатида маъмурий преюдицияга эга жиноятлар ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар таснифига киришини англатади. Юқоридаги норманинг эътиборли тарафи маъмурий жазо қўлланилгандан сўнг бир йил давомида ҳуқуқбузарликнинг содир этилиши жиноий жавобгарликка сабаб бўлиши бевосита Кодекснинг ўзида белгиланганлигидир.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига айрим маъмурий преюдицияга эга муайян жиноятлар бўйича жиноий жавобгарлик масаласи бевосита Жиноят кодексининг тегишли моддасида кўрсатилган. Масалан, Жиноят кодексининг 122-моддасида моддий ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсни моддий таъминлашдан бўйин товлаш, яъни уларни моддий жиҳатдан таъминлаш учун суднинг ҳал қилув қарорига ёки суд буйруғига биноан ундирилиши лозим бўлган маблағни жами бўлиб икки ойдан ортиқ муддат мобайнида тўламаслик, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса жиноий жавобгарлик юзага келади. Яъни мазкур моддада маъмурий жазога тортилгандан сўнг, икки ойдан ортиқ муддатда тўламаслик жиноий жа-

1 <http://lex.uz/docs/111453>

вобгарликни назарда тутди. Шу билан бир қаторда, аксарият ЖКдаги маъмурий преюдицияга эга жиноятлар учун жавобгарлик масаласини ҳал қилишда МЖТКнинг 37-моддасида² белгиланган башарти маъмурий жазога тортилган шахс шу жазони ўташ муддати тугаган кундан бошлаб бир йил мобайнида янги маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этмаган бўлса, мазкур шахс маъмурий жазога тортилмаган деб ҳисобланишига оид қоидага мувожаат этилади.

Қайд этиш лозимки, маъмурий преюдицияга эга жиноят таркиблари учун маъмурий жазога тортилгандан сўнг қанча муддат давомида мазкур ҳуқуқбузарликнинг содир этилиши жинойий жавобгарликни келтириб чиқариши ҳақида ягона муддат ҳамда мазкур масала жиноят қонунчилигида белгиланмаган. Д.С.Семенова³ мазкур масала бўйича маъмурий преюдицияга эга жиноятлар бўйича ягона муддатни белгилаш ҳамда бу муддат Россия Федерациянинг Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодексининг 4.6 моддасига асосан, маъмурий жазога тортиш тўғрисидаги қарор кучга кирган кундан бошлаб бир йилни ташкил этиши мақсадга мувофиқлиги ҳақида қайд этади. Шунингдек, Д.С.Семенованинг РФ Жиноят кодекси умумий қисмига маъмурий преюдиция тушунчасини мазмунини акс эттирувчи норма киритилишига оид таклифи⁴ диққатга сазовор.

О.С.Капинус⁵ ҳам Россия Федерацияси Жиноят кодексини маъмурий преюдицияга эга жиноят таркибига оид нормаларни тартибга солишга қаратилган қоидалар билан бир қаторда, шунингдек, бундай таркибдаги жиноятларни квалификация қилиш қоидалари билан тўлдиришни таклиф этади.

Юқорида қайд этганимиздек, Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 37-моддасида башарти маъмурий жазога тортилган шахс шу жазони ўташ муддати тугаган кундан бошлаб бир йил мобайнида янги маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этмаган бўлса, мазкур шахс маъмурий жазога тортилмаган деб ҳисобланиши белгиланган.

Д.С.Семенова ҳамда О.С.Капинус фикрига қўшилган ҳолда, жиноят қонунчилигида маъмурий преюдицияга эга жиноят таркиблари мавжуд бўлган ҳолатда жиноятни таснифлаш билан боғлиқ нормаларда маъмурий преюдицияга оид қоидаларни акс этиши мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 15-моддасида маъмурий преюдиция институтини акс этиши мазкур жиноятлар таснифи қайси тоифадаги жиноят эканлигини аниқлаш, шунингдек, маъмурий жазога тортилгандан сўнг шахснинг жи-

ноий жавобгарлигига оид масалалар қачон юзага келишига оид масалаларни бевосита жиноят қонунчилиги билан тартибга солинишига асос бўлади.

Маъмурий преюдицияга эга жиноятларни таснифига кўра тадқиқ этишда Жиноят кодексининг 15-моддасига асосан ушбу жиноятлар қайси тоифадаги жиноятларга кириши ҳамда жиноят объектига кўра қайси мезонлар асосида таснифланганлигини ўрганиш муҳим ҳисобланади.

Юқорида қайд этганимиздек, Жиноят кодексининг 56 та моддасида маъмурий преюдиция мавжуд. Қуйида мазкур моддаларни Жиноят кодексининг 15-моддасига асосан қайси тоифадаги жиноятларга киришини таҳлил қиламиз. Таҳлиллар Жиноят кодексининг маъмурий преюдиция назарда тутилган жиноятлар ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда белгиланган маъмурий преюдицияга эга жиноятларнинг маъмурий ҳуқуқбузарликлари объектига кўра турли бобларда жойлашганлиги, бу эса ўз навбатида Жиноят кодексидаги маъмурий преюдицияга эга жиноятларда назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликларни объектига кўра таснифлашда ўзаро номутаносиблигини кўрсатади.

Жиноят кодекси 109-моддаси қасддан баданга енгил шикаст етказиш объектига кўра Жиноят кодекси 109-моддаси (кейинги ўринларда – ЖКнинг) соғлиққа қарши жиноятлар бобига киритилган бўлса, мазкур жиноят учун маъмурий преюдиция назарда тутилган Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг (кейинги ўринларда – МЖТКнинг) 52-моддасидаги ҳуқуқбузарлик аҳоли соғлиғини сақлаш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар турига киритилган. Мазкур нормаларда ҳуқуқбузарликлар объекти ўзаро мутаносиб кўрсатилган.

Шунингдек, ЖКнинг 141¹-моддаси шахсий ҳаёт дахлсизлигини бузиш, ЖКнинг 141²-моддаси шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонунчиликни бузиш, ЖКнинг 143-моддаси хат-ёзишмалар, телефонда сўзлашув, телеграф хабарлари ёки бошқа хабарларнинг сир сақланиши тартибини бузиш, ЖКнинг 148-моддаси меҳнат қилиш ҳуқуқини бузиш, ЖКнинг 148¹-моддаси вояга етмаган шахсларнинг меҳнатидан фойдаланишга йўл қўйилмаслиги тўғрисидаги талабларни бузиш, ЖКнинг 148²-моддаси меҳнатга маъмурий тарзда мажбурлаш жиноятлари “фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши жиноятлар” турига кирса, МЖТКнинг 46¹-моддаси шахсий ҳаёт дахлсизлигини бузиш, МЖТКнинг 46²-моддаси шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонунчиликни бузиш, МЖТКнинг 46-моддаси

2 <http://lex.uz/docs/97664#198031>

3 Д.М.Семенова. Вестник Университета прокуратуры Российской Федерации №1(81) 2021. 62-ст.

4 Д.М.Семенова. Вестник Университета прокуратуры Российской Федерации №1(81) 2021. 63-ст.

5 О.С.Капинус. Предварительное расследование. 2019. 43-ст. www.pr.gov.by



фуқарога маънавий ёки моддий зарар етказиши мумкин бўлган маълумотларни ошкор этиш, МЖТКнинг 49-моддаси меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчиликни бузиш, МЖТКнинг 49¹-моддаси вояга етмаган шахсларнинг меҳнатидан фойдаланишга йўл қўйилмаслиги тўғрисидаги талабларни бузиш, МЖТКнинг 51-моддаси меҳнатга маъмурий тарзда мажбурлаш “фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига тажовуз қиладиган ҳуқуқбузарликлар” тоифасига кирилади. Мазкур нормаларда ҳам ҳуқуқбузарликлар объекти ўзаро мутаносиб кўрсатилган.

Бундан ташқари, ЖКнинг 192¹-моддаси хусусий мулк ҳуқуқини бузиш, ЖКнинг 192²-моддаси тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш ва молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш тартибини бузиш, ЖКнинг 192³-моддаси тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини ва (ёки) уларнинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни қонунга хилоф равишда тўхтатиб туриш, ЖКнинг 192⁴-моддаси тадбиркорлик субъектларини ҳомийликка ва бошқа тадбирларга мажбурий жалб этиш, ЖКнинг 192⁵-моддаси лицензиялаш тўғрисидаги қонунчиликни ва рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисидаги қонунчиликни бузиш, ЖКнинг 192⁶-моддаси имтиёзлар ва преференцияларни қўллашни ғайриқонуний равишда рад этиш, қўлламаслик ёки қўллашга тўсқинлик қилиш, ЖКнинг 192⁷-моддаси хўжалик юритувчи субъектларга ва бошқа ташкилотларга пул маблағлари беришни асоссиз равишда кечиктириш, ЖКнинг 192⁸-моддаси тадбиркорлик субъектларининг ҳисобварақларида пул маблағлари мавжудлиги тўғрисидаги ахборотни қонунга хилоф равишда талаб қилиб олиш, жиноятлари “тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралаштириш билан боғлиқ жиноятлар ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қиладиган бошқа жиноятлар” тоифасига, МЖТКнинг 241¹-моддаси хусусий мулк ҳуқуқини бузиш, МЖТКнинг 241²-моддаси тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш ва молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш тартибини бузиш, МЖТКнинг 241³-моддаси тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини ва (ёки) уларнинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни қонунга хилоф равишда тўхтатиб туриш, МЖТКнинг 241⁴-моддаси тадбиркорлик субъектларини ҳомийликка ва бошқа тадбирларга мажбурий жалб этиш, МЖТКнинг 241⁵-моддаси лицензиялаш тўғрисидаги қонунчиликни ва рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисидаги қонунчиликни бузиш, МЖТКнинг 241⁶-моддаси имтиёзлар ва преференцияларни қўллашни ғайриқонуний равишда рад этиш, қўлламаслик ёки қўллашга тўсқинлик қилиш, МЖТКнинг 241⁷-модда-

си хўжалик юритувчи субъектларга ва бошқа ташкилотларга пул маблағлари беришни асоссиз равишда кечиктириш, МЖТКнинг 241⁸-моддаси тадбиркорлик субъектларининг ҳисобварақларида пул маблағлари мавжудлиги тўғрисидаги ахборотни қонунга хилоф равишда талаб қилиб олиш ҳуқуқбузарлиги “тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилганлик, қонунга хилоф равишда аралашганлик ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қиладиган бошқа ҳуқуқбузарликлар” тоифасига киритилганлиги ҳуқуқбузарликларни ЖК ва МЖТКда объектига кўра ўзаро мутаносиблигини кўрсатади.

Шунингдек, ЖКнинг 213-моддаси давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш, ЖКнинг 214-моддаси давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг қонунга хилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкий манфаатдор бўлиши, ЖКнинг 216¹-моддаси ғайриқонуний жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар фаолиятида қатнашишга ундаш, ЖКнинг 216²-моддаси диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунчиликни бузиш, ЖКнинг 217-моддаси йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намойишлар уюштириш, ўтказиш тартибини бузиш, ЖКнинг 225-моддаси ҳарбий ёки муқобил хизматдан бўйин товлаш, ЖКнинг 226-моддаси маъмурий назорат қоидаларини бузиш, ЖКнинг 229²-моддаси диний таълимотдан сабоқ бериш тартибини бузиш, ЖКнинг 229⁵-моддаси ер участкасини ноқонуний олиб қўйиш жиноятлари бошқарув тартибига қарши жиноятлар тоифасига киритилган, МЖТКнинг 193¹-моддаси давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш, МЖТКнинг 193²-моддаси давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг қонунга хилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкий манфаатдор бўлиши, МЖТКнинг 200²-моддаси ер участкасини ноқонуний олиб қўйиш, МЖТКнинг 202¹-моддаси ғайриқонуний нодавлат нотижорат ташкилотлари, оқимлар, секталарнинг фаолиятида қатнашишга ундаш, МЖТКнинг 240-моддаси диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунчиликни бузиш, МЖТКнинг 201-моддаси йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намойишлар уюштириш, ўтказиш тартибини бузиш, МЖТКнинг 237-моддаси ҳарбий ёки муқобил хизматдан бўйин товлаш, МЖТКнинг 206-моддаси маъмурий назорат қоидаларини бузиш, МЖТКнинг 241-моддаси диний таълимотдан сабоқ бериш тартибини бузиш ҳуқуқбузарликлари бошқарувнинг белгиланган тартиби-

га тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар тоифасига киритилганлиги ҳуқуқбузарликлар объектига кўра таснифланишида ўзаро мутаносблигини кўрсатади.

ЖКнинг 260¹-моддаси Ўзбекистон Республикасининг самовий ҳудудидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш, ЖКнинг 263¹-моддаси ҳаво кемасидан фойдаланиш вақтида лазер нуруни йўналтириш орқали халақит бериш жинояти транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар тоифасига киритилган, МЖТКнинг 116²-моддаси Ўзбекистон Республикасининг самовий ҳудудидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш, МЖТКнинг 116¹-моддаси ҳаво кемасидан фойдаланиш вақтида лазер нуруни йўналтириш орқали халақит бериш ҳуқуқбузарлиги транспортдаги, йўл хўжалиги ва алоқа соҳаларидаги ҳуқуқбузарликлар тоифасига киритилган.

ЖКнинг 278-моддаси қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш жинояти жамоат тартибига қарши жиноятлар тоифасига, МЖТКнинг 191-моддаси қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар жамоат тартибига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар тоифасига киритилган.

Қайд этиш лозимки, юқоридаги маъмурий преюдицияга эга жиноятлар бўйича ҳуқуқбузарликлар объектига кўра кодексларда жойлашувида ўзаро мутаносблик бор. Гарчи ҳуқуқбузарликлар объектига кўра боблар номланиши аксарият ҳолларда ўзаро бир хил эмас.

Шу билан бир қаторда, ЖКнинг 122-моддаси вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш, ЖКнинг 123-моддаси ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаш, ЖКнинг 125¹-моддаси никоҳ ёши тўғрисидаги қонунчиликни бузиш жиноятлари “оилага, ёшларга ва ахлоққа қарши жиноятлар” бобида киритилган бўлса, МЖТКнинг 47³-моддаси никоҳ ёши тўғрисидаги қонунчиликни бузиш, МЖТКнинг 47⁴-моддасидаги вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш, МЖТКнинг 47⁵-моддаси ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаш ҳуқуқбузарликлари “фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига тажовуз қиладиган ҳуқуқбузарликлар” турига киритилган. Мазкур нормаларда ҳуқуқбузарликлар объектига кўра жойлаштиришда номутаносблик мавжуд.

Бундан ташқари, ЖКнинг 127-моддаси вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш, ЖКнинг 127¹-моддаси тиланчилик қилиш, ЖКнинг 130-моддаси порнографик маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш, ЖКнинг 130¹-моддаси зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қи-

лиш, намойиш этиш, жиноятлари “оилага, ёшларга ва ахлоққа қарши жиноятлар” бобида киритилган бўлса, МЖТКнинг 188-моддаси вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш, МЖТКнинг 188³-моддаси тиланчилик қилиш, МЖТКнинг 189-моддаси порнографик маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш, МЖТКнинг 189¹-моддаси зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш “жамоат тартибига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар” турига киритилган. Бу ерда ҳуқуқбузарликлар объектига кўра ЖК ва МЖТК ўзаро фарқ қилиши кўринади.

Шунингдек, ЖКнинг 139-моддаси “туҳмат”, ЖКнинг 140-моддалари “ҳақорат қилиш” шахснинг овозлиги, шаъни ва қадр-қимматига қарши жиноятлар тоифасига киритилган бўлса, МЖТКнинг 40-моддаси туҳмат, МЖТКнинг 41-моддаси “ҳақорат қилиш” “фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига тажовуз қиладиган ҳуқуқбузарликлар” турига киритилган.

ЖКнинг 156-моддаси миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатиш жинояти объектига кўра тинчлик ва инсониятнинг хавфсизлигига қарши жиноятлар тоифасига киритилган бўлса, МЖТКнинг 184³-моддасидаги миллий, ирқий, этник ёки диний адоватни тарғиб қилувчи материалларни тайёрлаш, сақлаш ёки тарқатиш ҳуқуқбузарлиги жамоат тартибига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар тоифасига киритилган.

ЖКнинг 177-моддаси валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказиш жинояти иқтисодиёт асосларига қарши жиноятлар тоифасига киритилган бўлса, МЖТКнинг 170-моддаси валюта бойликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказиш савдо, тадбиркорлик ва молия соҳаларидаги ҳуқуқбузарликлар тоифасига киритилган.

ЖКнинг 182-моддаси божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш жинояти иқтисодиёт асосларига қарши жиноятлар тоифасига киритилган бўлиб, МЖТКнинг 227¹⁶-моддаси товарлар ва транспорт воситаларини Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан ташқарига олиб чиқмаслик ёки уларни ушбу ҳудудга қайтариб олиб кирмаслик, МЖТКнинг 227¹⁹-моддаси Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали товарларни олиб ўтишда иқтисодий сиёсат чоралари ва бошқа чекловларни қўлланиш тартибига риоя қилмаслик, МЖТКнинг 227²⁰-моддаси тижорат мақсадлари учун мўлжалланмаган товарлар ниқоби остида Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали товарларни олиб ўтиш, МЖТКнинг 227²¹-моддаси товарлар ва транспорт воситаларини белгиланган тартибни бузган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг божхо-



на чегараси орқали олиб ўтиш, МЖТКнинг 227²²-моддаси товарларни декларацияламаслик ёки нотўғри декларациялаш бошқарувнинг белгиланган тартибига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар тоифасига киритилган.

ЖКнинг 183-моддаси рақобат тўғрисидаги қонунчиликни ва табиий монополиялар тўғрисидаги қонунчиликни бузиш, ЖКнинг 184-моддаси солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш, иқтисодиёт асосларига қарши жиноятлар тоифасига киритилган бўлса, МЖТКнинг 178-моддаси рақобат тўғрисидаги қонунчиликни, табиий монополиялар тўғрисидаги қонунчиликни ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчиликни бузиш, МЖТКнинг 174-моддаси солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш ҳуқуқбузарлиги савдо, тадбиркорлик ва молия соҳаларидаги ҳуқуқбузарликлар тоифасига киритилган.

ЖКнинг 185¹-моддаси рангли металллар, уларнинг парча ва резги чиқитларини тайёрлаш, олиш, улардан фойдаланиш ҳамда уларни ўтказиш қоидаларини бузиш жинояти иқтисодиёт асосларига қарши жиноятлар тоифасига киритилган бўлса, МЖТКнинг 219¹-моддаси рангли металлларни, уларнинг парчалари ва резги-чиқитларини, шунингдек қора металл парчалари ва резги-чиқитларини тайёрлаш, олиш, улардан фойдаланиш ҳамда уларни сотиш қоидаларини бузиш ҳуқуқбузарлиги бошқарувнинг белгиланган тартибига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар тоифасига киритилган.

ЖКнинг 185²-моддаси электр, иссиқлик энергияси, газ, водопроводдан фойдаланиш қоидаларини бузиш иқтисодиёт асосларига қарши жиноятлар тоифасига киритилган бўлса, МЖТКнинг 101-моддаси электр, иссиқлик энергияси, газдан фойдаланиш қоидаларини бузиш ҳуқуқбузарлиги саноатдаги, қурилишдаги ва иссиқлик ҳамда электр энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар тоифасига киритилган.

ЖКнинг 186¹-моддаси этил спирти, алкогольли маҳсулот ва тамаки маҳсулотини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш жинояти хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятлар тоифасига киритилган бўлса, МЖТКнинг 186¹-моддами этил спирти, алкогольли ва тамаки маҳсулотларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш ҳуқуқбузарлиги жамоат тартибига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар тоифасига киритилган.

ЖКнинг 186³-моддаси сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситаларини ёхуд тиббий буюмларни ўтказиш мақсадида ишлаб чиқариш, тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки ўтказиш, дори воситаларини ёки тиббий буюмларни дорихоналардан

ва уларнинг филиалларидан ташқарида реализация қилиш, шунингдек таркибида кучли таъсир қилувчи моддалар мавжуд бўлган дори воситаларини рецепт бўйича чакана реализация қилиш тартибини бузиш жинояти хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятлар тоифасига киритилган бўлса, МЖТКнинг 165¹-моддаси сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситаларини ёхуд тиббий буюмларни ўтказиш мақсадида ишлаб чиқариш, тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки ўтказиш, дори воситаларини ёки тиббий буюмларни дорихоналардан ва уларнинг филиалларидан ташқарида реализация қилиш, шунингдек дори воситаларини рецепт бўйича чакана реализация қилиш тартибини бузиш ҳуқуқбузарлиги савдо, тадбиркорлик ва молия соҳаларидаги ҳуқуқбузарликлар тоифасига киритилган.

ЖКнинг 192¹⁰-моддаси нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш жинояти “тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралаштириш билан боғлиқ жиноятлар ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қиладиган бошқа жиноятлар” тоифасига киритилган бўлса, МЖТКнинг 61¹-моддаси нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш ҳуқуқбузарлиги мулкка тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар тоифасига киритилган.

ЖКнинг 197¹-моддаси суғориладиган ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олишга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрмаслик жинояти атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги жиноятлар тоифасига киритилган бўлса, МЖТКнинг 60¹-моддасидаги суғориладиган ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олишга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрмаслик ҳуқуқбузарлиги мулкка тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар турига киритилган.

ЖКнинг 202¹-моддаси ҳайвонларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлиш жинояти атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги жиноятлар тоифасига киритилган бўлса, МЖТКнинг 111-моддаси ҳайвонларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлиш ҳуқуқбузарлиги қишлоқ хўжалигидаги ҳуқуқбузарлик, ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормаларини бузганлик учун маъмурий жавобгарликка оид ҳуқуқбузарликлар бобига киритилган.

ЖКнинг 229¹-моддаси ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш бошқарув тартибига қарши жиноятлар тоифасига кирса, МЖТКнинг 60-моддаси табиий ресурсларга эгалик ҳуқуқини бузиш ҳуқуқбузарлиги мулкка тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар тоифасига киритилган.

ЖКнинг 229³-моддаси белгиланган тақиқларни (чекловларни) бузган ҳолда биноларни, иншоотларни ёки бошқа объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш жинояти бошқарув тартибига қарши жиноятлар тоифасига кирса, МЖТКнинг 99-моддаси шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунчиликни бузиш ҳуқуқбузарлиги саноатдаги, қурилишдаги ва иссиқлик ҳамда электр энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар тоифасига киритилган.

ЖКнинг 229⁴-моддаси ер бериш тартибини бузиш бошқарув тартибига қарши жиноятлар тоифасига кирса, МЖТКнинг 66-моддаси ер бериш тартибини бузиш ҳуқуқбузарлиги экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар тоифасига киритилган.

ЖКнинг 232-моддаси суд ҳужжатини ижро этмаслик жинояти одил судловга қарши жиноятлар тоифасига киритилган бўлса, МЖТКнинг 198¹-моддаси қарздорнинг ижро ҳужжатини ижро этмаслиги, МЖТКнинг 198²-моддаси суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик ҳуқуқбузарлиги бошқарувнинг белгиланган тартибига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар тоифасига киритилган.

ЖКнинг 244³-моддаси диний мазмундаги материалларни қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, олиб кириш ёки тарқатиш жинояти жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар тоифасига киритилган, МЖТКнинг 184²-моддаси диний мазмундаги материалларни қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, олиб кириш ёки тарқатиш ҳуқуқбузарлиги жамоат тартибига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар тоифасига киритилган.

ЖКнинг 244⁶-моддаси ёлғон ахборот тарқатиш жинояти жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар тоифасига киритилган бўлса, МЖТКнинг 202²-моддаси ёлғон ахборот тарқатиш ҳуқуқбузарлиги бошқарувнинг белгиланган тартибига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар тоифасига киритилган.

ЖКнинг 250¹-моддаси пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласи жинояти жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар тоифасига киритилган бўлса, МЖТКнинг 185¹-моддаси пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласи жамоат тартибига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар тоифасига киритилган.

ЖКнинг 259¹-моддаси ўта муҳим ва тоифаланган объектларнинг қўриқланишини таъминлашга доир мажбуриятларни бажармаслик жинояти жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар тоифасига киритилган бўлса, МЖТКнинг 210¹-моддаси ўта муҳим ва тоифаланган объектларга кириш-чиқиш режими бузиш ёки ушбу объектларнинг қўриқланишини таъминлашга доир мажбуриятларни бажармас-

лик бошқарувнинг белгиланган тартибига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар тоифасига киритилган.

Юқорида келтирилган таҳлил маъмурий преюдицияга эга жиноятлар бўйича ҳуқуқбузарликлар объектига кўра кодексларда жойлашувида ўзаро номутаносблик борлигини кўрсатади. Шунингдек, ҳуқуқбузарликлар объектига кўра боблар номланиши аксарият ҳолларда ўзаро бир хил эмас. Бу эса ўз навбатида амалдаги Жиноят кодексига маъмурий преюдиция назарда тутилганлигини инobatга олган ҳолда, ЖК ва МЖТКда ҳуқуқбузарликларни объектига кўра жойлашувида ўзаро мувофиқликни таъминлашни мақсадга мувофиқлигини кўрсатади.

Жиноят таснифига кўра Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига маъмурий преюдицияга эга жиноятлар санкциялари таҳлил қилинганда 4 та моддадаги жиноят таркиби (182, 186-1, 186-3, 192-4-моддалари) унча оғир бўлмаган жиноят, 52 та моддадаги жиноят таркиби эса ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар эканлиги аниқланди. Фикримизча, юқоридаги 4 та маъмурий преюдицияга эга жиноятлар учун белгиланган санкция миқдорини унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасидан чиқариб, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар тоифасига ўтказиш мақсадга мувофиқ.

Қайд этиш лозимки, жиноят қонунчилигида маъмурий преюдиция институтининг мавжудлиги Жиноят кодексига айрим институтларнинг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда йўқлиги қилмишни тўғри квалификация қилиш ва жавобгарлик масаласини ҳал қилишда айрим муаммоларни келтириб чиқаради. Масалан, жиноятга тайёргарлик ва суиқасд қилиш институти мавжуд бўлиб, Жиноят кодексининг 25-моддаси билан тартибга солинган. Бундан ташқари, тамом бўлмаган жиноятлар учун жавобгарликни тартибга солишга қаратилган қатор нормалар мавжуд. Аммо маъмурий ҳуқуқбузарликка тайёргарлик ёки суиқасдга оид нормалар мавжуд эмас. Бу эса ўз навбатида Жиноят кодексига маъмурий преюдиция билан боғлиқ бир хил қилмишларни Жиноят кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларда ўзаро номувофиқлигини кўрсатади. Масалан, "Валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказишга доир ишлар юзасидан суд амалиёти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорида "Агар қалбакилиги айбдорга аён бўлган валюта қимматликлари кўринишидаги, пул муомаласида қўлланишини истисно қиладиган даражада ҳақиқийсига рўй-рост ўхшамайдиган купюралар ўтказилган бўлса, шунингдек, айбдорда жабрланувчини қўпол равишда алдаш нияти бўлганлигидан гувоҳлик берувчи бошқа ҳолатлар мавжуд бўлса, бундай қилмиш Жиноят кодекси 176-моддасининг тегишли қисми бўйича тавсифла-



ниб, Жиноят кодексининг 168-моддаси (фирибгарлик) билан қўшимча тавсифлаш талаб қилинмайди. Қалбаки пул ёки қимматли қоғозларни олган шахснинг қилмиши эса валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олишга суиқасд сифатида тавсифланиши лозим” деб кўрсатилган. Шу ўринда агар валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олишга суиқасд қилган шахс олмоқчи бўлган валюта миқдори Жиноят кодексига белгиланган миқдорни ташкил этмаган бўлса, унда шахснинг қилмиши МЖТКнинг 170-моддасида белгиланган ҳуқуқбузарлик таркибини ташкил этади. Аммо Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда суиқасд қилиш институти мавжуд эмас. Шу ўринда савол туғилади. Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишга суиқасд қилишни тугалланган ҳуқуқбузарлик сифатида малакалани қанчалик тўғри?

Бундан ташқари, МЖТКда жиноят қонунчилигидаги иштирокчиликнинг турлари ва шакллари билан боғлиқ қоидалар ҳам ёритилмаган. Бу эса ўз навбатида маъмурий преюдицияга эга жиноят таркибларининг жиноят қонунчилигида мавжудлигидан

келиб чиқиб, юқорида келтирилган таклифларни қонунчиликда акс эттириш, шу билан бир қаторда келгусида маъмурий преюдицияга эга жиноятларда назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликларни Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексдан чиқариш йўли билан жиноий ҳуқуқбузарликлар тоифасига мансуб проступок (ножўя қилмиш) институтини жорий этишни тақозо этади.

Бугунги кунда маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг жиноят ишлари бўйича судларда кўрилиши ҳам амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексдаги аксарият маъмурий ҳуқуқбузарликлар табиатига кўра жиноят қонунчилиги билан қўриқладиган ижтимоий муносабат эканлигини кўрсатади. Шу билан бир қаторда, жиноятларни таснифлашга оид нормаларни янада такомиллаштириш ҳамда келгусида проступок (ножўя қилмиш) институтини жорий этишда хорижий мамлакатлардаги жиноий ҳуқуқбузарликлар категорияси сифатида акс этган проступок (ножўя қилмиш) институтини ўрганиш ва тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

#



Мирзафар МИРСАЛИХОВ,
Бош прокуратура Академияси кафедра катта ўқитувчиси
Аброр АКБУТАЕВ,
Бош прокуратура Академияси кафедра катта ўқитувчиси

ВОЯГА ЕТМАГАН МАҲКУМЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ СТАТУСИ: ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР ВА МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИК

АННОТАЦИЯ. Ушбу мақолада вояга етмаган маҳкумларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда халқаро нормалар ва миллий қонунчиликни қўллаш масалалари муҳокама этилган.

АННОТАЦИЯ. В статье освещены вопросы применения международных норм и положений национального законодательства по защите прав и законных интересов несовершеннолетних осужденных.

ABSTRACT. This article analyses issues related with application of international norms and national legislation to protect the rights and legitimate interests of juvenile convicts.

Калит сўзлар: вояга етмаган маҳкум, жазо тизими, халқаро нормалар, миллий қонунчилик.

Ключевые слова: несовершеннолетние осужденные, система наказания, международные нормы, национальное законодательство.

Key words: juvenile convicts, punishment system, international norms, national legislation.

Вояга етмаган маҳкумларнинг инсон ҳуқуқлари борасида умумэтироф этилган халқаро нормалар ва стандартлар талабларига асосан озодликдан маҳрум қилиш жойларида жазо ўташлари, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш билан боғлиқ масалалар бугунги кунда алоҳида аҳамият касб этади.

Шуни алоҳида такидлаш жоизки, сўнгги йилларда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг қонунчилик ва ташкилий-ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш ва халқаро мажбуриятларни бажариш, шунингдек, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари юзасидан халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни фоллаштиришга доир тизимли ишлар кенг олиб борилмоқда.

Юқорида қайд этилган масалалар юзасидан 2020 йил 22 июндаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6012-сонли Фармон¹и қабул қилиниши ҳам жуда муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосан Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъекти эканлиги, унинг ташқи сиёсати халқаро ҳуқуқнинг умумэти-

роф этилган қоидалари ва нормаларига асосланиши белгиланган.²

Маълумот тариқасида: ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари бўйича 80 дан ортиқ халқаро ҳужжатга, жумладан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 6 та асосий шартномаси ва 4 та факультатив протоколига қўшилган бўлиб, уларнинг амалга оширилиши юзасидан БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши ва шартномавий қўмиталарига мунтазам равишда миллий маърузаларни тақдим этиб келмоқда.

Бироқ айни пайтда вояга етмаган маҳкумларнинг ўз ҳуқуқларини рўёбга чиқариш имкониятининг етарли даражада эмаслиги ва уларга тегишли равишда риоя қилмаслик жиноят-ижроия қонунчилиги олдига қўйилган асосий мақсадларга тўлиқ эришишга имкон бермаётганлигидан далолат беради. Ушбу ҳолатлар жиноят ҳамда жиноят-ижроия қонунчилигини ислоҳ қилиш ва янгилаш борасида чоралар кўриш орқали уларни халқаро ҳуқуқ нормалари ва стандартларига мослаштириш кераклигини илгари суради.

Шу билан бирга, маҳкумларнинг ҳуқуқларига риоя этиш, уларнинг шаъни ва қадр-қиммати ҳурмат қилинишини таъминлаш, келгусида жамиятга ижтимоий мослаштириш учун ахлоқан тарбиялаш ва меҳнатга ўргатишнинг шаффоф ва янада самарали ҳуқуқий механизмларини жорий этиш, замона-

1 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 июндаги “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6012-сон фармони, <http://lex.uz/docs/4872355>

2 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 17-модда, <http://lex.uz/docs/20596#39118>



вий халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибани инobatга олган ҳолда жиноят-ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш зарурияти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 ноябрдаги “Жиноят-ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4006-сон қарорида ҳам белгилаб берилди³.

Хусусан, ушбу қарор билан “2019 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси жиноят-ижроия қонунчилигини такомиллаштириш концепцияси” тасдиқланиб, унда “умумэътироф этилган халқаро стандартларга мос равишда маҳкумлар ҳуқуқлари доирасини янада кенгайтириш”, “жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларининг тамойиллари, тартиби ва шартларини замонавий ёндашувлар, илғор халқаро стандартлар ва хорижий амалиётни ҳисобга олган ҳолда янада такомиллаштириш”⁴ лозимлиги кўрсатиб ўтилган.

Мазкур Концепцияда шунингдек “вояга етмаганларни суд қарори асосида умумий тартибли колония, манзил-колония ва тарбия колониясидан пробация бўлинмалари ваколоти доирасига ўтказиш, шунингдек жазони ижро этиш муассасаларидаги шахслар, биринчи навбатда вояга етмаганлар ва ёшларнинг ижтимоий мослашуви ва ишга жойлашишига ҳар томонлама амалий кўмаклашиш механизмларини жорий этиш”⁵ зарурияти алоҳида қайд этиб ўтилган.

“Вояга етмаган” тушунчасига аҳамият берадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикасининг “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунига кўра – ўн саккиз ёшга тўлгунга (вояга етгунга) қадар бўлган шахс (шахслар) бола (болалар)⁶ ёки Ўзбекистон Республикасининг “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги қонунига асосан “вояга етмаган – ўн саккиз ёшга тўлмаган шахс” ҳисобланади.⁷

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида вояга

етмаганларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясида эканлиги қайд этилган⁸. Давлат шунингдек, болаларнинг ижтимоий кўникмасига, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларни камайтиришга кўмаклашиши бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ўз сиёсатининг асосий йўналишларидан бири сифатида белгилаган.⁹

Бундан ташқари, қонунчилик билан ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар¹⁰ ҳуқуқларининг қўшимча кафолатлари белгиланган бўлиб, уларга асосан ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг оила муҳитига бўлган ҳуқуқи, жамиятга уйғунлашиш ҳуқуқи, турар жойга бўлган ҳуқуқлари, таълим олиш ҳуқуқи, ижтимоий ёрдам олишга бўлган ҳуқуқи ва бошқа ҳуқуқлари давлат томонидан кафолатланган.¹¹

Вояга етмаганларга нисбатан жазо тизими ҳам бошқа шахсларга нисбатан қўлланиладиган жазо тизимидан фарқли бўлиб, жумладан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига асосан ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсларга жарима, мажбурий жамоат ишлари, ахлоқ тузатиш ишлари, озодликни чеклаш, озодликдан маҳрум қилиш каби асосий жазолар қўлланилиши белгиланган бўлиб, ушбу шахсларга нисбатан қўшимча жазолар тайинланиши мумкин эмас.¹²

Халқаро ҳуқуқнинг вояга етмаган маҳкумлар билан муомала қилишнинг қоиди ва стандартларида белгиланган ҳолатлар жамланган тизим шаклланган бўлиб, ушбу тизим қуйидаги кўринишда таснифланади:

биринчи гуруҳ – умумий қўлланилиш характеридаги ҳужжатларни, хусусан Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон декларацияси (1948 й.), Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт (1966 й.), Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция (1989 й., унинг 43-моддаси 2-қисмига киритилган

3 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 ноябрдаги “Жиноят-ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4006-сон қарори, <http://lex.uz/docs/4045443>

4 2019 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси жиноят-ижроия қонунчилигини такомиллаштириш Концепцияси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 ноябрдаги ПҚ-4006-сон қарорига 3-илова, <http://lex.uz/docs/4045443>

5 Ўша ерга қаранг.

6 Ўзбекистон Республикасининг “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуни, 3-модда, 2008 йил 7 январь, ЎРҚ-139-сон, <http://lex.uz/docs/1297315>

7 Ўзбекистон Республикасининг “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни, 3-модда, 2010 йил 29 сентябрь, ЎРҚ-263-сон, <http://lex.uz/docs/1685726#1686076>

8 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 45-модда, <http://lex.uz/docs/20596#39118>

9 Ўзбекистон Республикасининг “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуни, 4-модда, 2008 йил 7 январь, ЎРҚ-139-сон, <http://lex.uz/docs/1297315>

10 Изоҳ: ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар – юзага келган ҳолатлар сабабли оғир турмуш шароитида қолган, давлат ва жамият томонидан алоҳида ҳимоя қилишга ҳамда қўллаб-қувватлашга муҳтож болалар, шу жумладан ихтисослаштирилган болалар муассасаларида тарбияланаётган болалар, жиний жавобгарликка тортилган ва жазони ижро этиш муассасаларида турган болаларни ўз ичига олади.

11 Ўзбекистон Республикасининг “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуни, 3-боб, 2008 йил 7 январь, ЎРҚ-139-сон, <http://lex.uz/docs/1297315>

12 Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси, олтинчи бўлим, <http://lex.uz/docs/111453#195708>

тузатиш билан), Маҳкумлар билан муомала қилишнинг минимал стандарт қоидалари – Нельсон Мандела қоидаларини (2015 й.) ўз чига олади;

иккинчи гуруҳ – махсуслаштирилган ҳужжатларни, хусусан Маҳкумлар билан муомала қилишнинг минимал стандарт қоидалари (1955 й.), Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситадиган муомала ва жазолаш турларига қарши конвенция (1984 й.), Вояга етмаганларга нисбатан одил судловни амалга оширишга тааллуқли минимал стандарт қоидалар (Пекин қоидалари, 1985 й.), Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган вояга етмаганларни ҳимоя қилишга тааллуқли қоидаларни (1990 й.) қамраб олади.

Бугунги кунда халқаро ҳуқуқнинг жазони ижро этиш ва маҳкумлар билан муомалада бўлишнинг умумэтироф этилган тоифасига кирган принцип ва нормалари, шунингдек ушбу масалаларда Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилган халқаро шартномалар ҳам жиноят-ижроия қонунчилигининг манбаси бўлиб ҳисобланиши ва мамлакат ҳудудида тўғридан-тўғри қўллаш хусусиятига эга эканлигини эътиборга олиб амалдаги миллий қонунчиликка уларнинг элементларини имплементация қилиб бориш борасида муайян ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

Шунга қарамасдан, вояга етмаган маҳкумларга нисбатан халқаро ва миллий жиноят-ижроия қонунчилигининг нормалари солиштирилса, улар ўртасида бир қанча номутаносибликлар мавжудлиги маълум бўлади.

Халқаро нормаларда вояга етмаганларга уларнинг ёши, жинси ва шахси, шунингдек тўлақонли ривожланиш манфаатларини ҳисобга олган ҳолда парвариш, ҳимоя ҳамда барча зарурий ижтимоий, психологик, тиббий, жисмоний, айна вақтда таълим ва касбий тайёргарлик соҳасида ёрдам кўрсатилиши таъминланиши назарда тутилиши лозим бўлса, Ўзбекистон Республикаси жиноят-ижроия қонунчилигида эса юқоридаги ҳолатлардан фақат вояга етмаган маҳкумларнинг тарбия колониясида жазони ўташлари ва тартиби белгиланган холос.¹³

Жазо ўтаётган вояга етмаганларга нисбатан лозим бўлган индивидуал ёндашувни таъминлайдиган махсус, ўзига хос статусга эга бўлган, ушбу муассасаларнинг колониялардан жиддий фарқланадиган муассаса эканлигини белгиловчи бошқа тегишли қонун ҳужжатлар мавжуд эмас.

Шунингдек, мавжуд норматив ҳужжатларда ўн олти ёшгача бўлган вояга етмаган маҳкумлар каттароқ ёшдаги маҳкумлардан, биринчи марта озодликдан маҳрум этилишига ҳукм қилинган маҳкумлар илгари озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазони ўтаган маҳкумлардан алоҳида сақланишини қайд этиш билан кифояланилган бўлиб, вояга етмаган маҳкумларни тоифасига қараб ажратилган, алоҳидаланган (*содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, содир этган жиноятига бўлган шахсий муносабатини, маҳкумнинг шахсини, хулқ-атворини ва бошқа зарур ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда*) шароитда сақлаш лозимлиги, бундай ёндашув ижобий тавсифланадиган маҳкумларга номақбул, салбий таъсир ўтказилишига йўл қўймаслик мақсадида эканлиги эътибордан четда қолган. Натижада Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексига мувофиқ ўн олти ёшгача бўлган вояга етмаган ҳамда йигирма бир ёшга тўлгунга қадар бўлган маҳкумлар битта тарбия колониясида сақланиши, жазо ўташлари белгиланган.¹⁴

Ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган аёл жинсидаги вояга етмаган озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар эса (уларнинг сони кам бўлганлиги боис) мазкур кодексга асосан катта ёшли аёллар жазо ўтайдиган умумий тартибли колонияга нечанчи марта озодликдан маҳрум қилинган бўлишларидан, ёш жиҳатидан қатъи назар, юборилишлари белгилаб қўйилган.¹⁵

Маҳкумларни тоифаларига қараб ажратилган, алоҳидаланган ҳолда сақлаш уларнинг ижтимоий ҳаётга тезроқ қайтишларига кўмаклашувчи муҳим омиллардан бўлса ҳам, миллий жиноят-ижроия қонунчилиги уларни бир-биридан ажратилган ҳолда сақлашни назарда тутган холос. Ана шу мақсадда тегишли ҳуқуқий нормаларни қайта тарбиялаш – маҳкумнинг хулқ-атвори, маълумоти ва маданиятидаги камчиликларни тўлдириш сифатида қабул қилиш, ижтимоий реинтеграцияда эса – маҳкумнинг жамият билан фаол алоқа қилишига кўмаклашиш ва ижтимоий алоқаларни тиклаш, имкониятига кўра жазони юмшатиш, қамоқдаги ҳаёт тарзини озодликдаги ҳаётга ўхшаш бўлишини таъминлаш, шунингдек озод бўлгач, уларни яна қўллаб-қувватлаш (масалан иш, уй-жой топиш ёки бошқа турдаги ёрдам) мақсадга мувофиқ.

Бундан ташқари, пенитенциар тузилманинг асосий фаолиятини маҳкумларни қайта тарбиялаш ва ижти-

13 Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодекси, 22-боб. Тарбия колонияларида жазони ўташ. <http://lex.uz/docs/163629#171205>, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги озодликдан маҳрум қилиш туридаги жазони ижро этиш муассасаларининг ички тартиб қоидалари (рўйхат рақами 2495, 29.07.2013 й.). III боб. Тарбия колонияларида жазони ўташ <http://lex.uz/docs/2216121#2218888>

14 Ўша ерга қаранг

15 Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодекси, 47-модда, <http://lex.uz/docs/163629#171205>, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги озодликдан маҳрум қилиш туридаги жазони ижро этиш муассасаларининг ички тартиб қоидалари (рўйхат рақами 2495, 29.07.2013 й.). 19-26 бандлар, <http://lex.uz/docs/2216121#2218888>



мой ҳаётга реинтеграциялашувини назарда тутган тадбирларни амалга оширишга, маҳкумнинг қонунга итоаткор ва уни ҳурмат қилган ҳолда яшайдиган, озод бўлганидан сўнг эса ўз тирикчилигини таъминлай оладиган фуқаро сифатида шакллантиришга хизмат қилишини назарда тутувчи, шунингдек, улардаги режим ўз мазмунига кўра озодликдан маҳрум қилиш жойларида маҳкумларнинг сақланишлари ва ахлоқан тузалишлари учун тегишли шарт-шароитлар яратилган ҳолда тартибга солинган, хавфсиз муҳитда биргаликда яшашларига имкон берувчи қоида ва чораларнинг мажмуи сифатида амалиётга татбиқ этилишини таъминлайдиган ҳуқуқий механизмлар билан бойитиш зарур.

Шу билан бирга, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазонинг пировард мақсадига эришиш учун ушбу муассасаларга қуйидаги тадбирларни, хусусан:

а) маҳкумларнинг малакаси, қобилияти, билимларини, техник ва касбий кўникмаларини амалга оширишга, уларнинг камчиликларини тўлдиришга йўналтирилган ўқув дастурларини тузиш ва амалиётда қўллаш;

б) маҳкумларнинг муқаддам жиноий хулқ-атворда бўлишларига таъсир ўтказиши эҳтимоли бўлган муаммоларнинг ҳал этилишига, уларнинг қобилиятларини ўстиришга йўналтирилган психоижтимоий услублар ва дастурлардан фойдаланиш;

в) маҳкумларнинг ташқи дунё билан бўлган алоқаларини енгиллаштириб, мустаҳкамлашни амалга ошириш таклиф этилади.

Албатта юқорида келтирилган таклифлар жиноят-ижроия қонунчилигининг вояга етмаган маҳкумларнинг ҳуқуқларини рўёбга чиқариш билан боғлиқ нормаларини қайтадан кўриб чиқиш ҳамда уларни халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар ва стандартларга асосан такомиллаштиришни, шу билан бирга “Озодликдан маҳрум қилинган вояга етмаган маҳкумларнинг жазо ўташ тартиби тўғрисида”ги алоҳида қонунни қабул қилиш масаласини кўриб чиқишни тақозо этади.

Ушбу қонун ўз ўрнида вояга етмаган маҳкумлар билан боғлиқ қуйидаги масалаларни тартибга солишга қаратилган асосий нормаларни ўзида мужассам этиши лозим:

маҳкумни реабилитация муассасасига жойлаштириш;

жазони ижро этиш тартиби ва режим;

сақлаш шароитлари;

тарбиявий чораларни қўллаш;

тиббий-санитария, яшаш шароити ва овқатланиши;

таълим олиши ва меҳнатга жалб қилиниши;

оиласи ва ташқи муҳит билан алоқаси;

рағбатлантириш ва интизомий чораларни қўллаш;

ресоциализация ва реабилитация;

ушбу йўналишдаги пробация хизматининг асосий вазибалари ва бошқалар.

Миллий манфаатларимиздан келиб чиқиб, халқаро стандартларга мувофиқ равишда вояга етмаган маҳкумларга нисбатан жиноят-ижроия қонунчилигини такомиллаштириш келажакда мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини янада кафолатлашда муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади.

#



Айгуль КУСАИНОВА,
Докторант Академии правоохранительных органов при
Генеральной прокуратуре Республики Казахстан

АДМИНИСТРАТИВНАЯ ОТВЕТСТВЕННОСТЬ ЗА ПРАВОНАРУШЕНИЯ В ОБЛАСТИ НАЛОГООБЛОЖЕНИЯ: ИСТОРИЯ И СОВРЕМЕННОЕ СОСТОЯНИЕ НА ТЕРРИТОРИИ КАЗАХСТАНА

АННОТАЦИЯ. Ушбу мақола Қозоғистон ҳудудида солиқ соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарликни назарда тутувчи қонунчиликнинг ривожланиш тарихига бағишланган. Тадқиқот Қозоғистон ҳудудида солиқ соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарликни назарда тутувчи қонунчиликнинг пайдо бўлиши ва ривожланишининг бошланишини ўрганиш мақсадида ўтказилди. Тадқиқотнинг янгиллиги шундан иборатки, ушбу ижтимоий-ҳуқуқий ҳодиса ҳозирги шаклида унинг ривожланишининг ўтган даврлари билан таҳлил қилинган. Ушбу тадқиқотнинг долзарблиги шундаки, унда салбий таъсирларни истисно қилиш мақсадида ўрганилаётган қонунчиликни ривожлантиришнинг кейинги истиқболларини ишлаб чиқиш учун зарур бўлган илгари мавжуд бўлган ҳуқуқ манбалари ва қонунлар бўйича материаллар тақдим этилган. Солиққа тортиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарликнинг шаклланиши ва ривожланиши муаллиф томонидан илгари маълум бўлган ҳуқуқ манбаларидан бошлаб ва уни тартибга солишнинг ҳозирги ҳолатига кўриб чиқилади.

АННОТАЦИЯ. Данная статья посвящена истории развития законодательства, предусматривающего административную ответственность за правонарушения в области налогообложения на территории Казахстана. Исследование проведено с целью изучения начала возникновения и развития законодательства, предусматривающего административную ответственность за правонарушения в области налогообложения на территории Казахстана с определением влияния прошлого на вектор ее развития в едином кодифицированном законе. Новизна исследования состоит в том, что данное социально-правовое явление в сегодняшнем его виде анализировалось с прошедшими периодами ее развития. Актуальностью данного исследования является то, что в нем представлены материалы о ранее действующих источниках права и законах, которые необходимы для разработки дальнейших перспектив развития исследуемого законодательства в целях исключения отрицательных влияний. Становление и развитие административной ответственности за правонарушения в области налогообложения рассмотрено автором начиная с более ранних известных источников права и до современного состояния ее регламентации.

ABSTRACT. This article is devoted to the history of the development of legislation providing for administrative responsibility for offenses in the field of taxation on the territory of Kazakhstan. The study was conducted in order to study the beginning of the emergence and development of legislation providing for administrative responsibility for offenses in the field of taxation on the territory of Kazakhstan with the determination of the influence of the past on the vector of its development in a single codified law. The novelty of the study lies in the fact that this socio-legal phenomenon in its current form has been analyzed with the past periods of its development. The relevance of this study is that it presents materials on previously existing sources of law and laws that are necessary to develop further prospects for the development of the legislation under study in order to exclude negative influences. The formation and development of administrative responsibility for offenses in the field of taxation is considered by the author starting from earlier known sources of law and up to the current state of its regulation.

Калит сўзлар: маъмурий жавобгарлик, маъмурий ҳуқуқбузарлик, солиқ соҳасидаги маъмурий жавобгарлик, қонунчиликнинг ривожланиш тарихи.

Ключевые слова: административная ответственность, административное правонарушение, административная ответственность в области налогообложения, история развития законодательства.

Keywords: administrative liability, administrative infractions, administrative liability in the field of tax assessment, the history of the development of legislation.

В целях взыскания налогов во все времена необходимо было непрерывно расширять и усиливать меры ответственности в области налогообложения. Следует согласиться с мнением Филипповой К.И. о том, что государственный налог в таком виде, который он существует сейчас прошел трансформацию с феодального оброка, который преобразовался после интеграции с военной контрибуцией.¹ Такой про-

цесс развития налогообложения подтверждается существованием Свода правил Чингизхана «Великая Яса Чингизхана», который являлся более ранним известным законодательным актом на территории Казахстана. Безусловно, следует согласиться с точкой зрения Зиманова С. о том, что «уникальность казахского права состоит в том, что оно было образовано в рамках кочевой цивилизации»,² которое также ос-

1 Филиппова К.И. Уголовная ответственность за налоговые преступления: межотраслевые связи»: дис. ... к.ю.н. М., 2017. 183 с.

2 Зиманов С. Казахстанский суд биев – общекультурологическая ценность. Алматы: Арыс, 2009. 408 с



новывалось на обычаях – «адат» или «заң», практике суда биев – «бийдік билігі» и положениях съездов биев – «ереже».³ Известны следующие кодифицированные источники казахского права, возникшие на основе обычаев, как «Қасым ханның қасқа жолы», «Есім ханның ескі жолы» и конечно же «Жеті Жарғы»⁴, содержащий все отраслевые нормы права, в том числе административного права, а также положения о налогах.⁵ Влияние оседлых земледельческих мусульманских стран привело к постепенному распространению на территории Казахстана (в основном в южных областях) мусульманского права – шариата⁶. Действие шариата осуществлялось совместно с нормами обычного права казахов (адата), а в последующем – с российскими указами (в виду присоединения Казахского ханства к Российской империи в 1731 г.) В соответствии с проводимой административно – судебной реформой и принятием Уставов, действие уголовных законов империи на территории Казахстана было значительно расширено.⁷ Во второй половине XIX в. на территории Казахстана введены были Временные положения об управлении его областями от 1867 г., 1868 г., 1891 г. и 1892 г. Согласно Степного положения от 1891 г. в городах были введены полицейские управления и приставы, увеличены были размеры кибиточной подати и земские сборы. При взыскании подати с недоимщиков применялись народные обычаи.⁸ Следует отметить, что обычное право казахов, при имеющихся ограничениях со стороны царского правительства применялось и в послереволюционный период вплоть до 1928 г., так как уже позднее его применение предусматривало уголовную ответственность, что свидетельствует из исследовании нормативных правовых

актов того времени.

Расширение поля правовой регламентации в сфере государственного управления в конце XIX – начале XX в. согласно мнению Жумагулова М.И. подготовило постепенную трансформацию полицейского права России в право административное.⁹ Так, в связи с реформами 1860–1870 г. произошло выделение уголовных проступков из числа правонарушений.¹⁰

В 1917 г. административное право охватывало регулятивным воздействием широкий круг социальных отношений и регламентировалось в декретах и в постановлениях высших органов законодательной и исполнительной власти без систематизации.¹¹

К началу становления административной ответственности полагаем необходимым отнести издание Декретов ВЦИК и СНК РСФСР, в том числе «О порядке наложения административных взысканий» от 23 июня 1921 г.¹², по которому административные взыскания налагались за нарушения обязательных постановлений местной власти. Административный порядок регламентировал рассмотрение отдельных уголовных деяний и выступал альтернативой судебному порядку. Вместе с тем, сам термин административной ответственности стал использоваться в декрете ВЦИК и СНК об утверждении Положения о порядке издания обязательных постановлений и наложении за их нарушение взысканий в административном порядке от 27 июля 1922 г.¹³. Необходимо отметить, что административная ответственность за неплатеж отдельными гражданами или за отказ от платежа денежных и натуральных налогов, регламентировалась в уголовном законодательстве, а именно в ст. 79 введенного в действие в 1922 г. УК РСФСР.¹⁴

3 Культелеев Т.М. Уголовное обычное право казахов (с момента присоединения Казахстана к России до установления Советской власти / под ред. Зиманова С.З., Филимоновой А.А., Ким В.А. Алматы: Академия наук КазССР, 1955. С. 101.

4 Зиманов С. Казахстанский суд биев - общекультурологическая ценность. Алматы: Арыс, 2009. С. 48

5 Байшемиров А.М. Свод законов в казахской степи // Юный ученый. 2020. №2 (32). с.10-13.

6 Культелеев Т.М. Уголовное обычное право казахов (с момента присоединения Казахстана к России до установления Советской власти / под ред. Зиманова С.З., Филимоновой А.А., Ким В.А. Алматы: Академия наук КазССР, 1955. 302 с.

7 Культелеев Т.М. Уголовное обычное право казахов (с момента присоединения Казахстана к России до установления Советской власти / под ред. Зиманова С.З., Филимоновой А.А., Ким В.А. Алматы: Академия наук КазССР, 1955. С 97.

8 Артыкбаев Ж.О. Казахское общество: традиции и инновации. Астана: Парасат әлемі, 2003. С 114-116

9 Жумагулов М.И. Административно - правовое принуждение в Республике Казахстан и Российской Федерации (теоретико - правовые вопросы): автореф. дис. ... доктора. юрид. наук. Алматы, 2010. 43 с.

10 Зырянов С.М. Концептуальные проблемы третьей кодификации законодательства об административных правонарушениях // Сибирское юридическое обозрение. 2019. №4 (16). С.481.

11 Гогин А.А. Общая концепция правонарушений: проблемы методологии, теории и практики: автореф. дис. ... доктора. юрид. наук. Казань, 2011. С 20.

12 Декрет ВЦИК и СНК РСФСР «О порядке наложения административных взысканий» от 23 июня 1921 г. [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://docs.historyrussia.org/ru/nodes/11763-23-iyunya-dekret-vtsik-i-snk-o-poryadke-nalozheniya-administrativnyh-vzyskaniy#mode/inspect/page/3/zoom/4>

13 Декрет ВЦИК и СНК РСФСР от 27 июля 1922 г. «об утверждении Положения о порядке издания обязательных постановлений и о наложении за их нарушение взысканий в административном порядке». [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://www.consultant.ru/cons/cgi/online.cgi?req=doc&base=ESU&n=18262>

14 Уголовный кодекс РСФСР от 1922 г., введен в действие постановлением ВЦИК с 01.06.1922 г. [Электронный ресурс]. Режим доступа:

Изучение нормативных актов данного периода времени показало наличие бессистемного включения административной ответственности в области налогообложения в нормы уголовного и налогового права, без установления отраслевой принадлежности.

Следует отметить, что немаловажным явилось издание Указа Президиума ВС СССР от 21 июня 1961 г. «О дальнейшем ограничении применения штрафов, налагаемых в административном порядке»,¹⁵ в котором было отменено наложение штрафов в административном порядке на учреждения, предприятия и организации, а также было запрещено за их счет оплачивать штраф, наложенный на должностное лицо. Согласно указанному документу, впервые был определен перечень подведомственности рассмотрения дел по компетентным органам, решение которых подлежало обжалованию. Штраф в качестве меры административного взыскания применялся за определенные нарушения в соответствии с перечнем подведомственности¹⁶.

Также, к развитию административной ответственности несомненно относится издание Указа Президиума ВС РСФСР от 30 марта 1962 г. «Об утверждении Положения об административных комиссиях при исполнительных комитетах районных, городских советов депутатов трудящихся РСФСР и о порядке производства по делам об административных правонарушениях»,¹⁷ именно в этом документе определяется деяние как административное правонарушение и предусматривался актами, устанавливающими ответственность.

Следует отметить, что важным событием для раз-

вития административного законодательства послужило принятие Основ законодательства Союза ССР и Союзных Республик об административных правонарушениях, принятых ВС СССР от 23 октября 1980 г.¹⁸ Основы законодательства об административных правонарушениях стали образцом для принятия 20 июня 1984 г. КоАП РСФСР¹⁹ и КоАП КазССР от 22 марта 1984 г. [19]. По нашему мнению, административно-правовые меры, указанные в КоАП КазССР в полной мере, соответствовали тому времени.

Вместе с тем, при исследовании прогрессивного развития административной ответственности в области налогообложения в советский период считаем необходимым выделить три основных периода, связанных с введением на территории Казахстана соответствующих законодательных актов: первый (с 1921 г. по 1938 г. – в период издания документов ВЦИК СНК РСФСР), второй (с 1938 г. по 1980 г. – издание документов ВС СССР) и третий (с 1980 г. по 1991 г. – принятие Основ законодательства Союза ССР и союзных Республик²⁰, КоАП РСФСР²¹ и КоАП КазССР²²).

Следует отметить, что процесс совершенствования административной ответственности на территории Казахстана начался с 1921 г., что свидетельствует о наличии издаваемых с указанного периода времени нормативных правовых актов, имеющих более схожие признаки с действующим законодательством об административных правонарушениях. В связи с обретением Казахстаном независимости (принятием Декларации «О государственном суверенитете КазССР» от 25 октября 1990 г.,²³ а также изданием ввиду распада СССР Конституционного зако-

https://pravo.by/upload/pdf/krim-pravo/UK_RSFSR_1922_goda.pdf

15 Указ Президиума ВС СССР от 21 июня 1961 г. «О дальнейшем ограничении применения штрафов, налагаемых в административном порядке», утвержденный Законом СССР от 8 декабря 1961 г. [Электронный ресурс]. Режим доступа: http://www.libussr.ru/doc_ussr/usr_5704.htm

16 Указ Президиума ВС СССР от 21 июня 1961 г. «О дальнейшем ограничении применения штрафов, налагаемых в административном порядке», утвержденный Законом СССР от 8 декабря 1961 г. [Электронный ресурс]. Режим доступа: http://www.libussr.ru/doc_ussr/usr_5704.htm

17 Указ Президиума ВС РСФСР от 30 марта 1962 г. «Об утверждении Положения об административных комиссиях при исполнительных комитетах районных, городских советов депутатов трудящихся РСФСР и о порядке производства по делам об административных правонарушениях».

18 Основы законодательства Союза ССР и Союзных республик об административных правонарушениях принятых Верховным Советом СССР от 23 октября 1980 г. [Электронный ресурс]. Режим доступа: http://www.libussr.ru/doc_ussr/usr_10501.htm

19 Кодекс РСФСР об административных правонарушениях от 20 июня 1984 г. [Электронный ресурс]. Режим доступа: http://www.libussr.ru/doc_ussr/usr_12168.htm

20 Основы законодательства Союза ССР и Союзных республик об административных правонарушениях принятых Верховным Советом СССР от 23 октября 1980 г. [Электронный ресурс]. Режим доступа: http://www.libussr.ru/doc_ussr/usr_10501.htm

21 Кодекс РСФСР об административных правонарушениях от 20 июня 1984 г. [Электронный ресурс]. Режим доступа: http://www.libussr.ru/doc_ussr/usr_12168.htm

22 Кодекс Казахской ССР об административных правонарушениях от 22 марта 1984 г. [Электронный ресурс]. Режим доступа: http://adilet.zan.kz/rus/docs/K840001000_

23 Декларация о государственном суверенитете Казахской Советской Социалистической Республики от 25 октября 1990 г. №307-XII. [Электронный ресурс]. Режим доступа: http://adilet.zan.kz/rus/docs/B900001700_



на РК «О государственной независимости Республики Казахстан» от 16 декабря 1991 г.)²⁴ дальнейшие реформы в налоговой системе проходили в рамках развития его национального законодательства. На наш взгляд, следует согласиться с точкой зрения Костина Д.А. о том, что необходимость в изменении советской налоговой системы привели также перемены в экономическом укладе страны, связанные с быстрыми темпами развития предпринимательства, а также с приватизацией объектов государственной собственности.²⁵

Безусловно, обретение Казахстаном независимости повлияло на дальнейший вектор развития законодательства об административных правонарушениях в области налогообложения, так как требовалось принятие национальных кодифицированных законов, с четким разграничением ответственности в области налогообложения в отраслях права.

Вместе с тем немаловажную роль в развитии национального законодательства, регламентирующего административную ответственность, повлияли такие факторы, как: внесение изменений и дополнений в КоАП КазССР от 22 марта 1984 г., который действовал до 2001 г., принятие КРКоАП от 30 января 2001 г. №155²⁶ (утратившего силу) и введение нового КРКоАП от 5 июля 2014 г. №235²⁷, который действует на сегодняшний день.

Выводы. Изучая становление законодательства об ответственности в области налогообложения отмечаем, что на каждом периоде своего развития оно менялось начиная с правового регулирования и заканчивая применяемыми мерами в целях визи-

рования налогов. Ответственность в области налогообложения существовала одновременно с налогово-обложением, однако на отдельных ее ранних периодах развития не имела своего законодательного закрепления, при этом она применялась как мера ответственности за неуплату либо несвоевременную уплату налога по усмотрению лица отвечающего за сбор налогов. На протяжении тысячелетий ответственность за нарушения в области налогообложения применялась без разграничения ее по отраслям права. Анализируя историю становления административной ответственности, можно сделать вывод о том, что указанная ответственность отделилась от уголовной ответственности в виде проступка за мелкие преступления к середине 19 в. В дальнейшем термин проступок стал применяться к административному правонарушению в виду применения к нему административного порядка рассмотрения дел. Административная ответственность в виде применения административного взыскания, которая существует на сегодняшний день возникла в начале 20 в., в период советской власти, которая предопределила вектор ее развития в сторону систематизации в единый кодифицированный закон. С момента обретения независимости Казахстаном и до 2001 г. ответственность за совершение налоговых правонарушений предусматривалась не только КоАП КазССР от 1984 г., но и налоговым законодательством. На сегодняшний день в Казахстане правонарушения в области налогообложения регулируются лишь действующим КРКоАП от 2014 г.

#

24 Конституционный закон Республики Казахстан «О государственной независимости Республики Казахстан» от 16 декабря 1991 г. [Электронный ресурс]. Режим доступа: http://adilet.zan.kz/rus/docs/Z910004400_/links

25 Костин Д.А. Обеспечение законности в налоговых правоотношениях: автореф. дис. ... канд. юрид. наук. М., 2003. 24 с.

26 Кодекс Республики Казахстан об административных правонарушениях от 30 января 2001 г. №155. [Электронный ресурс]. Режим доступа: https://adilet.zan.kz/rus/docs/K010000155_

27 Кодекс Республики Казахстан об административных правонарушениях от 5 июля 2014 г. №235-V, введен в действие с 1 января 2015 г. [Электронный ресурс]. Режим доступа: https://online.zakon.kz/document/?doc_id=31577399#pos=12850;189

Кахрамон МИРСАГАТОВ,
Бош прокуратураси Академияси мустақил изланувчиси

ИШГА ТИКЛАШ ТЎҒРИСИДАГИ МЕҲНАТ НИЗОЛАРИНИНГ СУДЛОВГА ТЕГИШЛИЛИГИ БИЛАН БОҒЛИҚ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАР

АННОТАЦИЯ. Мақолада ишга тиклаш тўғрисидаги меҳнат низоларининг судловга тегишлилиги тушунчаси, унинг хусусиятлари, судловга тегишлиликнинг турлари, бу борада ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва юридик адабиётлардаги долзарб масалалар, замонавий тенденциялари, миллий қонунчилигимиздаги муаммолар ва уларни ҳал этиш масалалари ўрин олган.

АННОТАЦИЯ. В статье рассмотрены понятие подсудности трудовых споров о восстановлении на работе, его характеристика, виды подсудности, правоприменительная практика и актуальные вопросы в юридической литературе, современные тенденции, проблемы в нашем национальном законодательстве и способы их решения.

ABSTRACT. The article discusses the concept of jurisdiction over labor disputes on reinstatement at work, its characteristics, types of jurisdiction, law enforcement practice and topical issues in legal literature, current trends, problems in our national legislation and ways to solve them.

Калит сўзлар: меҳнат низоси, ишга тиклаш, судловга тегишлилик, судловга тегишлилик турлари, миллий қонунчилик, хорижий тажриба, муаммолар ва уларнинг ечимлари.

Ключевые слова: трудовой спор, восстановление на работе, подсудность трудовых споров, виды подсудности, национальное законодательство, зарубежный опыт, проблемы и способы их решения.

Keywords: labor dispute, reinstatement at work, jurisdiction of labor disputes, types of jurisdiction, national legislation, foreign experience, problems and solutions.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддаси билан ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқининг кафолатланиши¹, ҳуқуқи ва қонуний манфаатлари бузилган шахсларнинг судга мурожаат қилишини назарда тутувчи қонунчилик нормаларининг ривожланишига, миллий қонунчиликда ушбу кафолатларни янада кенгайтирилишига асос бўлмоқда. Бу эса ишларнинг судловга тегишлилигига оид мамлакатимиз фуқаролик процессуал қонунчилиги нормаларини такомиллаштиришни, ҳуқуқни қўллаш амалиётида бу билан боғлиқ муаммоларни илмий-амалий жиҳатдан таҳлил қилишни, бу борада хорижий давлатлар қонунчилигини ўрганиш, умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормалари ва принципларини миллий қонунчилигимизга жорий этишни тақозо қилмоқда.

Ишга тиклаш тўғрисидаги низоларнинг судловга тегишлилигини тўғри белгилаш, ушбу нормаларни такомиллаштириш низоли ишни кўраётган судларни ҳам, ишнинг ҳал этилишидан манфаатдор бўлган шахсларнинг ҳам кўп вақтларини беҳуда ўтишини

олдини олишга, одил судлов имкониятларидан фойдаланишда айрим чекловларнинг бартараф этилишига олиб келиши мумкин. Қолаверса, меҳнат низоларини ҳал этувчи биринчи инстанция судлари ўртасида, айрим ҳолларда юқори инстанция судлари ваколатларининг аниқ белгиланиши Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларида мустақамлаб қўйилган инсон ҳуқуқ ва эркинликларини амалда таъминланишига хизмат қилади.

Профессор М.М.Мамасиддиқов ҳам фуқаролик процессуал қонун ҳужжатларининг ҳаётга татбиқ этилишини таъминлашда судловга тегишлилик қоидаларининг Фуқаролик процессуал кодексида тўлақонли ўз ифодасини топиши ва бир тизимга келтирилиши муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлаган.²

Ишга тиклаш тўғрисидаги низоли ишларнинг судловга тегишлилиги ҳақида гапиришдан аввал, “судловга тегишлилик” атамасининг мазмунига тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Юридик луғатларда судловга тегишлилик деганда судларга тааллуқли бўлган барча ишларнинг суд тизими бўғинлари ўртасида тақсимланиши назарда тутилган.³ М.К.Треушниковнинг фикрича, судлов-

1 Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Тошкент.: Ўзбекистон. 2020. -10 б.

2 Мамасиддиқов М.М. Фуқаролик процессуал қонун ҳужжатларининг ҳолати ва самарадорлигини ошириш истиқболлари // Монография. Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. О.Оқюлов. –Тошкент, ЮМОМ нашр. 2012. -91 б.

3 Ўзбекистон юридик энциклопедияси / Нашр учун масъул Р.А.Муҳитдинов ва бошқ.; масъул муҳаррир Н.Тойчиев. –Т.: Адолат, 2010. –



лилик судларга тааллуқли бўлган юридик ишларнинг суд тизимининг аниқ бир судида биринчи инстанция тартибида кўриб чиқилишини белгилайди.⁴ Н.М.Кострованинг фикрича эса, судловга тегишлилик судларда кўришга тааллуқли бўлган ишларнинг судлар ўртасидаги тақсимланишини тартибга солидиган процессуал институт ҳисобланади.⁵ Е.В.Норкина “судловлилик” тушунчасини “тааллуқлилик” умумҳуқуқий категориясининг тор ихтисосликдаги кўринишидир, деган фикрни илгари суради.⁶

Сўнги йилларда хорижий давлатлар ҳуқуқшунос олимлари томонидан яратилган асарларда судловга тегишлилик тушунчасига нисбатан универсал таъриф берилган бошланди. Унга кўра, судловга тегишлилик бу судга тегишли фуқаролик ишларининг суд тизимидаги муайян судлар ўртасида тақсимланишида ифодаланади.⁷ Лекин проф. М.М.Мамасиддиқовнинг фикрича, судловга тегишлилик тушунчасига нисбатан берилган ушбу таърифлар ўта қисқа ва бир томонлама бўлиб, у судловга тегишлилик тушунчасининг моҳиятини тўла очиб бермайди. Уларда фуқаролик ишларининг хусусиятлари: ишнинг мураккаблик даражаси, унинг ижтимоий аҳамияти, субъектларнинг мақоми кабилар ўз аксини топмаган, шунингдек ҳудудга оид қоидалар ҳам эътиборга олинмаган.⁸ Фикримизча, фуқаролик ишларининг судловлиги деганда, фуқаролик ишлари бўйича судга тааллуқли бўлган ишларнинг мураккаблик даражаси, унинг ижтимоий аҳамияти, субъектларнинг мақоми хусусиятлари ҳамда тарафларнинг (аризачининг) жойлашган ҳудудига қараб, биринчи инстанция судларида, айрим ҳолларда юқори инстанция судларида кўрилишини белгиловчи фуқаролик процессал ҳуқуқи нормалари мажмуига айтилади.

Ишга тиклаш тўғрисидаги низоларнинг судловга тегишлилиги масаласида амалдаги қонунчилик бир қатор процессуал хусусиятларни белгилайди.

Бизга маълумки, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси (кейинги ўринларда ФПК деб юритилади)нинг 33-моддасида судловга тегишлиликнинг умумий қоидалари белгиланган бўлиб,

унга кўра, аризалар жавобгар доимий яшаб турган ёки доимий машғул бўлган жойдаги судга бериллади. Ташкилотларга нисбатан аризалар улар давлат рўйхатидан ўтган жойдаги судга бериллади.

Ишга тиклаш тўғрисидаги низолар бўйича бир тараф, яъни жавобгар юридик шахс бўлганлиги боис, даъво аризалари юридик шахс давлат рўйхатидан ўтган жойдаги судга бериллади.

Бир қарашда ишга тиклаш тўғрисидаги низоларнинг судловга тегишлилиги масаласида муаммо мавжуд эмасдек кўринади. Бироқ иш берувчи Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 15-моддасида назарда тутилганидек, қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда ўн саккиз ёшга тўлган айрим шахслар ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда ходимлар ёллайдиган якка тартибдаги тадбиркорлар бўлса-чи? Мазкур ҳолатда ходим ишга тиклаш тўғрисидаги даъво аризаси билан фуқаролик судига мурожаат қилганда судловга тегишлиликнинг қайси қоидаси қўлланилади, деган ҳақли савол туғилади.

ФПКнинг 33-моддаси мазмунидан келиб чиқиб жавоб берадиган бўлсак, ушбу ҳолатда даъвогарнинг даъво аризаси жавобгар доимий яшаб турган ёки доимий машғул бўлган жойдаги судга берилиши керак. Бироқ судьялар ўртасида ўтказилган ижтимоий сўров натижаси ҳамда суд амалиёти таҳлили шуни кўрсатадики, юқоридаги ҳолатда даъво аризалари жавобгар доимий яшаб турган ёки доимий машғул бўлган жойдаги судга эмас, балки давлат рўйхатидан ўтган жойдаги судга тақдим этилади.⁹

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси 33-моддасида судловга тегишлиликнинг умумий қоидалари белгиланган бўлиб, унга кўра, фуқароларга нисбатан даъволар улар якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтган жойдаги судга тақдим этилиши белгиланган.¹⁰

Бу борада хорижий давлатлар фуқаролик процессуал қонунчилиги ўрганилди. Хусусан, Қозоғистон Республикаси ФПКнинг 29-моддаси учинчи қисми-

Б. 429.

4 Гражданский процесс: учебник /под ред. М.К. Треушников. – М.: ООО «Городец-издат», 2001. – С.83.

5 Кострова Н.М. Проблемы гражданского судопроизводства // Учебное пособие. -Махачкала, 2002. – 67 с.

6 Норкина Е.В. Подведомственность как общеправовая категория: Автореф. дис. ...канд. юрид. наук: – Саратов, 2010. – С. 9.

7 Гражданский процесс. Курс лекция. -Санкт-Петербург. Питер. 2001. -137 с.; Гражданский процесс. Учебник. -М.: Проспект. 2001. -115 с.; Научно-практический комментарий к Гражданскому процессуальному кодексу РСФСР. -М.: Городец. 1999. -160 с.

8 Мамасиддиқов М.М., Ёдгоров Х.Б., Давлетов Ў.М. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Умумий қисм / Дарслик. Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. М.Х.Рустамбаев. -Тошкент. ХТИ нашр. 2018. -293 б.; Мамасиддиқов М.М. Меҳнатга оид етказилган моддий ва маънавий зарарни судда ундиришнинг назарий ва амалий муаммолари // Монография. –Тошкент, АҚҲМИ, 2008. -63 б.

9 Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби тингловчилари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ходимлари ўртасида ўтказилган ижтимоий сўров натижаларидан //

10 Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси // <https://lex.uz/docs/> 3523891

га кўра, юридик шахсга нисбатан даъволар уларнинг таъсис ҳужжатларига ва (ёки) Бизнес идентификация рақамлари миллий реестрига киритилган манзилга мувофиқ юридик шахс жойлашган ердаги судга тақдим этилади. Юридик шахс ташкил етмаган ташкилотга нисбатан даъво унинг жойлашган жойида тақдим этилади.

Юридик шахс ташкил этмасдан яқка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахснинг яшаш жойи Қозоғистон Республикаси Фуқаролик кодексида белгиланган қоидаларга мувофиқ белгиланади.

Қозоғистон Республикаси ФПКда вояга етмаганларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги фуқаролик низолари Вояга етмаганлар ишлари бўйича ихтисослаштирилган туманлараро судлари томонидан кўриб чиқилиши ва ҳал қилиниши белгилаб қўйилган (27-модда).¹¹

Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги конвенция (Рим, 1950 йил 4 ноябрь)нинг 6-моддаси 1-бандига биноан, ҳар бир шахс ишни қонун асосида ташкил этилган мустақил ва холис суд томонидан адолатли ва очиқ кўриш ҳуқуқига эга.¹²

Мамлакатимиз фуқаролик процессуал қонунчилигида назарда тутилган судловга тегишлилик қоидалари юқоридаги Конвенцияда белгиланган фуқароларнинг ишни қонун асосида ташкил этилган мустақил ва холис суд томонидан адолатли ва очиқ кўриш ҳуқуқини кафолатлайди. Бинобарин, судловга тегишлилик қоидаларига риоя қилмаслик ўзига хос ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради. Масалан, даъво аризаси судловга тегишлилик қоидаларига риоя қилинмасдан берилса, суд ФПКнинг 195-моддаси 4-бандига мувофиқ аризани қайтаради. Шунингдек, иш судда кўрилаётганда, у судловга тегишлилик қоидалари бузилган ҳолда иш юритишга қабул қилинганлиги маълум бўлиб қолса, ишни кўриш учун бошқа судга ўтказилади (ФПКнинг 31-моддаси). Бироқ мамлакатимиз ФПКда судловга тегишлилик қоидалари бузилган ҳолда чиқарилган ҳал қилув қарори бекор бўлиши ёки бўлмаслиги тўғрисида аниқ нормалар назарда тутилмаган.

Муқаддам амалда бўлган ФПКнинг 379-модда-

сида апелляция, кассация, назорат инстанцияси судлари ишни кўрган суд томонидан йўл қўйилган қонунни бузиш ҳоллари ҳал қилув қарорини бекор қилишга, ўзгартиришга ёхуд янги ҳал қилув қарори чиқаришга асос бўлмади деб топса, бу ҳақда ажримда, қарорда ёки хусусий ажримда кўрсатиши белгиланган эди. Бундан эса судловга тегишлилик қоидалари бузилган ҳолда чиқарилган ҳал қилув қарори бекор қилинмаслигини ва бу ҳақда суд хусусий ажрим чиқариш билан чекланишини тушуниш қийин эмас эди.

Бироқ ФПКнинг юқоридаги нормалари Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 12 январдаги ЎРҚ-661-сонли Қонунига асосан ўз кучини йўқотди.¹³ Бу эса судловга тегишлилик қоидалари бузилган ҳолда чиқарилган ҳал қилув қарори бекор бўлиши ёки бўлмаслиги тўғрисидаги масалага ечим излашни тақозо этмоқда.

Юридик адабиётларда юқоридаги масала юзасидан турли баҳс-мулоҳазалар мавжуд. Масалан, Е.Косаревнинг фикрича, Россия Федерацияси Конституциясининг 47-моддасида белгиланганидек, ҳеч ким ўз ишини қонун билан судловга тегишли бўлган судда ва судья томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин эмас¹⁴ ва ушбу позиция процессуал ҳуқуқ нормаларида ўзининг мустаҳкам ўрнини топган. Унинг фикрича, Россия Федерацияси Арбитраж процессуал кодексининг 34-38-моддалари низоларнинг судловга тегишлилигига оид умумий қоидаларни белгилаб беради ва ушбу қоидаларга риоя қилмаслик арбитраж судининг ўз юритувидаги ишни ушбу низони кўриб чиқишга ваколатли бўлган бошқа арбитраж судига ўтказишга мажбур қилади.¹⁵

Бироқ таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида Россия Федерацияси Конституциясининг 47-моддасида белгиланган ҳеч ким ўз ишини қонун билан судловга тегишли бўлган судда ва судья томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин эмаслигини назарда тутувчи норманинг мавжуд эмаслиги, судловга тегишлилик қоидалари бузилган ҳолда чиқарилган ҳал қилув қарорининг бекор бўлиши ёки бўлмаслиги тўғрисидаги масалани узил-кесил ҳал қи-

11 Гражданский процессуальный кодекс Республики Казахстан (с изменениями и дополнениями по состоянию на 01.07.2021 г.) // https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=34329053&pos=866;-37#pos=866;-37

12 Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги конвенция // [https://nrm.uz/contentf?doc=371778_inson_huquqlari_va_asosiy_erkinliklarini_himoya_qilish_to%E2%80%98g%E2%80%98ridagi_konvenciya_\(rim_1950_yil_4_noyabr\)&products=1_vse_zakonodatelstvo_uzbekistana](https://nrm.uz/contentf?doc=371778_inson_huquqlari_va_asosiy_erkinliklarini_himoya_qilish_to%E2%80%98g%E2%80%98ridagi_konvenciya_(rim_1950_yil_4_noyabr)&products=1_vse_zakonodatelstvo_uzbekistana)

13 Ўзбекистон Республикасининг "Суд қарорларини қайта кўриш институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.01.2021 й., 03/21/661/0011-сон.

14 Конституция Российской Федерации // <http://base.garant.ru/10103000/>

15 Косарев Е. Нарушение правил подсудности как основание для отмены судебного акта // https://zakon.ru/blog/2017/3/23/narushenie_pravil_podsudnosti_kak_osnovanie_dlya_otmeny_sudebnogo_akta



лиш имконини бермайди.

Е.Косаревнинг фикрича, судловга тегишлилик қоидаларининг бузилиши ФПКда назарда тутилган процессуал ҳуқуқ нормаларини бузиш ёки нотўғри қўллашнинг иш суд томонидан ғайриқонуний таркибда кўрилган деган асосига мувофиқ келишини, шу асосда суднинг ҳал қилув қарори бекор қилиниши энг тўғри ечим ҳисобланишини ва бу тўғрисида Олий суд Пленуми қарорларида тушунтириш берилишини таклиф қилади.

Бироқ айрим манбаларда биринчи инстанция суди томонидан судловга тегишлилик қоидаларининг бузилиши суд томонидан иш ғайриқонуний таркибда кўрилган деган асос билан ҳал қилув қарорининг бекор қилинишига сабаб бўла олмаслиги таъкидланади. Хусусан, Россия Федерацияси Олий суди Пленумининг 2012 йил 19 июндаги 13-сонли “Судлар томонидан апелляция судида иш юритишни тартибга солувчи фуқаролик процессуал қонунчилиги нормаларини қўллаш тўғрисида”ги қарорининг 37-бандида шу каби тушунтириш берилган. Унга кўра, биринчи инстанция суди томонидан судловга тегишлилик қоидаларининг бузилиши суд қарорини суд томонидан ғайриқонуний таркибда кўрилган деган асос (РФ ФПКнинг 330-моддаси 4-қисми 1-банди) билан бекор қилишга сабаб бўла олмайди. Ушбу ҳолатда процессуал ҳуқуқ нормаларини бузиш ёки нотўғри қўллаш қарорининг ноқонуний қабул қилинишига олиб келса ёки олиб келиши мумкин бўлсагина РФ ФПКнинг 330-моддаси 3-қисмида назарда тутилган асос билан ҳал қилув қарори бекор қилинади. РФ ФПКнинг 330-моддаси 3-қисмида процессуал ҳуқуқ нормаларини бузиш ёки нотўғри қўллаш, агар ушбу бузилиш нотўғри ҳал қилув қарорининг қабул қилинишига олиб келган бўлса ёки олиб келиши мумкин бўлса, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлади, дейилган.

Мазкур ҳолатда юқори суд судловга тегишлилик қоидалари асосида ушбу ишни уни кўриш ваколатига эга бўлган биринчи инстанция судига топширади.

Бир вақтда Россия Федерацияси Олий суди Пленуми қарорида биринчи инстанция суди томонидан судловга тегишлилик қоидаларининг бузилиши натижасида ушбу суд чиқарган ҳал қилув қарорини бекор қилиш учун қуйидаги шартлар назарда тутилади:

- апелляция шикоятда, тақдимномада судловга тегишлилик қоидалари бузилганлиги кўрсатилиши керак;
- шикоят берган шахс ёки тақдимнома берган

прокурор ишни биринчи инстанция судида кўрилатганда ушбу иш мазкур суд томонидан юритилмаслиги тўғрисида ушбу судга илтимоснома билан мурожаат қилган бўлиши керак;

- биринчи инстанция суди мажлисининг вақти ва жойи ҳақида хабардор қилмаганлиги сабабли тарафлар (прокурор) юқоридаги илтимоснома (тақдимнома) билан судга мурожаат қилиш имконига эга бўлмаганлигини кўрсатиши керак.

Ундан ташқари, давлат сири билан боғлиқ ишларни судда кўришда турдош судловга тегишлилик қоидалари ёки кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар тўғрисидаги даъволар бўйича судловга тегишлиликнинг алоҳида ҳолларига доир қоидалар бузилганлиги сабабли давлат сирини ташкил этувчи маълумотларни ёки мол-мулк жойлашган ердаги кўчмас мулк тўғрисидаги далилларни ишга алоқадорлик ва мақбуллик асосида тўплаш, текшириш ва баҳолаш имкони бўлмаса ва бунинг натижасида суд ҳал қилув қарори мазмунан нотўғри чиқарилса, ҳал қилув қарори бекор қилиниши ва иш уни кўриш ваколатига эга бўлган биринчи инстанция судига топширилиши лозим.¹⁶

Кўриб турганимиздек, хорижий давлатлар қонунчилиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида ҳам судловга тегишлилик қоидаларининг бузилиши ҳар қандай ҳолатда ҳам суд ҳал қилув қарорининг бекор қилинишига асос бўлмас экан.

Шундай қилиб, судловга тегишлилик қоидалари бузилган ҳолда чиқарилган ҳал қилув қарори бекор бўлади ёки бекор бўлмайди, деган саволнинг жавобини мамлакатимиз ФПКдан топа олмаймиз. Юқорида Е.Косарев айтгандек, судловга тегишлилик қоидаларининг бузилишини ҳар қандай ҳолатда ҳам иш суд томонидан ғайриқонуний таркибда кўрилган деган асос билан бекор қилиниши тўғрисидаги фикрга ҳам тўлиқ қўшила олмаймиз.

Биргина ечим, мамлакатимиз ФПКда фуқаролик ишлари, хусусан, ишга тиклаш тўғрисидаги низоли ишлар учун ҳам турдош судловлилик қоидаларини белгилаш ҳамда ушбу қоидаларга риоя қилмаслик суд ҳал қилув қарорларини бекор қилишга асос бўлиши тўғрисидаги нормани киритиш таклиф қилинади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 35-моддасида судловга тегишлиликнинг алоҳида ҳолларига доир қоидалар назарда тутилган бўлиб, унга кўра, иморатга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги, мол-мулкни хатлашдан чиқариш ҳақидаги, ер майдонидан фойдаланиш тартибини белгилаш тўғрисидаги даъволар иморат, мол-мулк ёки ер майдо-

16 Постановление Пленума Верховного суда Российской Федерации от 19 июня 2012 г. N 13 “О применении судами норм гражданского процессуального законодательства, регламентирующих производство в суде апелляционной инстанции” // 29 июня 2012 г. Российская газета - Федеральный выпуск № 147(5820) // <https://rg.ru/2012/06/29/apellacia-dok.html>

ни жойлашган ердаги суднинг судловига тааллуқлидир.¹⁷

Шу ўринда, юридик адабиётларда судловга тегишлиликнинг ҳудудий ва турдош турлари мавжудлигини таъкидлаш ўринли бўлади.

Ҳудудий судловга тегишлилик қоидалари ФП-Книнг “Судловга тегишлиликнинг умумий қоидалари” деб номланган 33-моддасида кўрсатилган нормаларни эътироф этиш лозим. Чунки ушбу нормада фуқаролик ишларининг ҳудуд бўйича судловга тегишлилиги ҳақидаги умумий қоидалар мустаҳкамлаб қўйилган. Хусусан, ишга тиклаш тўғрисидаги даъво аризаси жавобгар доимий яшаб турган ёки доимий машғул бўлган жойдаги судга берилиши, ташкилотларга нисбатан аризалар эса улар давлат рўйхатидан ўтган жойдаги судга берилиши ҳақидаги қоидалар шундан далолат беради.

Турдош судловлилик деганда, судловга тегишли бўлган фуқаролик ишларининг ижтимоий аҳамияти, мураккаблик даражаси ва субъектлар таркибига қараб фуқаролик ишлари бўйича судлар ўртасида тақсимланиши тушунилади.¹⁸

Миллий фуқаролик процессуал қонунчилигимизда ишга тиклаш тўғрисидаги низоли ишлар учун ҳудудий судловга тегишлилик қоидалари белгиланган бўлса-да, бироқ қонунчилик ушбу тоифадаги ишлар учун турдош судловга тегишлилик қоидаларини белгиламайди. Ваҳоланки, ишга тиклаш тўғрисидаги низоли ишлар бўйича турдош судловга тегишлилик қоидаларининг белгиланиши меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатни тартибга солувчи моддий ҳуқуқ нормасида белгиланган хусусиятларни эътиборга олинишига, унда иштирок этувчи шахсларнинг таркибидан келиб чиқиб, судлар томонидан низоли ишларни тўғри ва ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлашга хизмат қилади.

Айниқса, ишга тиклаш тўғрисидаги низоли ишларда жавобгар тариқасида давлат бошқарув органлари, хусусан, вазириликлар, давлат қўмиталари, компаниялар ва йирик бирлашмалар иштирок этадиган бўлса, у ҳолда мазкур низоли ишлар тегишлилигига қараб Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий суди, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг судловига тааллуқли бўлиши лозим ва бу ҳақидаги қоидалар амалдаги ФПКга киритилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Ишга тиклаш тўғрисидаги низоларда жавобгар сифатида чет эл ташкилотлари ҳам иштирок этиши

мумкин. Ушбу ҳолатларда мазкур иш туманлараро судларнинг судловига эмас, балки вилоят ва унга тенглаштирилган судларнинг судловига тегишли бўлиши ҳақидаги қоидани киритиш лозим. Ушбу ҳолатда турдош судловлилик қоидаларини белгилашда ишда иштирок этувчи шахсларнинг таркиби масаласи муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

Сўнги йилларда хорижий давлатлар ҳуқуқшунос олимлари томонидан олиб борилаётган илмий тадқиқот ишларида ҳам меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоли ишлар учун турдош судловлилик қоидаларининг белгиланиши ҳақида фикрлар илгари сурилмоқда. Хусусан, Ю.В.Моисееванинг фикрича, иш ташлашни ноқонуний деб топиш ҳақидаги ишлар учун турдош судловга тааллуқлилик қоидаларини белгилашда ходимлар меҳнат қилаётган корхона фаолиятининг даражасини эътиборга олиниши лозим. Агар корхонанинг фаолияти фақат маҳаллий (локал) тусга эга бўлса, у ҳолда бундай ишлар туман судларида, агар корхонанинг фаолияти федерация даражасида бўлса, у ҳолда мазкур низоли иш юқори турувчи суд инстанцияларида кўрилиши лозимлиги тўғрисида ўз фикрини билдиради.¹⁹

Ишга тиклаш тўғрисидаги низоли ишларни судда кўриш жараёнида жавобгар тараф алоҳида аҳамиятга эга бўлган, махсус қўриқланадиган ташкилот, корхона ёки муассаса бўлиши ҳам мумкин. Масалан, мудофаа ва хавфсизлик хизмати ташкилотлари шулар жумласидандир. Шунинг учун ҳам ишга тиклаш тўғрисидаги низоли ишлар бўйича жавобгар сифатида суд процессига жалб этилган ташкилотнинг иш фаолиятдан келиб чиқиб, давлат сирларини ошкор бўлишининг олдини олиш муҳим аҳамият касб этади. Бинобарин, давлат сирлари билан боғлиқ бўлган масалалар меҳнатга оид низоли ишларни судда кўришнинг предмети бўлиши ҳам мумкин.

Мазкур тоифадаги ишларни эса биринчи инстанция тариқасида туманлараро (шаҳар) судларида кўриб ҳал этилиши давлат сирларини ошкор қилмаслик нуқтаи назаридан мақсадга мувофиқ бўлмайди. Бироқ, ФПКда давлат сирлари билан боғлиқ ишларни судловга тааллуқлилигига оид қоидаларнинг мавжуд эмаслиги ушбу масалага оид ишларни туманлараро судлар томонидан кўриб ҳал этилишига олиб келмоқда. Бу борада ҳамдўстликдаги давлатлар фуқаролик процессуал қонунчилиги ўрганилиб, таҳлил қилинганда, давлат сирлари билан

17 Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси // <https://lex.uz/docs/3517337>

18 Мамасиддиқов М.М., Ёдгоров Х.Б., Давлетов Ў.М. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Умумий қисм / Дарслик. Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. М.Х.Рустамбаев. –Тошкент. “ХТИ” нашриёти. 2018. – 295 б.

19 Моисеева Ю.В. Гражданско-процессуальные особенности рассмотрения коллективных трудовых споров. Автореф. дисс. канд. юрид. наук. –С.-Петербург, 2000. -10 с.



боғлиқ ишлар турдош судловлилик қоидаларига мувофиқ, юқори инстанция судларида кўриб чиқи-лиши белгиланган. Хусусан, РФ ФПКнинг 26-моддасига кўра, давлат сирлари билан боғлиқ бўлган фуқаролик ишлари республикалар Олий суди, ўлка, област суди, федерал аҳамиятдаги шаҳар суди, автоном вилоят ва автоном округ суди биринчи инстанция тариқасида кўриши белгиланган.²⁰

Давлат сирларининг ошкор қилинишининг олдини олиш мақсадида ФПКнинг “Судга тааллуқли-

лик ва судловга тегишлилик” деб номланган 5-боби 29-моддаси биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилиши таклиф қилинади:

“Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар, Тошкент шаҳар судлари чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс ариза берувчи бўлган фарзандликка олиш тўғрисидаги ишларни, давлат сирлари билан боғлиқ ишларни, шунингдек қонун билан ўз ваколатига киритилган бошқа ишларни кўради.”

.....

20 Гражданский процессуальный кодекс Российской Федерации // http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_39570/96d9127d8d5b633f85501df8968a9e95d0aa2ed7/



Шодиёр ШАЙЗАКОВ,
Бош прокуратура Академияси ўқитувчиси, ю.ф.ф.д. (PhD)

МАЪМУРИЙ СУД ҲУЖЖАТЛАРИНИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИДА ҚАЙТА КЎРИШДА ПРОКУРОР ИШТИРОКИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

АННОТАЦИЯ. Мақолада маъмурий суд ҳужжатларини апелляция инстанциясида кўриб чиқиш, апелляция инстанциясига мурожаат қилишга ваколатли бўлган шахслар, жумладан прокурорнинг суд қарорларига нисбатан протест келтириши, протест келтириш ва уни судда кўриб чиқиш асослари, апелляция инстанциясида протестни қақриб олиш, бу борадаги айрим хорижий мамлакатлар тажрибаси ўрганилган.

АННОТАЦИЯ. В статье изучен опыт зарубежных стран в области лиц, уполномоченных на обращение в суд в рамках административного производства, в том числе внесение прокурором протеста на судебные решения, основания его внесения и рассмотрения в суде, особенности участия прокурора в апелляционной инстанции, а также отзыв протеста в апелляционной инстанции.

ABSTRACT. Persons authorized by the author to appeal to the court in administrative proceedings, including the prosecutor's appeal against court decisions, the grounds for protest and its consideration in court, the specifics of the prosecutor's participation in the appellate and cassation instances, problems of national law, appeals in the appellate and cassation instances the experience of some foreign countries in this area has been studied.

Калит сўзлар: Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс, Ўзбекистон Республикасининг "Прокуратура тўғрисида"ги қонуни, маъмурий суд ишларини юритиш, апелляция инстанцияси, прокурор, протест келтириш шартлари.

Ключевые слова: Административно-процессуальный кодекс Республики Узбекистан, Закон Республики Узбекистан «О прокуратуре», административное производство, апелляционная инстанция, прокурор, условия обжалования.

Keywords: The Code of Administrative Procedure of the Republic of Uzbekistan, the Law of the Republic of Uzbekistan «On the Prosecutor's Office», administrative proceedings, appellate and cassation instances, the prosecutor, the conditions of protest.

Оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи низолар билан боғлиқ ишларнинг дастлабки судда кўрилишида қонун талабларига риоя қилинмаганлиги, мураккаблиги ёки бошқа сабабларга кўра ишнинг муайян ҳолатлари очилмай қолишига йўл қўйилган бўлса, бундай ҳолатларда апелляция инстанцияда аниқланиши ва тузатилиши мумкин.

Апелляция инстанция босқичи ҳақида олимларнинг турли хил қарашлари мавжуд. Масалан, юридик адабиётларда кўрсатилишича, юқори инстанция суди биринчи инстанция судидан фарқли равишда фаолиятининг ўзига хос хусусиятларига, ваколатларига эга бўлиб, бошқа мақсадларни амалга ошириш учун ташкил этилган. Апелляция институти суднинг қарорлари ва ҳал қилув қарорлари қонунийлиги ҳамда асосланганлигини текшириш бўйича юқори инстанция судининг фаолиятини тартибга солувчи ҳуқуқ нормалари йиғиндиси эканлиги кўрсатилган¹.

Ш.Шораҳметовнинг фикрича, судда қабул қилинган қарорлар ишда иштирок этувчи шахсларнинг, хусусан, тарафлар ва учинчи шахсларнинг субъектив

ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига таъсир қилари. Шу сабабли ишнинг кўрилиши натижасидан норози бўлган шахслар юқори турувчи судга шикоят, прокурор эса протест билан мурожаат қилиб, ишнинг текширилишини илтимос қилишлари мумкин. Юқори судлар ўз навбатида биринчи инстанция тариқасида иш кўрган судларнинг қабул қилган қарорлари қанчалик тўғри ва асосли бўлганлигини текширишга мажбур эканлигини таъкидлайди². Олимлар тўғри таъкидлаган бўлсада, лекин Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 24.07.2020 йилги ПФ-6034-сонли фармони³га асосан 01.01.2021 йилдан апелляция институти такомиллаштилди. Шу сабабли, апелляция инстанцияси қонуний кучга кирмаган суд ҳужжатларини қайта кўриш босқичи ҳисобланади. Шунингдек, биринчи инстанция судлари томонидан қабул қилинган қарорлар фақатгина тарафлар ва учинчи шахсларнинг субъектив ҳуқуқлари ва қонуний манфаатла-

1 Гражданско-процессуальное право России. - М.: Былина, 1992. - 343 с.

2 Шорахметов Ш.Ш. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик – Тошкент, "Адолат". 2001. – 348-б.

3 Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 2020 йил 24 июлдаги № ПФ-6034-сонли фармони. [Электрон манба] – <http://lex.uz/docs/4910841>



рига таъсир қилиб қолмасдан, балки, ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисида суд ҳал қилув қарори қабул қилган шахсларга ҳам тегишли бўлиб, ушбу шахсларда ҳам қонунда белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқи мавжуд.

Апелляция инстанцияси судларига мурожаат шикоят ёки протест шаклида амалга оширилади.

Амалдаги Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг (кейинги матнларда МСИЮТК деб юритилади) 200-моддасига асосан қуйидаги шахслар апелляция тартибида биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори устидан тўлиқ ёки қисман шикоят (протест) келтириш орқали юқори судга мурожаат қилади:

ишда иштирок этувчи шахслар;

ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисида суд ҳал қилув қарори қабул қилган шахслар;

прокурор, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва Тошкент шаҳар прокурори ёки уларнинг ўринбосарлари;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил.⁴

Прокурор ишда иштирок этувчи бошқа шахслардан фарқли ўлароқ “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 35-моддасига асосан процессуал қонунда белгиланган тартибда ўз ваколатлари доирасида суднинг ҳукми, ҳал қилув қарори, ажрими ва қарорига протест келтириш орқали судга мурожаат қилади.⁵ МСИЮТКнинг 5-моддасида апелляция, кассация инстанцияси судларига мурожаат этилганда, шунингдек ушбу Кодекс ҳамда бошқа қонунларда назарда тутилган ҳолларда шикоят (протест) шаклида судга мурожаат қилиш мумкинлиги назарда тутилган. Бироқ, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Жисмоний ва юридик шахслар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш тўғрисида” 03.07.2020 йилги 11-сонли қарори⁶да маъмурий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар бўйича апелляция, кассация инстанцияси судларига мурожаат фақатгина шикоят шаклида амалга оширилиши кўрсатилган. Бу эса қонунчиликни турли хил талқин этишга олиб келади.

Шунга кўра, Пленум қарорининг 2-бандидаги “..... судга мурожаат қилиш:

..... апелляция ва кассация инстанцияси судларига мурожаат этилганда — шикоят (протест) шаклида амалга оширилади.” деб ўзгартиш таклиф этилади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, суд қарорларига нисбатан ишнинг қандай ҳал этилишидан моддий манфаатдор бўлмаган, зиммасига қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишдек муҳим вазифалар юклатилган прокурорлар томонидан протестларнинг келтирилиши суд қарорларининг қонунийлигини таъминлашга хизмат қилади.

Прокурорнинг қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарори ёки ажрими устидан берилган апелляция протести ёхуд хусусий протести суд томонидан қабул қилинган ҳал қилув қарори, ажрими ва қарорининг қонуний, асосли ва адолатли эканлиги юзасидан текшириш қўзғатилишига асос бўлади.

Прокурорнинг апелляция инстанциясида иштирок этиши суд фаолиятини назорат қилиш эмас, балки қонунийликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабдан ҳам прокурорнинг апелляция инстанциясида иштирок этиши ҳақида олимлар турли хил фикрлар билдиришган. Масалан, Б.Х.Пўлатовнинг фикрича, прокурорнинг апелляция инстанцияси судида иштирок этиши икки шаклда амалга оширилади. Биринчиси, суднинг қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарори ёки ажрими устидан протест келтириш ва иккинчиси, тарафлардан бирининг шундай суд қароридан норози бўлиб шикоят аризаси берганида бу тўғрида фикр бериш йўли билан иштирок қилиши эканлигидир.⁷ Лекин, олимнинг фикрига тўлиқ қўшилиб бўлмайди. Чунки, биринчи инстанция судларида ҳам бошқа шахслар томонидан қўзғатилган ишлар бўйича ҳам прокурор иштирок этиши мумкин. Бундай ҳолатда прокурор иш юзасидан ўзининг қонуний фикрини беради. Шунинг учун назаримизда апелляция инстанция судларида прокурор фақатгина протест бериш орқали иштирок этади.

Прокурор апелляция босқичида протест орқали иштирок этар экан, ушбу апелляция протестлари туманлараро маъмурий суднинг ҳал қилув қарори устидан берилганда — Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъ-

4 Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс. 26.01.2018 й. №ЎРҚ-462. [Электрон манба] – <http://lex.uz/docs/3527389>

5 Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида” 2001 йил 29 августдаги №57-II Қонуни. [Электрон манба] – <http://lex.uz/docs/106197>.

6 Ўзбекистон Республикаси Олий судининг “Жисмоний ва юридик шахслар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш тўғрисида” 2020 йил 3 июлдаги 11-сонли қарори. [Электрон манба] – <http://lex.uz/docs/4902531>

7 Пўлатов Б.Х. Прокурор назорати. Дарслик. – Тошкент., 2008. 425 - б.

мурий судлари томонидан;

худудий ҳарбий суднинг ҳал қилув қарори устидан берилганда — Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди томонидан;

Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан биринчи инстанция бўйича қабул қилинган ҳал қилув қарори устидан берилганда — Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан кўрилади (МСИЮТК 201-моддаси).

Юридик адабиётларда кўрсатилишича, апелляция тартибида шикоят бериш ёки протест келтириш ҳуқуқини амалга оширишнинг дастлабки шарты — бу объектив, субъектив ва формал асосларнинг мавжуд бўлишидир:

— объектив асоси — апелляция шикояти ёки протести объектининг мавжудлиги, апелляция шикояти ёки протести бериш муддатига риоя қилиш, ишнинг апелляция суди судловига тегишлилигига риоя қилишидир;

— субъектив асоси — апелляция шикояти бериш ёки протест келтириш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг муайян доираси мавжудлиги, улар ва вакилларининг муомала ва ҳуқуқ лаёқатига эгаллигига риоя қилишдан иборат;

— формал асоси — апелляция шикояти бериш ёки протест келтириш ва уни расмийлаштиришнинг қонунда белгиланган қоидаларидан иборат.⁸

Назаримизда мазкур шартларнинг тўлиқ мавжуд бўлиши апелляция шикояти ёки протестининг назарий жиҳатдан тугал ҳисобланишига ҳисса қўшсада, юқоридаги фикрларни бироз тўлдириш мақсадга мувофиқ.

Жумладан, апелляция шикояти ёки протести объектив жиҳатдан қонунда кўрсатилган муддатга яъни, тарафларнинг шикояти ёки прокурор протести ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан эътиборан бир ой ичида тегишли судга юборилиши керак. Агар муддат ўтказиб юборилган бўлса, ўтказиб юборилган муддатни тиклаш масаласи ҳам объектив томонни қамраб олади.

Субъектив жиҳатдан фақатгина апелляция шикояти бериш ёки протест келтириш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг муайян тоифасини қамраб олиши бироз мунозарали. Масалан, апелляция протести келтириш ҳуқуқи прокуратура органларида фақатгина

прокурорларга берилган бўлиб, бу амалиётда турли сарсонгарчилик ҳолатларини келтириб чиқаради. Шунингдек, иш ҳажми юқорилиги сабабли прокурор томонидан имзоланмаган протест туман прокурори ўринбосари томонидан имзоланган ҳолатларда судда тарафлар ваколатсиз шахс томонидан имзоланганлиги важи келтирилади ва ишни кўрмасдан қолдириш ҳолатлари кузатиламоқда.

Фуқаролик процессуал кодекснинг 386-моддасига кўра⁹, апелляция протестини прокурор ёки унинг ўринбосари келтиради ва имзолайди. Жиноят процессуал кодекснинг 497²-моддасида¹⁰ прокурор ва унинг ўринбосари ҳукм устидан апелляция протест билдиришга ҳақли эканлиги қайд қилинган. Шу сабабли прокурор ўринбосарлари ҳам субъектлар доирасига киритилиши лозим.

Апелляция шикояти бериш ёки протест келтиришнинг формал шартыда ҳужжатларни моддий ва процессуал қонун нормалари асосида расмийлаштириш талаб этилади, яъни биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ёки ажрими устидан берилган апелляция шикояти (протести) келтириш МСИЮТКнинг 204-206-моддалари талабларига қатъий риоя қилиниши лозим. Акс ҳолда суд томонидан протест иш юритувга қабул қилиш рад қилиниши, иш юритишдан тугатилиши ёки кўрмасдан қолдирилиши мумкин.

Формал шартининг яна бир жиҳати ишни судда кўриб чиқишнинг процессуал тартибига риоя қилиниши, апелляция инстанциясида суд ҳал қилув қарорининг қонунийлиги ва асослилигини янги далиллар орқали текшириши ва янги фактларни аниқлаши ҳам мумкин. Ёки ариза предмети бўлмаган янги талаблар апелляция инстанцияси суди томонидан қабул қилинмаслиги ва кўриб чиқилмаслигини таъкидлаш жоиз.

Маъмурий қонунчилик талабига мувофиқ, апелляция судлари қуйидагилар доирасида ишни мазмунан кўриб чиқади:

биринчи инстанция суди иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларнинг тўлиқ текширган-текширмаганлиги;

суд аниқланган деб ҳисоблаган, иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларнинг исботланган-исботланмаганлиги;

ҳал қилув қарори, ажрими (қарори)да баён қилинган суд хулосаларининг иш ҳолатларига мувофиқлиги;

моддий ва (ёки) процессуал ҳуқуқ нормалари бу-

8 Борисова Е.А. Апелляция в гражданском (арбитражном) процессе: 3-е изд., перераб. и доп. - М.: Городец, 2008. - 119 с.; Каравеева Е.В. Вопросы апелляционного производства в гражданском процессе: Дис.... канд. юрид. наук. - Саратов: 2005. - 71 с.; Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Махсус қисм. Дарслик. / Масъул муҳаррир: ю.ф.д. З.Н.Эсонова. - Тошкент: ТДЮИ нашрети, 2013. 236-237 б.

9 Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси. 22.01.2018 й., №ЎРҚ-460. [Электрон манба] — <http://lex.uz/docs/3517221>

10 Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процессуал кодекси. 22.09.1994 й., №2013-ХII. [Электрон манба] — <http://lex.uz/docs/3517221>



зилган-бузилмаганлиги, улар тўғри қўлланилган-қўлланилмаганлиги;

биринчи инстанция суди томонидан қабул қилинган суд ҳужжатлари қонун талабларига мувофиқлиги.

Шу жиҳатдан ҳам апелляция институти маъмурий суд ишларини юритиш ҳуқуқининг мустақил тармоғи сифатида, бизнингча қуйидаги ўзига хос белгиларга эга:

— биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарори ёки ажрими устидан манфаатдор шахс томонидан апелляция шикоятини ёки протести юқори турувчи судга қонунда белгиланган тартибда берилади;

— манфаатдор шахс томонидан апелляция шикоятини ёки протестини биринчи инстанция судининг иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўлиқ аниқланмаганлиги ёки исботланмаганлиги, суд томонидан баён қилинган ҳулосалар иш ҳолатига мувофиқ келмаслиги, моддий ҳуқуқ ёки процессуал ҳуқуқ нормалари бузилганлиги, нотўғри қўлланилганлиги асос қилиб келтирилади;

— апелляция шикоятини ёки протестини биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарори (ажрими) эълон қилинган кундан бошлаб қонунда белгиланган муддат ичида манфаатдор шахслар томонидан айна бир низо юзасидан бир марта берилади;

— биринчи инстанция суди қарорининг устидан апелляция шикоятини (протестини) берилиши, унинг қонуний кучга киришини тўхтади, агар суднинг қарори апелляция инстанцияси суди томонидан бекор қилинмаса, қонуний кучга киради ва ижрога қаратилади;

— апелляция инстанцияси суди ишни қайта кўришда янги далиллар ва янги фактларни ҳам кўриб чиқади;

— апелляция шикоятини (протестини) бўйича ишлар коллегиал тарзда кўриб чиқилади;

— апелляция инстанцияси суди биринчи инстанция судининг қарорини ўзгаришсиз қолдиришга, ўзгартиришга, бекор қилишга ва иш бўйича янги қарор қабул қилишга, қонунда кўрсатилган ҳолатларда, ишни биринчи инстанция сифатида қайта кўришга, ишни кўрмасдан қолдиришга, иш юритишни тугатишга ҳақли.

Апелляция инстанцияси судига шикоят (протест) келтирилганда иш ариза предмети доирасида кўриб чиқилади. Шу каби, прокурор ҳам биринчи инстанцияда кўрилган ариза предмети доирасида протест келтиришга ваколатли ҳисобланади.

Ишда иштирок этувчи шахсларга протестнинг ва унга илова қилинган, ушбу шахсларда мавжуд бўлмаган ҳужжатларнинг кўчирма нусхалари юборилганлигини ёки топширилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар апелляция протестига илова қилинади. Процес-

суал қонун суд қарори устидан протест келтирувчи прокурорга ҳам бир қатор талабларни белгилайди. Масалан, агар апелляция протести процессуал тартиб-қоидаларга риоя қилинмаган бўлса, МСИЮТКнинг 209-210-моддаларига асосан протестни иш юритишга қабул қилиш рад этилади ёки протест қайтарилади. Шу сабабли, апелляция инстанциясида ишни суд мажлисида белгиланган хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда биринчи инстанция судида кўриш қоидалари бўйича ўтказилишини инобатга олиб, прокурор протест келтиришдан олдин иш ҳужжатлари билан тўлиқ танишиб чиқиши мақсадга мувофиқ.

Суд мажлисида иштирок этувчи прокурор эса қонуний ва асосли апелляция ҳамда хусусий протестни қувватлаши, моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларига зид қабул қилинган суд қарорлари ва ажрими томонидан бекор қилиш ёки ўзгартиш чораларини кўради. Ишда иштирок этувчи прокурорлар ўз ишларини ташкил қилишда, шикоят ёки протест билан келиб тушган бирорта маъмурий иш уларнинг эътиборидан четда қолиши керак эмас. Прокурор ҳар бир маъмурий ишни, шикоят ёки протестга илова қилинган ҳужжатларни ўрганиш орқали суд қарорларининг қонуний ва асослилигини текширади. У шикоят ёки протест важларини иш ҳужжатларига мослигига алоҳида эътибор бериши керак. Агар протест қонуний ва асосли суд қарорини бекор қилиш ёки ўзгартиришга қаратилган бўлса, бундай протестни чақириб олиш юзасидан юқори турувчи прокурорни хабардор қилиши ёки уни қаноатлантиришни рад қилиш ҳақида фикр бериши мақсадга мувофиқ.

Апелляция инстанцияси судида иштирок этувчи прокурор шикоят ёки протест важлари доирасида эмас, балки бизнингча бутун иш бўйича фикр бериши керак. Агар иш бўйича моддий ва процессуал қонун нормалари бузилган бўлса, улар шикоят ёки протестда қайд қилинган-қилинмаганлигидан қатъи назар, суд қарорини бекор қилиш ёки ўзгартириш ҳақида фикр билдиради.

Етарли асослар мавжуд бўлган ҳолатлардагина апелляция протести келтирилган прокурор ёки юқори турувчи прокурор ишни кўриш якуни бўйича суд ҳужжати чиқарилганига қадар протестни чақириб олишга ваколатли ҳисобланади. Бироқ, "Прокуратура тўғрисида"ги қонуннинг 36-моддаси талабига кўра, протест келтирилган прокурор, шунингдек юқори турувчи прокурор суд мажлиси бошланганига қадар протестни тўлдириши, ўзгартириши ёки қайтариб олишга ҳақли эканлиги қайд қилинган. Апелляция протестини келтирилган важлар суд маслаҳатхонага киргунга қадар тўлиқ текширилиши, ўз исботини топмаган тақдирда ёки зарурият туфайли чақириб олишга йўл қўйилиши лозим деб ҳисоблаймиз.

Шунингдек, МСИЮтКнинг 216-моддасида, Иқтисодий процессуал кодекснинг 275-моддасида¹¹, апелляция протести келтирган прокурор ёки юқори турувчи прокурор ишни кўриш якуни бўйича суд ҳужжати чиқарилгунига қадар протестни чақириб олишга ҳақли эканлиги, Фуқаролик процессуал кодекснинг 393-моддасида, апелляция протести келтирган прокурор, шунингдек юқори турувчи прокурор апелляция инстанцияси суди маслаҳатхонага киргунига қадар протестни тўлдиришга, ўзгартиришга ёки қайтариб олишга ҳақли эканлиги кўрсатилган.

Қозоғистон Республикаси Маъмурий процессуал кодексининг 73-моддасида, ариза берувчи ўзининг ёзма аризаси асосида маъмурий иш бўйича суд томонидан қарор қабул қилинганга қадар апелляциясини қайтариб олишга ҳақли эканлиги кўрсатилган¹². Қирғизистон Республикаси Маъмурий процессуал кодексининг 221-моддасига кўра, прокурорнинг апелляция тақдимномаси суд ҳужжати қабул қилинганга қадар чақириб олинишига йўл қўйилади¹³.

Протест келтириш масаласини ҳал қилиш протест келтиришга ҳуқуқли бўлган шахсларнинг ҳуқуқ доирасига кирганлиги сабабли протестни тўлдириш, ўзгартириш ёки қайтариб олиш ҳуқуқи ҳам шу шахсларга берилган. Прокурор келтирган протестни юқори турувчи прокурор ҳам тўлдириши, ўзгартириши ёки қайтариб олиши мумкин.

Бундан ташқари, МСИЮтКнинг 173, 223-моддалари талабларига асосан апелляция инстанцияси судларига, шикоят қилиниши ёки протест келтирилиши қонунда назарда тутилган ҳолатларда, шунингдек суднинг ажрими ишнинг кейинги ҳаракат-

ланишига тўсқинлик қиладиган биринчи инстанция судининг ажримлари устидан шикоят қилиниши мумкин.

Биринчи инстанция суди ажрими устидан берилган апелляция тартибидаги хусусий шикоят бериш ёки протест келтириш ва уларни кўриш суднинг ҳал қилув қарори устидан апелляция шикояти (протести) бериш ва кўриш учун назарда тутилган қоидалар бўйича амалга оширилади.

Иш якуни бўйича МСИЮтКнинг 219-моддасига мувофиқ апелляция инстанцияси суди қўйидаги қарорлардан бирини қабул қилишга ҳақли:

- 1) ҳал қилув қарорини, қарорни ўзгартиришсиз қолдиришга;
- 2) ҳал қилув қарорини тўлиқ ёки қисман бекор қилишга ва янги қарор қабул қилишга;
- 3) ҳал қилув қарорини ўзгартиришга;
- 4) ҳал қилув қарорини тўлиқ ёки қисман бекор қилишга ва иш юритишни тугатишга ёхуд аризани (шикоятни) тўлиқ ёки қисман кўрмасдан қолдиришга;
- 5) ҳал қилув қарорини бекор қилишга ва ишни янгидан кўриш учун юборишга.

Демак, апелляция инстанция судларида маъмурий ва оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларни юритишда прокурор иштироки маъмурий ишларни қонуний, асосли ва адолатли кўриб чиқилишининг самарали воситаларидан бири бўлиб, бу орқали қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилади.

#

11 Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси. 24.01.2018 й., №ЎРҚ-461. [Электрон манба] – <http://lex.uz/docs/105533>

12 Административный процедурно-процессуальный кодекс Республики Казахстан 29 июня 2020 г. №350-VI [Электронный ресурс] – Режим доступа: <http://www.adilet.zan.kz> (дата обращения: 02.11.2021)

13 Сборник законодательных актов по административному судопроизводству. 3-е издание. – М.: Инфотропик Медиа, 2018. – 431 с



БИРИНЧИ ИНСТАНЦИЯ ҲАМДА ЮҚОРИ СУД ИНСТАНЦИЯЛАРИДА ЖИНОЯТ ИШЛАРИ КЎРИЛИШИДА ПРОКУРОР ФУНКЦИЯЛАРИ ВА ВАКОЛАТЛАРИНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

АННОТАЦИЯ. Ушбу мақолада жиноят суд процессида прокурор иштирокига оид амалдаги қонунчилик талаблари, прокурорнинг биринчи ва юқори суд инстанцияларидаги функциялари ва ваколатларининг айрим жиҳатлари, биринчи инстанция ва юқори суд босқичларида ишларнинг кўрилишида прокурор иштирокининг ўзига хос хусусиятлари, суд процессида прокурор зиммасига юклатилган вазифалар ва уларнинг моҳияти хусусида фикр юритилган. Мақолада жиноят суд процессида прокурорнинг ўрни ва роли, унинг функция ва ваколатларини ўрганиш борасида амалга оширилган айрим илмий изланишларнинг хулосалари ҳамда уларнинг таҳлили келтирилган бўлиб, прокурорнинг суд процессининг барча босқичларидаги процессуал мақоми хусусида мулоҳазалар келтирилган.

АННОТАЦИЯ. В статье приведены суждения относительно требований действующего законодательства об участии прокурора в уголовном судебном процессе, отдельных сторон функций и полномочий прокурора в суде первой инстанции и в вышестоящих судах, особенностей участия прокурора в различных стадиях судебного процесса, возложенных на него задач и их сущности. В статье путём проведения анализа освещены выводы отдельных научных трудов по изучению места и роли прокурора в уголовном судебном процессе, его функций и полномочий, приведены мнения о процессуальном положении прокурора как в суде первой инстанции, так и в вышестоящих судах.

ABSTRACT. The article provides viewpoints regarding the requirements of the current legislation on the participation of the prosecutor in criminal proceedings, certain aspects of the functions and powers of the prosecutor in the court of first instance and in higher courts, the peculiarities of the participation of the prosecutor in various stages of the trial, the tasks and the essence of the tasks assigned to them. The article, by means of analysis, highlights the conclusions of individual scientific works on the study of the place and role of the prosecutor in the criminal trial, their functions and powers; as well as the opinions on the procedural position of the prosecutor both in the court of first instance and in higher courts.

Калит сўзлар: жиноят суд ишлари юритиш босқичлари, жиноят суд ишлари юритиш иштирокчилари, процессуал мақом, процессуал функциялар, прокурор ваколатлари, тарафлар музокараси, прокурор нутқи, апелляция инстанцияси, кассация инстанцияси.

Ключевые слова: стадии уголовного судопроизводства, участники уголовного судопроизводства, процессуальное положение, процессуальные функции, полномочия прокурора, прения сторон, речь прокурора, апелляционная инстанция, кассационная инстанция.

Keywords: stages of criminal proceedings, participants in criminal proceedings, procedural position, procedural functions, powers of the prosecutor, discussion of the parties, speech of the prosecutor, appellate instance, cassation instance.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йилнинг 14 майдаги “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3723-сон қарорида қайд этилишича, жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигининг самарали тизимини яратиш давлатнинг қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатлари, тинчлик ва хавфсизликни ишончли ҳимоя қилиш бўйича устувор вазифаларидан бири бўлиб ҳисобланади¹.

Мазкур қарорда белгиланган вазифаларни амалга ошириш доирасида жиноят ва жиноят-процессуал ҳуқуқи соҳасидаги илғор, халқаро тажрибани,

умумэтироф этилган норма ва стандартларни ўрганиш алоҳида қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 декабрдаги “Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш, бу борада жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4551-сон қарори², 2020 йил 2 мартдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5953-сон фармони³, 2020 йил 24 июлдаги “Суд-

1 <https://lex.uz/docs> ПҚ-3723-сон 2018 йил 14 май қарори

2 Lex.uz/docs ПҚ-4551-сон 2019 йил 13 декабрь қарори

3 Lex.uz/docs ПФ-5953-сон 2020 йил 2 март фармони

лар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6034-сон фармони⁴, 2020 йил 10 августдаги “Суд-тергов фаолиятида шахнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6041-сон фармони⁵ талабларига асосан суд-ҳуқуқ ислохотларини янада кенгайтириш ҳамда прокурорнинг суддаги роли борасида бир қатор вазифалар белгилаб берилган.

Айнан шу вазифалар ижросини таъминлашга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 12 январдаги ЎРҚ-664-сон⁶ ҳамда 2021 йил 18 февралдаги ЎРҚ-675-сон⁷ қонунлари билан амалдаги Жиноят процессуал кодексига прокурорнинг суддаги иштирокига тааллуқли жиддий ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Жиноят процессуал кодексининг жиноят процесси иштирокчиларига бағишланган иккинчи бўлимининг 3-бобида жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахсларга оид нормалар жамланган бўлиб, Кодекснинг 33 ҳамда 34-моддалари прокурорнинг ваколатларини белгилаб берган.

Ушбу нормаларга асосан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар суриштирув ва дастлабки тергов босқичларида Ўзбекистон Республикаси қонунларининг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга оширади.

ЖПКнинг прокурор ваколатлари деб номланган 34-моддасида прокурорнинг суриштирув ва дастлабки тергов босқичларидаги ваколатларини назарда тутувчи бир қатор нормаларга ҳаволалар берилган.

Ушбу нормада, шунингдек, прокурорнинг суд муҳокамасидаги иштирокига оид ваколатлари ҳавола тарзида ЖПКнинг 409-моддасида назарда тутилганлиги қайд этиб ўтилган⁸.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг мамлакатимизда ҳуқуқий давлатни шакллантиришга қаратилган ислохотларнинг бошланиши ва аввало Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ мустақил суд ҳокимиятининг майдонга

кириб келиши билан прокурорнинг суддаги иштироки билан боғлиқ ҳуқуқий нормаларни қайта кўриб чиқиш зарурати юзага келди.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилда қабул қилинган “Прокуратура тўғрисида”ги қонуни прокурорнинг давлатдаги асосий функцияси, яъни қонунларни аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга оширишини сақлаб қолган ҳолда, эндиликда прокурорнинг суддаги иштирокини судларда ишлар кўрилишида қонунлар ижросини назорат қилиш билан боғлиқ ҳолда белгилаб бермади⁹.

Эндиликда прокурор суд процесси тарафи эканлиги белгиланиб, прокурорлар зиммасига судда фаол, малакали иштирокни таъминлаш орқали одил судловни амалга оширишда қонунийликни мустаҳкамлаш кафолати сифатида судларга яқиндан ёрдам бериш вазифаси юклатилди.

Шу билан бирга, таъкидлаш лозим, суд жараёнида иштирок этаётган прокурор зиммасига кенг қамровли вазифалар юклатилганлиги сабабли илмий манбаларда прокурорнинг жиноят суд процессидаги роли ва иштироки хусусида доимо турли фикрлар мавжуд бўлиб келган.

Бир қатор процессуалист олимлар прокурор судда фақат тараф бўлиб ҳисобланиши ва ҳеч қандай назорат функцияларини амалга ошириш ваколатига эга эмаслиги ҳақидаги ғояни илгари суради.

М.С.Строгович прокурорнинг жиноят суд процессидаги функция ва ваколатларига тавсиф берар экан, судда давлат айбловчиси сифатида майдонга чиқадиган прокурор тараф ва фақат тараф ҳуқуқий мақомига эга бўлиб, суд процессида ўзига қарама-қарши тенг ҳуқуқли ҳимоя тарафи билан мунозарага киради, деб таъкидлайди¹⁰.

Ушбу фикрга қарама-қарши ҳолда В.И.Басков прокурорнинг процессуал мақоми жиноят процессининг ҳар қандай босқичида қонунийлик кафолати сифатида ўзгаришсиз қолади, деб фикр юритади. Унинг қайд этишича, биринчи инстанция судида давлат айбловини қувватлаш жараёнида ҳам, апелляция, кассация ва назорат суд инстанцияларида ҳам прокурор қонунлар ижроси устидан назоратни амалга оширувчи орган вакили бўлиб қолаверади¹¹.

В.И.Басков судда прокурор назоратининг пред-

4 Lex.uz/docs "Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6034-сон фармони

5 Lex.uz/docs "Суд-тергов фаолиятида шахнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6041-сон фармони

6 Lex.uz/docs 2021 йил 12 январдаги ЎРҚ-664-сон қонуни

7 Lex.uz/docs 2021 йил 18 февралдаги ЎРҚ-675-сон қонуни

8 Lex.uz/docs Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процессуал кодекси

9 lex.uz/docs Ўзбекистон Республикасининг "Прокуратура тўғрисида”ги қонуни 1992 й.

10 М.С.Строгович Курс советского уголовного процесса. Издательство Наука. Москва 1970г. Стр.223

11 В.И.Басков Курс прокурорского надзора.М.,Издательство "Зерцало", 2000. Стр.208



мети нафақат суд қарорларининг қонунийлигини, балки суд таркиби ва суд муҳокамасининг барча иштирокчилари томонидан моддий ва процессуал қонун талабларига риоя этилишини таъминлаш бўлиб ҳисобланади, деб қайд этади¹².

Ўз навбатида, Э.Н.Примова, Н.Н.Примовлар қуйидагича фикрни илгари сурадилар: “Прокурорни жиний суд ишларини юритиш иштирокчиларидан бири сифатида белгилаш унинг жиноят суд процессидаги роли ва мақомини торайтиришга олиб келади ва “Россия Федерациясининг прокуратура тўғрисида”-ги Федерал қонунига асосан ҳар бир алоҳида прокурорга ва умуман прокуратура органларига берилган қонунни, ҳуқуқни ҳимоя қилиш функцияларига мутлақо зид бўлиб ҳисобланади”¹³.

Б.А.Тугутов, Д.И.Прушинский ўзининг “Жиноят суида прокурор ваколатларининг классификацияси” номли ишида Д.С.Карев, М.Ю.Рагинский каби олимларнинг прокурор жиноят суд процессида назорат органи бўлиб ҳисобланган прокуратура тизимининг вакили, деган фикрларни келтиради¹⁴.

Б.А.Тугутов, Д.И.Прушинский яна бир гуруҳ олимларнинг, жумладан Н.Н.Полянский, Р.Д.Рахуновларнинг прокурор судда қонунийликка риоя этилишини назорат қилиш ва давлат айбловини қувватлаш каби икки хил процессуал функцияларни амалга оширади, деган фикрлари хусусида тўхталиб, улар билан мунозарага киришган ҳолда прокурор суд процессида уч хил функцияни бажаради деб кўрсатадилар. Чунончи, давлат айбловини қувватлаш, қонунийликни тиклаш, қонунларга риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш¹⁵.

С.В.Новожиловнинг таъкидлашича, суд жараёнида иштирок этаётган прокурорнинг асосий функцияларидан бири – бу қонунийликни таъминлаш бўлиб, Конституцияга ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишдан иборат¹⁶.

Бизнинг фикримизча, юқорида қайд этилган олимларнинг нуқтаи назарлари чуқур ўрганишни талаб қилади.

Б.А.Тугутов, Д.И.Прушинскийлар алоҳида қайд этиб кўрсатган прокурорнинг суд процессидаги уч хил функцияси, яъни давлат айбловини қувватлаш,

қонунийликни тиклаш, қонунларга риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш ҳақидаги қарашлари мунозара талаб қилади. Негаки, давлат айбловини қувватлаш ва қонунийликни тиклаш тушунчалари ўзаро боғлиқ бўлиб, прокурор томонидан давлат айбловини қувватлаш функцияси қонунийлик принципига риоя этилган ҳолда амалга оширилишини назарда тутати (ЖПКнинг 11-моддаси).

Б.А.Тугутов ва Д.И.Прушинскийларнинг прокурор суд жараёнида қонунларга риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади, деб келтирган фикрлари ҳам мунозарали. Фикримизча, назоратни амалга ошириш функцияси таъсир чораси қўллаш ваколати билан бевосита боғлиқ бўлиб, прокурорнинг суд жараёнидаги ваколатларини амалга ошириладиган назорат натижасида қўлланиладиган таъсир чоралари қаторига киритиш мумкинми, деган ўринли савол туғилади.

Суд жараёнида давлат айбловини қувватлаётган прокурор назорат функциясини амалга оширади, деган фикр тарафдори бўлган В.И.Басков, Б.В.Коробейниковлар жиноят суд процессларида йўл қўйилган қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этишга қаратилган ҳуқуқий ҳужжатлар қаторига прокурорнинг аризалари, илтимосномалари, протест ва тақдимномаларини прокурор таъсир чоралари сифатида киритадилар¹⁷.

ЖПКнинг 25-моддаси 4-қисмига мувофиқ давлат ва жамоат айбловчилари, судланувчи, вояга етмаган судланувчининг қонуний вакили, ҳимоячи, жамоат ҳимоячиси, шунингдек жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари суд мажлисида тарафлар сифатида иштирок этадилар ва далиллар тақдим этиш, уларни текширишда қатнашиш, илтимос билан мурожаат қилиш, ишнинг тўғри ҳал этилиши учун аҳамиятга молик ҳар қандай масала бўйича ўз фикрларини билдиришда тенг ҳуқуқлардан фойдаланилади¹⁸.

Суд процессида қонун бузилиши ҳолатларини, суд процесси иштирокчилари ҳуқуқларининг бузилишига йўл қўйилганлигини аниқлаган прокурор эътироз билдириш орқали судга ўз муносабатини кўрсатади. Ариза, илтимоснома, протест (эътироз) мана шу муносабатнинг кўринишлари бўлиб ҳисоб-

12 Ўша ерда 205-б.

13 Э.Н.Примова, Н.Н.Примов. Прокурор: правозащитник или государственный обвинитель. //Евразийский Союз Учёных, 2016 №30-5, стр.71-76

14 <https://cyberleninka.ru> Б.А.Тугутов, Д.И.Прушинский Классификация полномочий прокурора в уголовном суде.

15 Ўша ерда

16 С.В.Новожилов Проблемные вопросы участия прокурора в судебных стадиях уголовного процесса

17 В.И.Басков, Б.В.Коробейников Курс прокурорского надзора, М., Издательство “Зерцало”, 2000 г.

18 Lex.uz/docs Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процессуал кодекси

ланади ва бундай ҳуқуқ суд процессининг бошқа иштирокчиларига ҳам бирдек тегишли.

Бироқ агарда, судланувчи, жабрланувчи, уларнинг вакиллари ҳамда ҳимоя тарафи суд жараёнида йўл қўйилган қонун бузилиши ҳолатлари бўйича муносабат билдиришлари мумкин бўлиб, бу уларнинг мажбуриятига киритилмаган бўлса, яъни улар бундай муносабатни билдиришлари ҳам, билдирмасликлари ҳам мумкин бўлса, давлат номидан суд процессида иштирок этаётган, давлат вакили бўлган прокурор йўл қўйилган қонун бузилиши ҳолатлари бўйича муносабат билдириши унинг тўғридан-тўғри мажбуриятидир.

Шунингдек, прокурорнинг суд процессидаги иштироки билан жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар, судланувчи ва процессининг бошқа иштирокчилари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилишининг олдини олиш чораларини кўриши ҳам унинг бурчи бўлиб ҳисобланади.

Шундан келиб чиққан ҳолда, суд процессининг бошқа тарафлари каби тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлган прокурор судда тараф бўлиб майдонга чиқади деган фикрларни инкор этмаган ҳолда, прокурор зиммасига юклатилган вазифалар доирасидан келиб чиққан ҳолда унинг суд процессидаги иштироки бошқа тарафлар иштирокидан тубдан фарқ қилади, деб кўрсата оламиз.

Бу эса, бевосита прокурор атамасининг мазмуни, унинг луғавий маъноси билан ҳам узвий боғлиқ.

Энциклопедия маълумотларига кўра, прокурор лотинча *procurator* – бошқариш, ғамхўрлик қилиш, айблов вакили, деган маънони англатади¹⁹.

Прокурорнинг юқори турувчи суд инстанцияларидаги иштироки борасида ҳам турлича илмий қарашлар мавжуд.

В.И.Басков, Б.В.Коробейниковлар прокурор апелляция ёки кассация суд инстанцияларида айбловчи сифатида майдонга чиқмайди. Мазкур инстанция-

ларда ишларнинг кўрилишида прокурор шу инстанцияларга хос бўлган процессуал чоралар орқали қонунларга риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади²⁰, деган фикрни илгари суради.

Улар апелляция ва кассация суд инстанцияларида прокурор қонунлар ижроси устидан назоратни амалга оширувчи орган вакили мажбуриятларини бажара туриб, нафақат айблов ҳукмини ёки ҳукмга келтирилган протестни ёқлаб чиқади, балки айблов ҳукми асосизлиги ҳақидаги тўхтамга келган тақдирда, ишни ҳаракатдан тугатиш, биринчи инстанция суди томонидан тайинланган жазони камайтириш, судланувчининг ҳаракатларини енгил жазо назарда тутилган бошқа моддага квалификация қилиш ва бошқа шунга ўхшаш таклифлар билан чиқади. Бу ҳолатлар эса прокурорга нисбатан айбловчи ва фақат айбловчи деб берилган таърифга умуман тўғри келмайди, деб таъкидлайдилар²¹.

Фикримизча, прокурор юқори турувчи суд инстанцияларида ҳам тараф бўлиб майдонга чиқади.

Қонуншунос биринчи инстанция судининг суд мажлисида, шунингдек ишлар юқори судларда кўрилатганда иш юритиш тарафларнинг ўзаро тортишуви асосида амалга оширилади, деб белгилаб берган бўлиб, тарафлар доирасига давлат ва жамоат айбловчиларини ҳам киритган (ЖПК 25-моддасининг биринчи ва тўртинчи қисмлари).

Юқори суд инстанциясида тараф сифатида иштирок этаётган прокурорнинг давлат айбловидан воз кечиши ёки давлат айбловини ўзгартириши эса айнан давлат айбловчиси зиммасига юклатилган функциялардан бири бўлиб, қонун талабларига кўра суд процессида айбловни ўзгартириш ёки судланувчининг айбсизлиги ҳақидаги ишончга келган прокурорнинг мажбуриятларидандир. Негаки, давлат номидан давлат айбловини қувватлаётган прокурор шахснинг асосиз айбдор деб топилишидан манфаатдор эмас.

#

19 <https://uz.sputniknews.ru/society/20181206/10178478/Uzbekistan-priglasili-v-Mezhdunarodnuyu-assotsiatsiyu-prokurorov.html>

20 В.И.Басков, Б.В.Коробейников Курс прокурорского надзора, М., Издательство "Зерцало", 2000г.

21 Ўша ерда

22 М.С.Строгович.Курс советского уголовного процесса.М., Издательство Наука, 1970г., стр.362



ХОДИМЛАР СОНИ (ШТАТИ) ЁКИ ИШ ХУСУСИЯТИНИНГ ЎЗГАРИШИ САБАБЛИ МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИНИ БЕКОР ҚИЛИШ

АННОТАЦИЯ. Мазкур мақолада муаллиф томонидан миллий қонунчилик ва илмий адабиётларнинг таҳлили натижасида ходимлар сонининг ўзгариши, ходимлар штатининг ўзгариши ва иш хусусиятининг ўзгариши сабабли иш берувчи ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилиш масалалари муҳокама қилинган. Хусусан, “ходимлар сони” ва “ходимлар штати” тушунчалари ўртасидаги фарқ, “иш хусусиятининг ўзгариши” тушунчасининг мазмун-моҳияти, штатлар қисқариши сабабли меҳнат шартномасини бекор қилишда эътибор қаратилиши лозим бўлган масалалар ёритилиб, бу борада қонунчиликни такомиллаштиришга оид таклифлар келтирилган.

АННОТАЦИЯ. В данной статье автором в результате анализа национального законодательства и научной литературы рассмотрены вопросы расторжения трудового договора по инициативе работодателя в связи с изменением численности работников, изменением штата сотрудников и изменением характера работы. В частности, освещены различия между понятиями “численность работников” и “штатное расписание”, сущность понятия “изменение характера работы”, вопросы, на которые следует обратить внимание при расторжении трудового договора в связи с сокращением штатов, а также даны предложения по совершенствованию законодательства в этой сфере.

ABSTRACT. In this article, the author discussed the termination of the employment contract on the initiative of the employer due to changes in the number of employees, changes in the staff table and changes in the nature of the work, as a result of the analysis of national legislation and scientific literature. In particular, the differences between the concepts of «number of employees» and «staff table» are highlighted, the essence of the concept of «change in the nature of work», issues that should be paid attention to terminate an employment contract due to staff reductions, as well as suggestions for improving legislation in this area.

Калит сўзлар: ходимлар сонининг ўзгариши, ходимлар штатининг ўзгариши, иш хусусиятининг ўзгариши, технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ишлар ҳажмининг қисқарганлиги.

Ключевые Слова: “изменение численности работников”, “изменение штата работников”, “изменение характера работы”, “изменения в технологии, организации производства и труда”, “сокращение объемов работ”.

Keywords: “change in the number of employees”, «change in the staff table”, «change in the nature of work”, «changes in technology, organization of production and labor”, «reduction in the volume of work”.

Технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ишлар ҳажмининг қисқариши сабабли меҳнатга оид муносабатларнинг тугатилиши меҳнат шартномасини бекор қилишнинг ўзига хос муаммоли асосларидан бири сифатида ўзининг иқтисодий ва маъмурий-ҳуқуқий характерга эга эканлиги билан ажралиб туради.

Ушбу асос Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 100-моддаси иккинчи қисми 1-бандида “технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги ёхуд корхонанинг тугатилганлиги” тарзида кўрсатилган.

Ушбу бандни қисмларга ажратиб таҳлил қиладиган бўлсак, иш берувчи ташаббусига кўра меҳнат шартномасини бекор қилишнинг қуйидаги 4 та асоси мавжудлигини кўришимиз мумкин:

1. Ходимлар сонининг ўзгариши
2. Ходимлар штатининг ўзгариши
3. Иш хусусиятининг ўзгариши
4. Корхонанинг тугатилиши

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг ўзбек ва рус тилидаги матнларида келтирилган юқо-

ридаги нормани таҳлил қиладиган бўлсак, уларнинг ўртасида номувофиқликни кўришимиз мумкин. Рус тилидаги матнда “изменения в технологии, организации производства и труда, сокращение объемов работ, повлекшие изменение численности (штата) работников или изменение характера работ, либо ликвидация предприятия” деб кўрсатилган.

Шунга кўра, ушбу иккита тилдаги номувофиқликни бартараф этиш мақсадида ўзбек тилидаги матнни “технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ишлар ҳажмининг қисқариши натижасида ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгариши” деган таҳрирда берилиши ушбу норманинг лўнда, аниқ, оддий ва раво тилда, турлича изоҳлашни истисно этадиган тарзда баён қилинишини таъминлайди.

Амалиётда учраши мумкин бўлган яна бир тушунмовчилик бу — бирор-бир норматив-ҳуқуқий ҳужжатда “ходимлар сони (штати)” тушунчасига аниқлик киритилмаган ҳамда бу икки тушунча (“ходимлар сони” ва “ходимлар штати”) ўртасидаги аниқ фарқ белгилаб берилмаган. Бу эса айнан ушбу асослардан бири билан меҳнат шартномасини бекор қилиш зарурати юзага келганда бу борадаги ҳужжатларни

тўғри расмийлаштиришда муайян қийинчиликларни юзага келтиради.

Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 107-моддасида иш берувчининг буйруғида меҳнат шартномасини бекор қилиш асослари Кодекснинг тегишли моддалари таърифига ёки меҳнат шартномасини бекор қилишнинг қўшимча асосларини назарда тутувчи бошқа норматив ҳужжатлар таърифига тўла мувофиқ ҳолда ёзилиши шартлиги белгиланган.

Шунга кўра, буйруқда меҳнат шартномаси “ходимлар сони ўзгарганлиги” ёки “ходимлар штати ўзгарганлиги” асоси билан бекор қилинганлигини аниқ кўрсатиш эҳтиёжи пайдо бўлади. Таъкидлаш жоизки, назарияда ҳам, амалиётда ҳам ушбу саволга жавоб топиш қийин. Шу билан бирга, қоида тариқасида ушбу тушунчалар бир-биридан ажратилмаган ҳолда (суд қарорлари, илмий-амалий шарҳлар) қўлланилиб келинади.

Штатларнинг қисқариши ва ходимлар сонининг қисқариши ўртасидаги фарқни “сон” ва “штат” сўзларининг этимологиясидан келиб чиқадиган бўлсак, бу ерда “сон” муайян бир миқдорни ифодалайди (нарсаларнинг қанчалигини, саногини, ададини ҳисоблаш учун хизмат қиладиган восита¹) ҳамда “штат” бу – лавозимлар, уларнинг сони, иш ҳақи тўғрисидаги ва бошқа маълумотларнинг мажмуаси бўлиб ҳисобланади.

Яъни ходимлар сони қисқарганда муайян штат(лар) бўйича назарда тутилган бир ёки бир нечта бирликларнинг қисқариши тушунилади ҳамда бунда штат сақланиб қолади (камида 1 штат бирлиги билан). Ходимлар штати қисқарганда эса, штатлар жадвалида бирор-бир лавозим (масалан, бош бухгалтер ўринбосари), ёки муайян бир таркибий тармоқ барча штатлари билан штатлар рўйхатидан тўлиқ чиқариб юборилади.

Шунга кўра, мазкур тушунчалар таҳлил қилиниб, муаллифлик таърифи ишлаб чиқилди: “ходимлар сони” бу – корхона штатлар жадвалида назарда тутилган муайян штат бирлиги бўйича лавозимларнинг сони (миқдори), “штат” бу – корхонанинг штат жадвалида назарда тутилаётган муайян лавозим, унинг сони, иш ҳақи тўғрисидаги ва бошқа маълумотларнинг мажмуаси².

Ушбу асос билан меҳнат шартномасини бекор қилишнинг яна бир ўзига хос хусусияти шундаки, унга кўра меҳнат муносабатларининг тугалланиши ходимларнинг кенг гуруҳига татбиқ этилиши мумкин бўлиб, бу уларнинг хоҳиш-истагига боғлиқ эмас.

Бунда меҳнат вазифаларини бажармаганлик ёки уни лозим даражада бажармаслик асосий жиҳат бўлмасдан, кўп йиллар давомида ўз меҳнат вазифаларини виждонан ва сифатли бажариб келаётган ходимлар билан ҳам меҳнат муносабатлари тугатилиши мумкин.

“Иш хусусиятининг ўзгариши” тушунчасига тўхталиб ўтсак. Олим М.Ю.Гасановнинг таъкидлашича, “... аввал амал қилган МҚК 41-моддасининг 1-банди «ходимлар сони ёки штатининг қисқартирилиши» атамасидан фойдаланарди. У кўриб чиқиладиган ҳодисанинг моҳиятини тўла даражада акс эттирмасди. Гап шундаки, илгари ҳам, ҳозир ҳам фақат ходимларнинг сони камайган ёки штат рўйхатида кўзда тутилган лавозимлар сони қисқарган ҳоллардагина эмас, балки корхонага бошқа касбдаги ходимлар зарур бўлган (масалан, унинг иш тури ўзгартрилиши ёки ишлаб чиқаришнинг автоматлаштирилиши), аввалги ходимлар мазкур ишни бажариш учун зарур бўладиган билимлар ва кўникмаларга эга бўлмаганликлари туфайли улар билан меҳнатга оид муносабатларни сақлаб қолиш мумкин бўлмаган вақтда ҳам мазкур асос бўйича меҳнат шартномаси бекор қилинишига йўл қўйилади.

Келтириб ўтилган ва шунга ўхшаш ҳолларда корхона ходимларининг сони камайиши ҳам, кўпайиши ҳам мумкин. Айни мана шу сабабга кўра Меҳнат кодекси «ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгариши» атамасидан фойдаланади².

Россиялик олимлардан Н.В.Демидовнинг таъкидлашича, Ўзбекистон қонунчилиги “иш хусусиятининг ўзгариши” тушунчасининг мазмунига аниқлик киритмаган, бундай ўзгаришларнинг турлари ва мазкур асосга кўра ишдан бўшатишни асослашнинг аниқ мезонларини белгилаб бермайди.

Бу борада туғилган саволларга ҳар бир алоҳида ишдаги ҳолатлардан келиб чиқиб, жавоб бериш суднинг ваколатига берилган. Ушбу ёндашув АҚШда қабул қилинган ишдан бўшатишни ҳуқуқий тартибга солиш тизимидан ўзлаштирилганлиги билан изоҳланади. Ўзбекистон қонунчилигидаги бундай тенденция баъзи бошқа ҳолатларда ҳам яққол кўзга ташланади³.

Яъни корхонада муайян лавозим штат бирлиги қисқартирилмасдан ҳам ушбу лавозимга юклатилган ишларнинг хусусияти ўзгарадиган бўлса, аввалги ходимлар мазкур ишни бажариш учун зарур бўладиган билим ва кўникмаларга эга бўлмаганликлари туфайли улар билан меҳнатга оид муносабатларни сақлаб қолиш мумкин бўлмаган вақтда иш берувчи

1 Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80 000 га яқин сўз ва сўз бирикмаси. Ж. III. Н-Тартибли/ Масъул муҳаррир А.Мадвалиев. – Т. “O‘zbekiston nashriyoti” давлат унитар корхонаси, 2020. 551-бет

2 Гасанов М.Ю., Соколов Е.А. Ўзбекистоннинг меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари: Саволлар ва жавоблар // Масъул муҳаррир Э. Халилов. – Т.: “Иқтисодийёт ва ҳуқуқ дунёси”, 1999. 225-бет.

3 Демидов Н.В. Увольнение по инициативе работодателя. Дисс... канд. юр. наук. Томск, 2009. 93-б.



меҳнат шартномасини бекор қилишга ҳақли бўлиб ҳисобланади.

Таъкидлаш лозимки, меҳнат қонунчилигида “иш хусусиятининг ўзгариши” тушунчасига аниқлик киритиш ҳуқуқни қўллаш амалиётида муҳим ўрин эгаллайди. Чунки, амалиётда айнан “иш хусусиятининг ўзгариши” асоси билан меҳнат шартномасини бекор қилиниши ҳолларини учратишимиз қийин. Мазкур тушунчага аниқлик киритилмаганлиги муайян штат бирлигини қисқартириб, шу лавозим бўйича бошқа штат бирлигининг жорий қилиниши ҳамда ходим билан штат бирлиги қисқарганлиги сабабли меҳнат шартномаси бекор қилинишига олиб келиши мумкин.

Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига “иш хусусиятининг ўзгариши деганда муайян штат бирлигидаги лавозим бўйича меҳнат шартномасида шартлашилган меҳнат вазифаларининг ўзгариши тушунилади”, деган мазмунда ушбу тушунчага аниқлик киритиш мақсадга мувофиқ.

Умуман, амалдаги қонунчилик меҳнат шартномасини Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 100-моддаси иккинчи қисми 1-бандига асосан бекор қилиш билан боғлиқ қўшимча кафолатларни ўзида ифодалаган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилигининг бошқа бир қатор хорижий давлатлар қонунчилигидан (Россия Федерацияси Меҳнат кодекси 81-моддаси 1-қисм, 2-банди, Украина Меҳнат қонунлари кодексининг 40-моддаси) фарқли жиҳати шундаки, миллий қонунчилигимизда меҳнат шартномасини ушбу асосга кўра бекор қилиш учун технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар ёки ишлар ҳажмининг қисқариши натижасида ходимлар сони (штати)нинг ёки иш хусусиятининг ўзгарсагина, меҳнат шартномасини бекор қилиш қонуний ҳисобланади.

Чунки, технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар ёки ишлар ҳажмининг қисқариши ҳар доим ҳам ходимлар сони (штати)нинг ёки иш хусусиятининг ўзгаришини келтириб чиқармайди. Масалан, технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар юз берган ёки ишлар ҳажми қисқарган ҳолда ходимларнинг олдинги сони (штати) ёки ишнинг аввалги хусусияти сақланиб қолиб, фақат муайян меҳнат шартлари ўзгарса, меҳнат шартномасини Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 100-моддаси иккинчи қисми 1-бандига асосан бекор қилиш мумкин эмас.

Бу каби ёндашувни Грузия меҳнат қонунчилигида ҳам учратишимиз мумкин. Хусусан, Грузия Меҳнат

кодексининг 47-моддасида “иш кучини камайтириш зарурлигини белгиловчи иқтисодий ҳолатлар, технологик ёки ташкилий ўзгаришлар” меҳнат шартномасини бекор қилиш асоси сифатида қайд этилган⁴.

Демак, ходимлар сони (штати)нинг ёки иш хусусиятининг ўзгаришини келтириб чиқарувчи асосий сабаб технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар ёки ишлар ҳажмининг қисқариши бўлган тақдирдагина, ушбу асос бўйича меҳнат шартномасини бекор қилиш қонуний ҳисобланади.

Албатта, юқоридаги ҳолатларнинг ҳар бири тегишли далиллар билан асосланиши лозим. Масалан, ишлаб чиқариш корхонасида муайян ҳажмдаги ишни мавжуд ходимлар сонига нисбатан камроқ ходимлар билан амалга ошириш тарзидаги ишлаб чиқариш тартибини жорий этиш ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришларнинг исботи бўлиши мумкин. Ушбу мисолда мазкур ишлаб чиқариш тартибининг ўзгариши оқибатида янги штатлар жадвалининг тасдиқланиши ходимлар штати ўзгарганлигининг далили ҳисобланади.

Иш ҳажмининг қисқарганлиги ходимлар сони (штати)нинг ёки иш хусусиятининг ўзгаришини келтириб чиқарувчи асосий сабаб бўлган ҳолатларда иш берувчида корхонада ҳақиқатан ҳам бажариладиган ишларнинг кўлами олдингига нисбатан камлигини исботловчи тегишли ҳужжатлар бўлиши лозим. Масалан, хизмат кўрсатувчи ташкилотларда муайян вақт давомида мижозлар билан тузилган шартномаларнинг камлиги, буюртманомаларнинг анча кам келиб тушиши каби.

Таъкидлаш жоизки, агар муайян ташкилотда шу тоифадаги ходимларнинг бошқа ўринлари бўш бўлган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 100-моддаси иккинчи қисми 1-бандига асосан меҳнат шартномасини бекор қилиш ишлаб турган ходимлар ҳисобидан амалга оширилиши мумкин эмас. Бундай ҳолларда штатлар жадвалидан бўш турган лавозимни чиқариш ҳисобига штатлар қисқаришини амалга ошириш қонуний ҳисобланади.

Масалан, ташкилотда мутахассис ўрни 3 та бўлгани ҳолда уларнинг 2 нафари амалда ишлаётган бўлса, аввало мазкур бўш ўринни штатлар жадвалидан чиқармасдан, ишлаётган ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ходим меҳнат ҳуқуқининг бузилиши деб топилиши ҳамда у аввалги ишига тикланиши лозим.

Шунингдек, технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар ёки ишлар ҳажмининг қисқариши бўйича меҳнат шартномасини бекор қилишда фаолияти мазкур ўзгартириш

ёки қисқартириш билан боғлиқ ходимлар доирасига алоҳида эътибор қаратиш керак.

Бунинг асосий жиҳати шундаки, технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар ёки ишлар ҳажмининг қисқариши қайси ходимлар гуруҳига татбиқ этилиши лозим бўлса, айнан улар билан меҳнат шартномасини шу асосга кўра бекор қилиш қонуний бўлади. Масалан, ташкилотда бошқарув ходимлари иш ҳажмининг қисқариши билан боғлиқ тарзда меҳнат муносабатлари тугатилиши жараёнида ёрдамчи ходимларни ишдан бўшатиш асоссиз ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, муайян ташкилот қайта ташкил этилганда ҳам бир қатор ходимлар билан меҳнат шартномасини бекор қилиш эҳтиёжи юзага келади. Бундай вақтларда қайта ташкил этиш тугагандан кейин улар билан меҳнат шартномаси қайси асосга кўра бекор қилинишидан қатъи назар, барча ҳолида ва кафолатларга риоя этган ҳолда амалга оширилиши лозим. Бунинг эътиборли жиҳати шундаки, қайта ташкил этиш, масалан, икки ташкилот бирлаштирилиб ягона ташкилотга айлантирилган ҳолатдаги иш ҳажмига нисбатан ходимларнинг кўпайиб кетиши қайта ташкил этиш жараёни тугамасдан шу ходимлар билан меҳнат шартномасини ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқариши асоси билан бекор қилиш ноқонуний ҳисобланади.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, хорижий давлатларнинг меҳнат қонунчилигида ҳам ишдан бўшатишнинг кўриб чиқиладиган ушбу асоси мустаҳкамланган. Миллий ҳуқуқий тизимларнинг аксарият қисмида ходимлар сонини ёки ходимлар сонини қисқартириш меҳнат қонунчилигини тартибга солишнинг предмети бўлиб, махсус ишлаб чиқилган нормалар билан тартибга солинади.

Украина МҚКнинг 40-моддаси 1971 йилги Украина ССР Меҳнат кодексидан келиб чиқиб, корхона тугатилиши муносабати билан ва ходимлар сонининг ёки штатининг қисқариши муносабати билан ишдан бўшатиш учун асослар бирлаштирилган⁵.

Эстония Республикасининг 2008 йил 17 декабрдаги “Меҳнат шартномаси тўғрисида”ги қонуни 89-моддасига асосан иқтисодий сабабларга кўра иш берувчи томонидан меҳнат муносабатларини тугатиш масалаларига бағишланган бўлиб, унга кўра иш ҳажмининг қисқариши, ишни қайта ташкил этиш ёки ишнинг бошқача тарзда тугаганлиги (қисқариши) туфайли меҳнат муносабатларини келишилган

шартлар асосида давом эттириш мумкин бўлмай қолса иш берувчи меҳнат шартномасини фавқулодда бекор қилиши мумкин⁶.

Латвия Республикасининг 2001 йил 20 июндаги “Меҳнат тўғрисида”ги қонуни 101-моддасига мувофиқ “ходимлар сонининг қисқариши” иш берувчи ташаббусига кўра меҳнат шартномасини бекор қилишнинг асосларидан бири сифатида санаб ўтилган ҳамда мазкур Қонуннинг 104-моддасига асосан, “ходимлар сонининг қисқариши бу — ходимнинг хатти-ҳаракати ёки унинг малакаси билан боғлиқ бўлмаган, лекин корхонада шошилиш иқтисодий, ташкилий, технологик ёки шунга ўхшаш тадбирларни ўтказиш лозимлиги билан етарли даражада асосланадиган сабабларга кўра меҳнат шартномасини бекор қилишдир”⁷.

Англо-саксон ҳуқуқий оиласи мамлакатларида ходимларнинг сони ёки штатининг қисқариши муносабати билан ишдан бўшатишни тартибга солиш икки томонлама хусусиятга эга. Бир томондан, ушбу асосга кўра меҳнат шартномаси бекор қилишда шартнома ҳуқуқининг умумий принципларини қўллаш (яъни, фуқаролик-ҳуқуқий тузилмалардан бевоқиф фойдаланиш) амалиёти мавжуд бўлса, бошқа томондан, ишчиларни оммавий равишда ишдан бўшатиш оқибатларининг ижтимоий аҳамияти меҳнат қонунчилигида баъзи стандартларнинг белгиланишига олиб келган.

Биринчи концепция АҚШда ўзининг соф кўринишига эга. Бу ерда шаклланган тарихий анъаналарга кўра иш берувчининг хўжалик бошқаруви тан олинади ва бу ҳолат штатлар ёки ходимлар сонининг қисқариши муносабати билан ишдан бўшатишга ҳам тааллуқли бўлиб ҳисобланади. Фақат қонунда белгиланган ҳуқуқлар ва кафолатлар бузилиши, дискриминациявий сабаблар учун ишдан бўшатиш тўғридан-тўғри тақиқ остига олинади. Шу билан бирга, “дискриминация” тушунчасининг мазмуни мутлақ белгиланмаган ва ҳар бир аниқ иш бўйича ҳолатлардан келиб чиқиб суд томонидан баҳо берилади.

Буюк Британияда 1996 йилда қабул қилинган “Меҳнат ҳуқуқи тўғрисида”ги қонун⁸га (ERA 1996) мувофиқ “қисқартириш” ходимни ишдан бўшатишнинг қонуний асосларидан бири ҳисобланади. Қонуннинг 139-моддасига мувофиқ штатлар ёки ходимлар сони қисқариши муносабати билан ишдан бўшатиш сўзма-сўз таржимаси “ортиқчалик” маъносини англатадиган “redundancy” тушунчасининг таркибий қисми бўлиб ҳисобланади. Ушбу тушунча,

5 Украина Меҳнат қонунлари кодекси (https://pracja.com.ua/kzot/glava_3_trudovoj_dogovor/1214.html)

6 Эстония Меҳнат кодекси (<https://www.juristaitab.ee/ru/zakonodatelstvo/zakon-o-trudovom-dogovore>)

7 <https://www.baltikon.lv/taxes/zakon-o-trude/>

8 <https://www.legislation.gov.uk/ukpga/1996/18/contents>



шу билан бирга, ташкилот тугатилган тақдирда ишдан бўшатиш (ERA 1996, с. 139 (1) (а)) ва ходимларни бошқа ишга ўтказиш (ERA 1996, с. 139 (1) (с))ни ҳам қамраб олади. Ишдан бўшатиладиган ходимлар учун танлов мезонлари тенг равишда ва истисносиз қўлланилиши керак (ERA 1996, с. 105 (1) (б)). ERA 1996нинг 100-моддасида ходимнинг билим ва кўникмалари танлов мезонлари сифатида белгиланган, аммо таққосланадиган кўрсаткичларнинг рўйхати батафсил баён қилинмаган ва чекланмаган.

Шу билан бирга, ушбу қонун ишдан бўшатиладиганлиги учун компенсация оладиган ходимлар сонини чеклайди. Ушбу рўйхатга малакасиз ишчилар (s.135), икки йилдан кам иш стажига эга бўлганлар (s.155.), муқобил бўш иш жойларидан бош тортган ишчилар (s.141 (2) с), чет давлатлар фуқаролари (159), Британия қироллиги (Overseas government employment) (160) ходимлари, шунингдек, олти ойлик даъво муддатини ўтказиб юборган шахслар (s.164) киритилган.

.....

Саидкамол МУХТОРОВ,
Транспорт прокуратураси бўлим бошлиғи

ФУҚАРОЛИК СУДЛОВИ ИШ ЮРИТУВИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЮЗАСИДАН АЙРИМ ЁНДАШУВЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

АННОТАЦИЯ. Ушбу мақолада фуқаролик судловида айрим процессуал механизмларни такомиллаштириш масалалари муҳокама этилган.

АННОТАЦИЯ. В данной статье проанализировано вопросы совершенствования отдельных процессуальных механизмов в гражданском судопроизводстве.

ABSTRACT. In this article the analysis of the questions of sovrshenstvovanii otdelnyx protsessualnyx mechanisms in civil sudoproizvodstve

Калит сўзлар: фуқаролик процесси, судга тааллуқлилик ва судловга тегишлилик, ҳуқуқий муаммолар, давлат божи.

Ключевые слова: гражданский процесс, подведомственность и подсудность, правовые вопросы, государственная пошлина.

Keywords: civil procedure, jurisdiction and jurisdiction, legal issues, state duty.

Ҳуқуқ тизими ва қонун (ҳуқуқ) устуворлиги мамлакатларнинг барқарор ривожланиш ва инклюзив ўсишга ёрдам беришини исботловчи далиллар кўпаймоқда. Дарҳақиқат, ҳуқуқий тизим ишлаши ва самарадорлиги фуқароларни иш билан таъминлаш ва ер билан боғлиқ низоларни ҳал қилиш, ҳукуматнинг жамият олдидаги жавобгарлигини ошириш ва тадбиркорлик субъектларининг инвестиция ва шартнома муносабатларида муҳим қарорлар қабул қилишига бевосита таъсир қилади. Фуқаролик одил судлови ва фуқаролик процессининг тўртта фундаментал принципларидан биринчиси бу одил судловга мунтазам ва қулай имконият (*access to justice*) яратишдир. Яъни фуқаролар ўз ҳуқуқий муаммоларини суд орқали ҳал этишига максимал шароитлар яратиш фундаментал заруриятдир.

Бугунги замонавий процессуал ҳуқуқий фанлар, ҳуқуқий тафаккур ва АҚШ, Англия, Европа мамлакатлари суд амалиёти фуқаролик судловини имконли ва қулай қилиш лозимлигини таъкидлайди. АҚШ Олий суди 1971 йилда “*Boddie v. Connecticut*” (Boddie (даъвогар) Connecticut (жавобгар) штатида қарши суд иши) суд иши доирада, агар даъвогар иқтисодий аҳволи сабабли суд харажатларини тўлай олмаслиги аниқлаганда, суд харажатлари (давлат божини)ни тўлашдан озод қилиниши ҳақида қарор қабул қилди. Мазкур қарор судларга суд харажатларини тўлашга имконсиз даъвогарлар ишларида уларни харажатлардан озод қилиш мажбуриятини юклади (бу конституциявий мажбурият мақомига эга).

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат божи тўғрисида”ги қонуни 8-моддаси фуқаролик судловида давлат божини тўлашдан озод этиладиган субъектлар ва ҳолатларнинг қатъий рўйхатини белгилаган. Шу

билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси 133-моддаси судларга тарафлар моддий аҳволдан келиб чиқиб суд харажатларини кечиктириб ёки бўлиб-бўлиб тўлаш, харажатлар миқдорини камайтириш ҳуқуқини берган. Албатта, ушбу нормалар фуқаролик одил судлови имкониятини кенгайтиради. Бироқ, бу қатъий рўйхат ёки харажатларни тўлашни кечиктириш имконини берувчи ҳуқуқлар анча чекланган. Замонавий фуқаролик процесси нуқтаи назаридан мазкур механизмларни такомиллаштириш, айниқса иқтисодий жиҳатдан ночор ёки кам таъминланган фуқаролар учун одил судловни имкониятли қилиш зарурияти мавжуд. Масалан, судларга моддий аҳволдан келиб чиқиб тарафларни **суд харажатларидан озод қилиш ҳуқуқини бериш** тўғри бўларди.

Ҳуқуқий тизим самарадорлигини таъминлаш фуқароларга йўналтирилган (*citizen-oriented*) ҳуқуқ ва одил судлов тизими яратишни тақозо этади. Бунинг учун эса жамият аъзоларининг (аҳолининг) ҳуқуқий ва одил судловга бўлган талаб ва эҳтиёжларини аниқ бир концепция сифатида шакллантириш лозим. Таъкидлаш лозимки, мазкур фуқароларга йўналтирилган одил судлов ва ҳуқуқий тизим бу биз билган тизимни умумий модернизация қилиш ва самарадорлигини ошириш ислохотларидан фарқ қилади. Яъни ҳуқуқларни ўрнатиш ва судда ҳимоя қилиш механизмларидан ташқари, ушбу тизимда фуқароларнинг одил судловга эришишдаги кундалик муаммолари, иқтисодий-ижтимоий тўсиқлар ва харажатлари муҳим ҳисобланади.

Одатда ҳуқуқий соҳадаги тадқиқотлар ҳуқуқий эҳтиёжлар ва одил судловга эришиши имкониятлари концепцияларининг аниқ ва батафсил ўрганмасдан



олиб борилади. Фуқароларнинг ҳуқуқий эҳтиёжлари концепцияси замонавий ҳуқуқ фанида борган сари кенгайиб ва аҳамияти ошиб бормоқда. Аслида ушбу концепция доимий жараёни акс эттириб, фуқароларнинг ҳуқуқий (ва одил судловга оид) эҳтиёжларига оид эмпирик билимларни яратади, қонун ижодкорлиги ва институционал ислоҳотлар орқали ҳуқуқ тизимини қайта қуришга асос яратади ҳамда жамиятнинг ҳуқуқий эҳтиёжлари ва одил судловга эришиш имкониятларига янгича қарашларни шакллантиради. Бунда фуқароларнинг ҳуқуқий ва одил судловга эришиш эҳтиёжларини анъанавий ҳуқуқий муаммолар даражасидан адолатга эришиш тўғрисидаги муҳимроқ даражага кўтариш, одил судловга эришиш имкониятларини ошириш, масалан, гарчи фуқаро ўз муаммоси ҳуқуқий тафсилотларини билмас ҳам ҳуқуқий механизмларни ишлата олишига шароит яратиш асосий мўлжаллардан ҳисобланади.

Европа ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти тадқиқотларига кўра, ўрганилган мамлакатларда фуқароларнинг ҳуқуқ ва одил судловга эришиш қуйидаги асосий муаммолар мавжудлиги кўрсатилган:¹

Фуқаролик-ҳуқуқий эҳтиёжлари ва муаммолари кўпайиб бормоқда, бу фуқаролар, айниқса камбағал қатлам учун қийинчиликлар туғдирмоқда;

фуқаролик-ҳуқуқий муаммолар ҳар бир шахснинг ҳаётига кириб борган;

фуқароларнинг ечилмаган фуқаролик-ҳуқуқий муаммолари сезиларли даражада ошган, бу эса янги шахсий ва оилавий муаммолар каскадини яратмоқда (масалан, ечилмаган мерос оилавий жанжаллар, вояга етмаган болалар хавфсизлиги муаммолари каби);

ечилмаган фуқаролик-ҳуқуқий муаммолар ҳамда фуқаролар соғлиги, ижтимоий-иқтисодий фаровонлиги ўртасида муҳим боғлиқлик мавжуд (масалан, алимент, никоҳни бекор қилиш, меҳнат низолари ҳал этилмаслиги табиийки даъвогарлар ва уларнинг яқинлари соғлиги, ижтимоий ва иқтисодий фаровонлигига ҳал қилувчи таъсир ўтказади);

айрим ҳолатларда шахсларнинг жинси, миллий-ирқий келиб чиқиши ёки иқтисодий аҳволи (имконсизлиги) ечилмаган фуқаролик-ҳуқуқий муаммоларнинг асосий сабабларидир;

ҳуқуқий муаммолар аддитив (кўпайиб боровчи) хусусиятга эга бўлиб, ечилмаган ҳуқуқий муаммо қўшимча равишда яна бошқа ҳуқуқий муаммолар пайдо бўлишини тақозо қилади, айниқса бу ҳолат кам даромадли ва ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларида аниқроқ кўринади;

аҳолининг ҳар бир қатлами фуқаролик-ҳуқуқий

муаммоларга дуч келади, лекин энг камбағал ва энг муҳтож қатламларда мураккаброқ ҳамда чалкаш фуқаролик-ҳуқуқий муаммолар кўпроқ учрайди;

одил судлов имконияти пастлиги эса ҳуқуқий муаммоларнинг мутлақ кўпчилиги судлов тизимидан ташқарида ҳал этилишига олиб келмоқда;

судлов тизими ва механизмлари аҳолининг кўпчилиги томонидан яхши тушунилмайди, харажатлар ва ахборот камлиги туфайли одил судловга эришиш имконияти анча пасайган.

Таъкидлаш лозимки, айнан юқорида қайд этилган аксарият муаммолар Ўзбекистон ҳуқуқий тизимида ҳам мавжуд. Судларда мураккаб ва ҳал бўлиши қийин муаммолар асосан фуқаролик-ҳуқуқий муаммолар бўлиб, улар айниқса аҳолининг ҳимояга муҳтож қатламлари билан содир бўлганда янада чигалроқ тус олмоқда. Бунинг сабаблари гарчи кўпроқ ижтимоий-иқтисодий бўлса ҳам, ҳуқуқий масалалар тўғрисидаги ҳал этилмаганлиги (уй-жой олди-сотди шартномаси тўғрисидаги тузилмаганлиги, мерос вақтида очилмаган ёки расмийлаштирилмаган, судга мурожаат қилинмаган ва ҳқ.) ҳуқуқий муаммоларни кўпайтириб, мураккаблаштириб юбормоқда.

Мазур муаммоларни ҳал этиш эса, бизнингча қуйидаги ечимларга таяниши лозим.

1. Биринчидан, фуқаролик-ҳуқуқий низоларда аҳолининг ҳуқуқий механизмларни тушунмаслигини инобатга олиш, улар учун асосий ҳуқуқий муаммоларни қонуний ҳал қилиш механизмларни тушунтирувчи содда ахборот билан таъминлашни ташкиллаштириш лозим. Тадқиқотларга кўра, кўпчилик фуқароларга малакали юридик ёрдам эмас, оддий ахборот (қайси судга мурожаат қилиш, қандай ҳужжатлар тайёрлаш каби) етишмаслиги одил судловга кўпроқ тўсиқ яратади. Замонавий фуқаролик процесси фани ҳамда ЕҲТТ тадқиқотлари фуқароларни, айниқса сезувчан (vulnerable) аҳоли қатламларига одил судлов механизмлари ҳақида содда ва тўлиқ ахборот бериш, одил судловга мурожаат қилиш имкониятини кенгайтириш, имкон қадар ҳуқуқий муаммоларини ҳал қилишга кўмаклашиши бугунги одил судлов ва ҳуқуқ тизимининг асосий вазифаларидан бўлиши лозим.

Бугунги кунда фуқаролик суд амалиётида жуда кўп даъво аризалари қайтарилмоқда, кўрмасдан қолдирилмоқда ёки тугатилмоқда. Эълон қилиб борилаётган суд қарорлари очиқ базаси² таҳлилига кўра, ушбу ҳолат асосан даъво аризасига ҳужжатларни тўлиқ илова қилмаслик, давлат божини тўламаслик ёки бўлиб тўлашни сўраш, кўрмасдан қолдириш ҳақида

1 Andrews, Neil. English civil procedure: fundamentals of the new civil justice system: Oxford Univ. Press, 2003. - CVI, 1073 S.. - 0-19-924425-1, 2003. Б. – 17.

2 Xandra Kramer, Alexandre Biard, Jos Hoevenaars, Eris Themeli. New Pathways to Civil Justice in Europe. Challenges of Access to Justice. Springer, Cham. 2021. DOI: <https://doi.org/10.1007/978-3-030-66637-8>. Б. – 302.

ариза киритиш ёки суд мажлисига келмаслик каби бир қатор сабабларга кўра юзага келмоқда. Ушбу ҳолатлар ҳам фуқароларнинг одил судлов механизмлари, қонун-қоидаларини яхши тушунмаслиги ёки низоларни бошқа механизмлар билан ҳал қилишга ҳаракат қилиши билан изоҳланиши мумкин. Албатта, бу борада кенгроқ ва тўғридан-тўғри тадқиқотларга зарурат бор.

ЕХТТ тадқиқотлари шуни кўрсатадики, кам даромадли аҳоли қатлами одил судловга имконият пастлиги шароитида ҳуқуқий муаммоларни судловдан ташқарида, кўпинча ноқонуний усулларда ҳал қилишга уринади. Бундай ҳолат, айниқса кам даромадли мамлакатларда ошиб бормоқда ва давлат ҳокимияти, одил судлов ва ҳуқуқ тизими ишончлилиги ва самарадорлигига катта таъсир кўрсатади. Одил судловга имконият (access to justice)ни оширишда энг аввало юқорида келтирилган хабардорлик ва судларнинг бу соҳадаги самарадор ҳаракатлари муҳим ўрин тутди.

Одил судлов механизмлари ва ҳуқуқий муаммоларни судловда ҳал қилишга оид маълумот-ахборот қулай шаклда барча учун очиқ бўлишини таъминлаш одил судловга имконият (access to justice)ни оширишнинг муҳим шартидир. Бунда инфор­мацион технологиялардан фойдаланиш, судларнинг сайтларида доимий янгиланиб бориладиган маълумотларни жойлаштириш, судлар биноларида маълумотларни очиқ ва батафсил босма шаклда тарқатиш, суд ходимлари томонидан мурожаат қилиб келган фуқароларга маълумотларни етказиш каби усуллар, бизнингча ҳали етарли даражада амалга ошири­лаётгани йўқ. Буни суд амалиёти ҳам тасдиқлаб турибди.

2. Иккинчи муҳим чора — бу малакали ҳуқуқий хизмат имкониятларини ошириш. Бу адвокатлар ҳамда юридик маслаҳатхоналар сони ва хизматлар сифатини ошириш, уларнинг суд билан (ахборот ва очиқлик соҳасида) ҳамкорлигини таъминлашни тақозо қилади.

3. Судларнинг очиқлиги, аризалар қабул қилиш ва судлов тартиби тўғрисида тушунтиришлар бериши, бу бўйича алоҳида иш олиб борилиши зарурияти мавжуд. Бунда судлар томонидан аҳолининг энг муҳим ҳуқуқий муаммолари ҳақидаги маълумотларни йиғиш, таҳлил қилиш ва унга кўра одил судлов имкониятини кенгайтиришга доир чоралар кўриш талаб этилади.

Мазкур муаммоларни ҳал этишда, яъни одил судловга эришиш имкониятини таъминлашда фуқаролик-ҳуқуқий низонинг тааллуқлилиги ва судловга тегишлилиги муҳим ўрин тутди. Яъни ушбу институтлар судлов харажатлари (litigation costs)да асосий ўринларни эгаллайди.

Америкалик олим К.Клермонтга кўра, судловга тегишлилик институти одил судлов ва давлат ҳокимияти горизонтал федераллашуви ва мутаносиб куч тақсмотини намоён этиб, ҳуқуқ тизимидаги энг муҳим 5 та ғоядан бири ҳисобланади.³

Ўзбекистон Фуқаролик процессуал кодекси 28-38-моддаларида белгиланган судловга тегишлилик қоидалари, умуман олганда, стандарт қоидалар ҳисобланади. Унга кўра, низолар ҳудудга ёки предметга кўра, аниқ белгиланган судлов (масалан, мол-мулк жойлашган ердаги) ёки бошқа муқобил шартларга (танлов) кўра муайян суд судловига тегишли бўлади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, ижтимоий ҳаёт ва технологиялар ривожини, шунингдек, юқорида келтирилган ҳуқуқий муаммоларни ҳал этиш эҳтиёжи мазкур қоидаларни қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Айниқса, бу кам даромадли ва судлов харажатларига сезувчан қатлам ҳуқуқларини ҳимоя қилиш нуқтаи назаридан жуда муҳим. Агарда юқорида қад этилган ҳолатларни илмий концептуал нуқтаи назаридан таҳлил қилиш орқали комплекс тарзда таҳлил этилиши келажакда фуқаролик суд иш юритувида одиллик принципини янада мустаҳкамланиши муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

#



Тимур КЕНЖАЕВ,
Преподаватель кафедры Академии Генеральной прокуратуры,
самостоятельный соискатель

ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВО РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН В ОБЛАСТИ ПРОВЕДЕНИЯ АНТИКОРРУПЦИОННОЙ ЭКСПЕРТИЗЫ ПРОЕКТОВ НОРМАТИВНО-ПРАВОВЫХ АКТОВ

АННОТАЦИЯ. Мазкур мақолада коррупцияга қарши курашиш чораларидан бири ҳисобланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизасининг Ўзбекистон Республикасида пайдо бўлиш тарихи батафсил ёритилган.

АННОТАЦИЯ. В данной приведены нормативно-правовые основы проведения антикоррупционной экспертизы проектов нормативно-правовых актов, указаны основополагающие акты, предусматривающие совершенствование данного института, а также выдвинуты предложения по его совершенствованию.

ABSTRACT. This article highlights the anti-corruption screening of normative-legal acts as one of the measures to fight against corruption, and the emergence of this institute is thoroughly scrutinized.

Ключевые слова: антикоррупционная экспертиза, проекты нормативно-правовых актов, коррупция, законодательство, противодействие коррупции.

Калит сўзлар: коррупцияга қарши экспертиза, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари, коррупция, қонунчилик, коррупцияга қарши курашиш.

Keywords: anti-corruption screening, projects of legal acts, corruption.

«Самое главное при всяком государственном строе – это посредством законов и остального распорядка устроить дело так, чтобы должностным лицам невозможно было наживаться».

Аристотель

Оказывая негативное влияние на все сферы общественной и политической жизни, коррупция представляет собой высокую степень опасности для общества и государства. Так, коррупция в первую очередь способствует нарушению конституционных прав и свобод граждан, создает существенные преграды для создания равных условий ведения предпринимательской деятельности и развития здоровой конкурентной среды, что в свою очередь препятствует прогрессу в развитии соответствующих сфер.

Положительные достижения в борьбе с этим негативным явлением во многом зависят от своевременного выявления причин и условий, создающих возможности для развития коррупции. Соответственно борьба с коррупцией требует выработки и применения системных мер на многих уровнях (политический, информационный, экономический, правовой и др.). Учитывая способность выявлять и устранять коррупциогенные факторы на ранней стадии, одно из основных мест в

борьбе с коррупцией по праву принадлежит антикоррупционной экспертизе проектов нормативно-правовых актов.

Требования времени, проводимые широкоформатные реформы в стране, повседневно стремление к улучшению качества жизни населения, в обязательном порядке предполагают совершенствование законодательной базы и самого нормотворческого процесса. Смее утверждать о том, что фундаментальным началом в процессе социального и экономического развития государства являются подготавливаемые и принимаемые нормативно-правовые акты, которые безоговорочно должны иметь высокое качество, а уж тем более приниматься в формате, исключающем малейшую возможность для появления коррупционных проявлений.

Таким образом, проводимые в последние годы широкоформатные реформы в стране, существенно повлияли на количество принимаемых актов законодательства, что наглядным образом приведено в следующей диаграмме.

СРАВНИТЕЛЬНЫЙ ПОКАЗАТЕЛЬ ПРИНЯТЫХ НПА В 2013-2016 И 2017-2020 ГОДАХ



Как видно из приведенной выше диаграммы, за предыдущие 4 года было принято на 14 089 больше актов законодательства по сравнению с предшествующим аналогичным периодом. А если сравнивать данные 2021 года, то можно сделать вывод о том, что только за этот год принято почти одинаковое количество НПА в сравнении с двухлетним периодом 2015-2016 годов вместе взятых. Вместе с тем, следует учесть, что Национальная база данных законодательства Республики Узбекистан размещает на своем официальном веб-сайте не все принятые НПА, есть определенные категории, не подлежащие открытому доступу, а также некоторые НПА, не входящие в число таких, но по определенным причинам просто не размещенные для открытого доступа. Исходя из этого, можно с уверенностью сказать, что количество принятых нормативно-правовых актов превышает вышеприведенные показатели.¹

Считаем важным отметить, что несмотря на то, что антикоррупционная экспертиза в Республике Узбекистан к настоящему времени еще не стала самостоятельным институтом и проводится в рамках правовой экспертизы, Законом Республики Узбекистан «О противодействии коррупции» организация антикоррупционной экспертизы проектов нормативно-правовых актов выделена как одна из отдельных мер по предупреждению коррупции в сфере государственного управления. Кроме того, антикоррупционной экспертизе нормативно-правовых актов и их проектов посвящены отдельные статьи данного Закона, а также Закона «О нормативно-правовых актах» принятого в 2021 году.

Государственная политика Республики Узбекистан в области противодействия кор-

рупции осуществляется в соответствии с документами стратегического планирования, закрепляющими в том числе и систему мер по противодействию коррупции. Так, в соответствии с Законом Республики Узбекистан «О противодействии коррупции» государственная политика в области противодействия коррупции может осуществляться на основе государственных и иных программ. При этом, государственные и иные программы разрабатываются и реализуются в целях обеспечения эффективного исполнения положений настоящего Закона, принятия комплексных и системных мер по противодействию коррупции исходя из состояния и тенденций коррупции.²

В последующие годы было принято значительное количество документов стратегического планирования, предусматривающих, помимо прочего, совершенствование имеющихся и внедрение новых механизмов противодействия коррупции, в том числе закрепляющих нормы по развитию института антикоррупционной экспертизы.

Среди таких документов, имеющих системный и комплексный подход в соответствующих сферах, предлагается выделить следующие.

1. Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017 – 2021 годах, утвержденная Указом Президента Республики Узбекистан³, предусматривающая приоритетные направления обеспечения верховенства закона и дальнейшего реформирования судебно-правовой системы, которые включили в себя совершенствование организационно-правовых механизмов противодействия коррупции и повышение эффективности антикоррупционных мер. Именно этот документ стратегического значения лег в основу создания последующих нормативно-правовых актов, направленных на системный и комплексный подход в конкретных сферах;

2. Государственная программа по противодействию коррупции на 2017 – 2018 годы, утвержденная постановлением Президента Республики Узбекистан⁴. Данный документ включил в себя поручение, предусматриваю-

1 Исходя из приведенных данных Национальной базы данных законодательства Республики Узбекистан // <https://lex.uz/ru>. Дата обращения: 26.10.2021 г.

2 Статья 6 Закона Республики Узбекистан от 03.01.2017 г. № ЗРУ-419 «О противодействии коррупции» // <https://lex.uz/ru/docs/3088013>. Дата обращения: 26.10.2021 г.

3 Указ Президента Республики Узбекистан от 07.02.2017 г. № УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» // <https://lex.uz/ru/docs/3107042>. Дата обращения: 26.10.2021 г.

4 Постановление Президента Республики Узбекистан от 02.02.2017 г. № ПП-2752 «О мерах по реализации положений Закона Республики Узбекистан «О противодействии коррупции»» // <https://lex.uz/ru/docs/3105127>. Дата обращения: 26.10.2021 г.



щее подготовку предложений по дальнейшему совершенствованию правовых основ и повышению эффективности антикоррупционной экспертизы нормативно-правовых актов и их проектов.

3. Концепция совершенствования нормотворческой деятельности, утвержденная Указом Президента Республики Узбекистан⁵. Документ оказал огромное значение в формировании систематизированной законодательной базы, совершенствовании правового обеспечения осуществляемых реформ, а также последовательной реализации задач стратегического значения. Кроме того, этот документ по-своему дорог и автору данной научной работы, так как он был одним из двух непосредственных разработчиков Концепции и приложил не мало усилий и труда на стадии создания документа.

Несомненно, что антикоррупционная экспертиза проектов нормативно-правовых актов на сегодняшний день является неотъемлемой частью нормотворческой деятельности. В связи с этим, Концепцией было предусмотрено применение в нормотворчестве элементов модели «умное регулирование», путем внедрения эффективных способов и методологии проведения антикоррупционной экспертизы проектов нормативно-правовых актов с определением данной процедуры в качестве неотъемлемого элемента системы оценки воздействия актов законодательства. Также было предусмотрено совершенствование институциональных основ нормотворческой деятельности посредством совершенствования системы повышения квалификации работников государственных органов, осуществляющих различные виды экспертиз, в том числе и антикоррупционную, проектов нормативно-правовых актов, в целях обучения современным методам работы исходя из передового зарубежного опыта.

4. Государственная программа по противодействию коррупции на 2019–2020 годы, утвержденная Указом Президента Республики Узбекистан⁶. Данным документом помимо прочего предусматривалось внедрение практики размещения информации о результатах

антикоррупционной экспертизы проектов нормативно-правовых актов на портале официального веб-сайта тогда еще существовавшей Республиканской межведомственной комиссии по противодействию коррупции, которая в последующем была преобразована в Национальный совет Республики Узбекистан по противодействию коррупции. К сожалению, на практике встречаются поручения, выполнение которых не было обеспечено своевременно, либо они и вовсе остались не выполненными, и это несмотря на то, что они были даны высшим руководством Республики Узбекистан. Приходится констатировать факт того, что одним из таких случаев и стало поручение о необходимости внедрения в практику размещения информации о результатах антикоррупционной экспертизы проектов нормативно-правовых актов на портале официального веб-сайта соответствующего органа.

5. Существенным достижением в области противодействия коррупции, которое мы не можем оставить вне поля зрения нашей работы, явилось образование независимого антикоррупционного органа. Основными целями создания такого органа послужили необходимость в совершенствовании системы противодействия коррупции, выявления и устранения причин и условий совершения коррупционных правонарушений, повышения эффективности формирования и осуществления государственной политики, направленной на предупреждение и противодействие коррупции во всех сферах жизнедеятельности общества и государства, а также улучшение позиций Республики Узбекистан в международных рейтингах в сфере противодействия коррупции.

Важность и значимость данного события также подчеркивается совместно принятым постановлением Кенгаша Законодательной палаты Олий Мажлиса Республики Узбекистан и Кенгаша Сената Олий Мажлиса Республики Узбекистан⁷ о целесообразности образования антикоррупционного органа – Агентства по противодействию коррупции Республики Узбекистан и принятия соответствующих решений Президента Республики Узбекистан.

5 Указ Президента Республики Узбекистан от 08.08.2018 г. № УП–5505 «Об утверждении Концепции совершенствования нормотворческой деятельности» // <https://lex.uz/ru/docs/3858812>. Дата обращения: 26.10.2021 г.

6 Указ Президента Республики Узбекистан от 27.05.2019 г. № УП–5729 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы противодействия коррупции в Республике Узбекистан» // <https://lex.uz/ru/docs/4355399>. Дата обращения: 26.10.2021 г.

7 Совместное постановление Кенгаша Законодательной палаты Олий Мажлиса Республики Узбекистан и Кенгаша Сената Олий Мажлиса Республики Узбекистан от 12.06.2020 г. № 355-IV/ПК-77-IV «Об итогах обсуждения проектов решений Президента Республики Узбекистан касательно образования антикоррупционного органа» // <https://lex.uz/ru/docs/5154460>.

Логическим продолжением стало единовременное принятие Указа и постановления Президента Республики Узбекистан о совершенствовании системы противодействия коррупции и организации деятельности Агентства по противодействию коррупции Республики Узбекистан⁸. Одними из основных задач и направлений деятельности Агентства определены обеспечение эффективности антикоррупционной экспертизы проектов нормативно-правовых актов, анализ данной деятельности, а также внесение предложений по ее совершенствованию.

6. Государственная программа по противодействию коррупции на 2021–2022 годы, утвержденная Указом Президента Республики Узбекистан.⁹ Названным документом предусмотрено дальнейшее совершенствование порядка проведения антикоррупционной экспертизы актов законодательства и их проектов на основе принципа «Законодательство, свободное от коррупции», путем внесения в Кабинет Министров проекта, предусматривающего внедрение обновленного порядка проведения антикоррупционной экспертизы, включающего проведение научной и независимой экспертизы, а также повышение ответственности государственных органов и организаций, планы работ по проведению антикоррупционной экспертизы, а также меры по устранению выявленных коррупционных норм.

Все вышеперечисленные нормативно-правовые акты являются национальными документами стратегического значения, сферы воздействия которых имеют широкий спектр воздействия, в том числе направленный на совершенствование механизмов противодействия коррупции, одним из которых в свою очередь является антикоррупционная экспертиза проектов нормативно-правовых актов.

Благодаря последовательной реализации мероприятий, предусмотренных названными актами, институт антикоррупционной экспер-

тизы существенно укрепил свои позиции на уровне законодательных актов, в подтверждение чего можно обозначить следующее.

1. Если говорить о подготовке проектов Законов Республики Узбекистан, то на законодательном уровне возможность проведения антикоррупционной экспертизы была закреплена в статье 23 (Проведение экспертизы проекта закона) Закона Республики Узбекистан «О порядке подготовки проектов законов и их внесения в Законодательную палату Олий Мажлиса Республики Узбекистан». Полагается приемлемым отметить факт того, что данное закрепление в виде дополнения произошло лишь в 2018 году, тогда как сам закон был принят в 2006 году.

Согласно данной статье, после завершения работы над проектом закона для оценки его качества по решению субъекта права законодательной инициативы проект может быть подвергнут правовой, антикоррупционной и иным видам экспертиз. По результатам экспертизы проекта закона эксперты представляют соответствующее заключение¹⁰.

По мнению автора, а также исходя из действующего законодательства, удивительным является тот факт, что данная статья по своей сути содержит коррупциогенный фактор в виде использования формулировки «может быть подвергнут». Так, согласно обновленному Положению о порядке проведения антикоррупционной экспертизы нормативно-правовых актов и их проектов, утверждённому приказом министра юстиции Республики Узбекистан¹¹, применение подобной формулировки относится к необоснованной широте дискреционных полномочий, что в свою очередь является коррупциогенным фактором, связанными с полномочиями, правами и обязанностями.

Далее в статье 23 установлено, что в целях обеспечения беспристрастности и независимости, в качестве экспертов привлекаются организации и (или) лица, не принимавшие непо-

8 Указ Президента Республики Узбекистан от 29.06.2020 г. № УП–6013 «О дополнительных мерах по совершенствованию системы противодействия коррупции в Республике Узбекистан // <https://lex.uz/ru/docs/4875786> и постановление Президента Республики Узбекистан от 29.06.2020 г. № ПП–4761 «Об организации деятельности Агентства по противодействию коррупции Республики Узбекистан» // <https://lex.uz/ru/docs/4875795>. Дата обращения: 26.10.2021 г.

9 Указ Президента Республики Узбекистан от 06.07.2021 г. № УП–6257 «О мерах по созданию среды нетерпимого отношения к коррупции, кардинальному сокращению коррупционных факторов в государственном и общественном управлении, а также широкому вовлечению общественности в этот процесс» // <https://lex.uz/ru/docs/5495531>. Дата обращения: 26.10.2021 г.

10 Закон Республики Узбекистан от 11.10.2006 г. № ЗРУ-60 «О порядке подготовки проектов законов и их внесения в Законодательную палату Олий Мажлиса Республики Узбекистан» // <https://lex.uz/ru/docs/1069264>. Дата обращения: 26.10.2021 г.

11 Приказ министра юстиции Республики Узбекистан об утверждении Положения о порядке проведения антикоррупционной экспертизы нормативно-правовых актов и их проектов от 24.02.2021 г. № 2-мх (Зарегистрирован Министерством юстиции Республики Узбекистан 24.02.2021 г. Рег. № 3287) // <https://lex.uz/ru/docs/5306924>. Дата обращения: 26.10.2021 г.



средственного участия в подготовке проекта закона. Вместе с тем, закреплено, что для проведения экспертизы могут быть привлечены ученые и специалисты, в том числе из других государств и международных организаций.

Следует подчеркнуть, что предложения и замечания, высказанные в ходе обсуждения проекта закона или изложенные в заключениях экспертов, носят рекомендательный характер, что в свою очередь представляется несоответствующим требованиям современности и создает предпосылки для дальнейшего совершенствования данного порядка.

В связи с обусловленностью данных обстоятельств, автором, в качестве предложений по совершенствованию механизмов проведения антикоррупционной экспертизы проектов нормативно-правовых актов, предлагается определить обязательный, а не рекомендательный характер в отношении рассмотрения всесторонне обоснованных заключений экспертов, а также исключить применение формулировки «может быть».

2. Если говорить о проведении антикоррупционной экспертизы проектов нормативно-правовых актов всех видов, будь то проект Закона или акта Президента, или постановления Правительства, то в данном случае необходимо обратиться к Закону Республики Узбекистан «О нормативно-правовых актах», принятого в 2021 году в новой редакции, причем уже второй раз за свою историю. Первый раз данный Закон был обновлен в 2012 году относительно принятого в 2000 году.

Автором предлагается отметить, что в Законе «О нормативно-правовых актах» от 2000 года об антикоррупционной экспертизе ничего не упоминалось, чего нельзя сказать о его последующей версии 2012 года. Но в данном случае следует учесть, что Закон 2012 года был дополнен в части возможности проведения антикоррупционной экспертизы лишь в 2018 году, аналогично Закону «О порядке подготовки проектов законов и их внесения в Законодательную палату Олий Мажлиса Республики Узбекистан».

Нынешний Закон «О нормативно-правовых актах», принятый в текущем году, существенным образом закрепил на законодательном

уровне институт антикоррупционной экспертизы. В частности, согласно статье 25, проект нормативно-правового акта подлежит обязательной правовой и антикоррупционной экспертизам.

Еще более важным для нас полагается то, что появилась отдельная статья, посвященная антикоррупционной экспертизе.

Так, статья 29 названного Закона закрепляет, что антикоррупционная экспертиза проектов нормативно-правовых актов проводится в целях общей оценки последствий их принятия, создающих возможность для коррупционных проявлений, прогнозирования возможности возникновения рисков коррупционного характера в процессе применения нормативно-правовых актов. По итогам экспертизы разрабатываются рекомендации и принимаются меры, направленные на устранение выявленных коррупциогенных факторов¹².

3. Следующим предлагается отметить Закон, имеющий фундаментальное значение в регулировании отношений в области противодействия коррупции – Закон Республики Узбекистан «О противодействии коррупции».

Именно данный Закон первым, а именно в 2017 году, существенно укрепил на уровне законодательного акта позиции института антикоррупционной экспертизы проектов нормативно-правовых актов. Согласно статье 24 указанного Закона, антикоррупционная экспертиза проектов нормативно-правовых актов представляет собой процесс, направленный на:

выявление коррупциогенных факторов, создающих возможность совершения коррупционных правонарушений;

общую оценку последствий принятия проекта, создающих возможность совершения коррупционных правонарушений;

прогнозирование возможности возникновения рисков коррупционного характера в процессе применения нормативно-правовых актов.¹³

Законодательство Республики Узбекистан в области проведения антикоррупционной экспертизы проектов нормативно-правовых актов включает в себя и другие документы, регулирующие соответствующие направления локального характера, среди которых предлагается выделить следующие:

12 Закон Республики Узбекистан от 20.04.2021 г. № ЗРУ-682 «О нормативно-правовых актах» // <https://lex.uz/ru/docs/5378968>. Дата обращения: 26.10.2021 г.

13 Закон Республики Узбекистан от 03.01.2017 г. № ЗРУ-419 «О противодействии коррупции» // <https://lex.uz/ru/docs/3088013>. Дата обращения: 26.10.2021 г.

– постановление Президента Республики Узбекистан «О мерах по коренному совершенствованию деятельности юридической службы», которым установлено, что юридические службы государственных органов и организаций организуют осуществление на систематической основе антикоррупционной экспертизы проектов нормативно-правовых актов по соответствующей сфере деятельности государственных органов и организаций¹⁴;

– Положение о Министерстве юстиции Республики Узбекистан, утверждённое постановлением Президента Республики Узбекистан, в соответствии с которым министерство в соответствии с возложенными на него задачами выявляет нормы, приводящие к коррупции проектах нормативно-правовых актов, принимает меры по их устранению, а также определяет порядок проведения антикоррупционной экспертизы нормативно-правовых актов и их проектов¹⁵;

– Концепция развития органов и учреждений юстиции в 2020–2024 годах, утвержденная Указом Президента Республики Узбекистан, предусматривающая помимо прочего создание и совершенствование институциональных, научных и методических основ проведения антикоррупционной экспертизы проектов нормативно-правовых актов¹⁶;

– Правила подготовки и принятия ведомственных нормативно-правовых актов, предусматривающие требование к заключению юридических служб министерств и ведомств, в котором в свою очередь должны быть отражены сведения о проведении антикоррупционной экспертизы проекта ведомственного норма-

тивно-правового акта и его результатах. Кроме того, по результатам антикоррупционной экспертизы проектов ведомственных нормативно-правовых актов заполняется чеклист по выявлению коррупциогенных факторов¹⁷.

Подытожив предлагается затронуть документ, определяющий порядок проведения антикоррупционной экспертизы нормативно-правовых актов и их проектов – Положение о порядке проведения антикоррупционной экспертизы нормативно-правовых актов и их проектов. Следует отметить, что данный документ существенным образом преобразовался в 2021 году путем принятия его в новой редакции.

В частности, данным документом определены:

основная цель осуществления антикоррупционной экспертизы;

основные принципы проведения антикоррупционной экспертизы;

основные источники информации для проведения экспертизы;

схема проведения антикоррупционной экспертизы;

приводится перечень коррупциогенных факторов, а также методика и чеклист по их выявлению.

Как видно из данного материала, законодательство в рассматриваемой области состоит из немалого количества документов, что в свою очередь предпалагает необходимость унификации и четкого определения задач. В связи с этим, автором предлагается разработка Закона «Об антикоррупционной экспертизе» который бы охватил все аспекты и механизмы регулирования.

#

14 Постановление Президента Республики Узбекистан от 19.01.2017 г. № ПП–2733 «О мерах по коренному совершенствованию деятельности юридической службы» // <https://lex.uz/ru/docs/3098961>. Дата обращения: 26.10.2021 г.

15 Постановление Президента Республики Узбекистан от 13.04.2018 г. № ПП–3666 «Об организационных мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Министерства юстиции Республики Узбекистан» // <https://lex.uz/ru/docs/3681788>. Дата обращения: 26.10.2021 г.

16 Указ Президента Республики Узбекистан от 19.05.2020 г. № УП–5997 «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности органов и учреждений юстиции в реализации государственной правовой политики» // <https://lex.uz/ru/docs/4820075>. Дата обращения: 26.10.2021 г.

17 Приказ министра юстиции Республики Узбекистан «Об утверждении Правил подготовки и принятия ведомственных нормативно-правовых актов» от 28.02.2014 г. № 53-мх (Зарегистрирован Министерством юстиции Республики Узбекистан 28.02.2014 г. Рег. № 2565)



ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТАРМОҚЛАРИДА МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ МУҲОФАЗАСИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

АННОТАЦИЯ. Мазкур мақолада муаллифлик ҳуқуқи объектларидан телекоммуникация тармоқларида фойдаланишда уни муҳофазасини таъминлаш масалалари ҳақида сўз боради. Шунингдек, мақолада бу йўналишдаги жаҳон тажрибаси, БИМТнинг “интернет шартномалари” ўрни, интернет тармоғида муаллифлик ҳуқуқи ҳимоясининг техник воситалари ҳамда Ўзбекистон қонунчилиги нормалари ва амалиёти ҳақида баён этилган.

АННОТАЦИЯ. В статье рассматриваются вопросы обеспечения защиты авторских прав при использовании их в телекоммуникационных сетях. Также, в статье описывается мировой опыт в данной сфере, в частности, роль «интернет-договоров» ВОИС, технических средств защиты авторских прав в Интернете, а также законодательные акты и правоприменительная практика Узбекистана.

ABSTRACT. The article deals with the issues of ensuring copyright protection when using them in telecommunications networks. The article also describes the world experience in this area, in particular, the role of WIPO's «Internet contracts», technical means of copyright protection on the Internet, as well as legislative acts and law enforcement practice of Uzbekistan.

Калит сўзлар: муаллифлик ҳуқуқи, телекоммуникация тармоғи, интернет, техник восита, БИМТ, халқаро шартнома, ҳуқуқий ҳимоя, мутлақ ҳуқуқ.

Ключевые слова: авторский права, телекоммуникационная сеть, интернет, техническая средства, ВОИС, международный договор, правовой защита, эксклюзивный права.

Keywords: copyright, telecommunication network, internet, technical resources, WIPO, international treaty, legal protection, exclusive rights.

Бугунги кунда инсоннинг ахборот ва маълумот олишга бўлган эҳтиёжи ҳар қачонгидан ҳам юқори даражага чиққан. Айниқса, телекоммуникация тармоқларининг кенг ривожланиши натижасида бу билан боғлиқ жараёнлар янада муҳим аҳамият касб этмоқда. Маълумки, муаллифлик ҳуқуқи объектларидан фойдаланишни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш муҳим аҳамиятга эга. Назария ва амалиётга кўра асарлардан фойдаланиш ҳамда уларни фуқаролик муомаласига бошқача тарзда киритиш бўйича назоратнинг ҳуқуқий механизмлари сифатида шартнома асосида бошқариш ва асарларни ҳимоялашнинг техник усулини киритиш мумкин. Интернет тармоғининг кенг тараққий этиши натижасида муаллифлик ҳуқуқи объектларидан рухсатсиз тарзда фойдаланиш ҳолати кескин равишда ошиб кетганлиги барчага аён. Агарда биз интернетни бугунги кунда инсон ҳаётини енгиллаштиришга қаратилган восита деб билган ҳолда уни бир қатор салбий жиҳатларини ҳам эслаб ўтсак-да, бироқ айнан ундан энг кўп “зарар” муаллифлик ҳуқуқи (**адабиёт ва ноширлик, musiқа ва театр, кино, радио, телевидение, фотография асарлари, ЭҲМ ва маълумотлар базалари, визуал ва график ишлар, реклама хизматлари**) йўналишида эканлигини кўришимиз мумкин. Маълумки, барча турдаги телекоммуникация тармоқларининг асосий вазифаси ахборотни етказиб беришда ифодаланиб, бунда асосий ўринни албатта интернет тар-

моғи эгаллайди. У.В.Зининага кўра, интернет тармоғидаги интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш муаммоси қуйидаги сабабларга кўра мураккаб ҳисобланади:

1. Ҳуқуқбузарликлар нафақат интернетда, балки, хусусан, мобил ва радио телефон тармоқларини ўз ичига олган бошқа ахборот ва телекоммуникация тармоқларида ҳам содир бўлади.

2. Интернет тармоқларидан фойдаланган ҳолда қуйидаги турли хил ҳуқуқбузарликлар содир этилади:

- плагиат;
- интеллектуал мулк ҳуқуқлари объектларининг ноқонуний савдоси;
- онлайн-дўконлар орқали контрафакт маҳсулотлар билан савдо қилиш.

3. Ҳуқуқбузарликлар объекти сифатида интеллектуал мулкнинг турли объектлари ҳисобланиши мумкин.

4. Ҳуқуқбузарликлар трансмиллий характерга эга ҳисобланади.

5. Кўриб чиқиладиган ҳуқуқбузарликлар кўпинча қуйидаги бошқа хавфли ҳаракатларни юзага келтиради:

- зарарли (хавфли вирусли) дастурларнинг тарқалиши;
- шахсий маълумотларни қайта ишлаш қоидаларини бузиш;
- спам дастурлар ва файлларнинг тарқалиши ва

бошқалар¹.

Ҳимоянинг техник воситалари – бу дастурий қурилмалар ёрдамида электрон ҳужжатлардан фойдаланиш ва фойдаланишни назорат қилиш учун мўлжалланган. Кўпинча ҳимоянинг техник воситалари нусха кўчиришнинг олдини олиш ёки чеклаш учун ишлатилади. Ҳимоянинг техник воситалари турли йўллар билан амалга оширилиши мумкин. DVD дискларнинг такрорловчи мосламага ҳудудий кодланмаган дунёнинг бошқа ҳудудида ишлаб чиқарилган дискларни ишламаслиги ёки лицензияли контентдан юклаб олинган мусиқани учинчи қурилмага ёзиб олинмаслиги бунга мисол бўлади. Кўпинча “ҳимоянинг техник воситалари” атамаси ўрнига “электрон ҳужжатларга нисбатан ҳуқуқларни бошқариш” тушунчаси қўлланади².

Муаллифлик ҳуқуқи объектларини техник воситалар орқали ҳимоя қилиш ҳозирги кунда ҳар доимгидан кўра муҳим аҳамият касб этади. Зеро, экспертларнинг таҳлилига кўра, 2022 йилга келиб, рақамли муҳитдаги “қароқчилик” натижасида етказиладиган зарар миқдори 856 млрд АҚШ долларига етиши кутилмоқда³. Шуни таъкидлаш лозимки, 1996 йилда Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (БИМТ) ҳамда ташкилотга аъзо бўлган давлатлар томонидан муаллиф ва ҳуқуқ эгаларининг асарларини рақамли муҳитда ҳимоясини таъминлаш мақсадида 1996 йил 20 декабрда “Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг муаллифлик ҳуқуқи бўйича шартномаси” ҳамда “Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг ижролар ва фонограммалар бўйича шартномаси” қабул қилинди⁴. Маълумот ўрнида қайд этиш лозимки, Ўзбекистон 2019 йил 16 февраль санасида юқоридаги иккита халқаро шартномага қўшилган⁵. “БИМТнинг муаллифлик ҳуқуқи бўйича шартномаси”нинг 11-моддасига кўра, аҳдлашувчи томонлар мазкур шартнома ёки Берн конвенцияси бўйича ўз ҳуқуқларини амалга ошириш муносабати билан муаллифлар фойдаланадиган мавжуд техник восита-

ларни четлаб ўтишдан ва ўз ижодига рухсат бермаган ҳаракатларни чеклашга қаратилган тегишли ҳуқуқий ҳимоя ва самарали воситаларни таъминлайдилар⁶. Айнан ушбу мазмундаги норма турдош ҳуқуқ субъектлари бўлган ижрочилар ва фонограмма тайёрловчиларга нисбатан қўлланилиши бўйича “Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг ижролар ва фонограммалар бўйича шартномаси”нинг 18-моддасидан ўрин олган⁷.

Аҳамиятли жиҳати, Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги қонуни 63-моддасида ижодий асарларни ҳимоя қилувчи техник воситалар ҳақида сўз юритилган. Хусусан, “асарлардан ёки турдош ҳуқуқлар объектларидан фойдаланишни назорат қилувчи, муаллиф, турдош ҳуқуқлар эгаси ёхуд асарларга ёки турдош ҳуқуқлар объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқларнинг бошқа эгаси томонидан рухсат этилмаган ҳаракатлар амалга оширилишининг олдини олувчи ёки уларни чекловчи ҳар қандай техник қурилмалар ёхуд уларнинг таркибий қисмлари муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни ҳимоя қилувчи техника воситалари деб эътироф этилади”⁸. Айнан ушбу нормани Россия Федерациясининг муаллифлик ҳуқуқига доир асосий қонунининг 48¹-моддасида ҳам кўришимиз мумкин⁹. Шуни таъкидлаш керакки, техник воситалардан четлаб ўтишга ҳаракат қилишни чеклашга қаратилган қоидалар БИМТнинг юқоридаги “интернет шартномалари”ни имзолаган давлатлар миллий қонунчилигидан ўрин олган. АҚШ ушбу қоидани биринчи бўлиб, ўз қонунчилигига киритган бўлиб, 1998 йилдаги муаллифлик ҳуқуқи қонунидан, 2001 йилда эса муаллифлик ҳуқуқи бўйича Европа иттифоқи директивасидан ўрин олган¹⁰. АҚШда мазкур чекловни бузган шахслар фуқаролик ва жиноий жавобгарликка тортилиши белгиланган. Юқоридаги икки халқаро ҳужжатнинг “интернет шартнома” деб юритилишига асосий сабаб, айнан ушбу тармоқнинг кенг тараққий этиши ва ижтимоий ҳа-

1 <https://iq.hse.ru/more/media/zashita-prav-intellektualnoj-sobstvennosti>

2 www.drm.info

3 Отчет «Экономические последствия от распространения контрафактной и пиратской продукции», подготовленный исследовательской фирмой Frontier Economics по заказу Бизнес-инициативы по борьбе с пиратством и контрафактной продукцией (BASCAP) Международной торговой палаты (ICC) и Международной ассоциации по товарным знакам (INTA) http://www.inta.org/Communications/Documents/2017_Frontier_Report.pdf

4 <https://www.wipo.int/treaties/en/>

5 Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.02.2019 й., 03/19/520/2626-сон; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.02.2019 й., 03/19/519/2625-сон.

6 <https://docs.cntd.ru/document/901817956>

7 <https://wipolex.wipo.int/en/text/295480>

8 Ўзбекистон Республикаси “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Қонуни (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон, 21.08.2021 й., 03/21/709/0808-сон).

9 http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_2238/7ab3351a6763020eaca4d370cca514d2cdf30f69/

10 EU copyright Directive Arts 6 and 7.



ётнинг барча жабҳаларига кириб бориши билан боғлиқдир. Шу нуқтаи назардан ҳам ХХ асрнинг 90-йилларига келиб, муаллифлик ҳуқуқини нафақат бошқа телекоммуникация тармоқларида, балки интернетда ҳам муҳофаза қилиш зарурияти пайдо бўлди. Шу ўринда телекоммуникация тармоқлари сирасига қайси алоқа-ахборот технологиялари киришини таъкидлаш жоиз. Телекоммуникация тармоқлари сирасига қуйидагилар киради:

- компьютер тармоқлари;
- телефон тармоқлари;
- радио тармоқлар;
- телевизион тармоқлар.

Юқоридаги халқаро “интернет шартномалар”нинг қабул қилиниши муаллиф ва ҳуқуқ эгаларига муҳим бўлган ҳимоя воситалари бериш орқали уларнинг мутлақ ҳуқуқлари мустаҳкамланишига эришилди. Ушбу қоидадан фойдаланган ҳолда муаллифлар ўзларининг асарларига нисбатан турли даражадаги ҳимоянинг техник усулларини қўллаш бошлашди. Интеллектуал мулкда, хусусан муаллифлик ҳуқуқида доимий иккита қарама-қарши фикр мавжуд бўлиб, улардан бири интеллектуал мулкда мутлақ ҳуқуқдан тўлақонли фойдаланиш тарафдори бўлса, иккинчи тоифа эса интеллектуал мулк жамият томонидан фойдаланиш учун очиқ бўлишлиги керак деган фикрни илгари суришади. Шунингдек, иккинчи тоифа вакилларининг фикрига кўра, ҳимоянинг техник воситалари тижорий нусха кўчириш учун кучсиз бўлиб, аксинча илмий-тадқиқот ёки шахсий мақсадида фойдаланиш учун эса қаттиқ чекловларни қўйган. Ушбу фикр тарафдорлари кўриш имконияти чекланган шахслар учун бу чекловлар жиддий қийинчиликларни келтириб чиқаришини, бу орқали эса уларнинг илм олишга, маданият ва санъат ютуқларидан фойдалана олмаслигини келтириб чиқаришини таъкидлашади. Бироқ қайд этиш лозимки, БИМТ томонидан айтилган шу мақсадда 2013 йил 27 июнда “Кўзи ожиз, кўришда нуқсонли бўлган ва босма ахборотни идрок этишда бошқа жиҳатдан қобилияти чекланган шахсларнинг нашр этилган асарлардан фойдаланишини энгиллаштириш тўғрисидаги Мароккаш шартномаси” қабул қилинган¹¹.

Телекоммуникация тармоқларида нафақат муаллифлик ҳуқуқини таъминлаш, балки ушбу соҳани ривожлантириш, давлат хизматларини кўрсатишда ушбу тармоқлардан кенг фойдаланиш, ундаги ахборот хавфсизлигини таъминлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Хусусан, сўнгги йилларда Ўзбекистонда ҳам ахборот хавфсизлигини таъминлаш, замонавий телекоммуникация тармоқларини ижтимоий ҳаётга кенг тарғиб этиш борасида зарур бўлган амалий

ишлар қилинмоқда. Масалан, ахборот соҳасида ягона давлат сиёсати рўёбга чиқарилишининг самарадорлигини ошириш, телекоммуникация, ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш соҳасидаги назорат тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 ноябрдаги “Ахборот технологиялари ва коммуникацияларининг жорий этилишини назорат қилиш, уларни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4024-сон қарори билан Ўзбекистон Республикаси Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси ташкил этилди¹².

Мазкур қарор билан Инспекциянинг асосий вазифаларига қаторига илк маротаба фонограммалар, аудиовизуал асарлар, ЭҲМ учун дастурларни тарқатишда муаллифлик ҳуқуқларига риоя этилиши бўйича ваколатлар (ўрганиш, мониторинг қилиш, текшириш, хулосалар тайёрлаш) ҳамда интернет тармоғида муаллифлик ҳуқуқи объектлари ноқонуний тарқалишини (барчанинг эътиборига етказилишини) бартараф этиш чораларини кўриш киритилди. Ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 сентябрдаги ПҚ–4452-сон қарори билан юқоридаги инспекция фаолият қайтадан ташкил этилди. Ўзкомназоратга қўшимча вазифа сифатида ахборот тизимлари ва ресурсларини яратиш ҳамда хавфсиз маълумот алмашишни таъминлаш белгиланди. Шу ўринда хавфсизлик атамасини нафақат техник нуқтаи назаридан, балки муаллифлик ҳуқуқи йўналиши жиҳатидан ҳам тушуниш мақсадга мувофиқ бўлади. Ўзкомназоратга ўзига юклатилган вазифаларни бажаришда ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш ваколатини бериш лозим. Зеро, бугунги кунда интернет тармоғида интеллектуал мулк, хусусан муаллифлик ҳуқуқи объектларидан рухсатсиз тарзда фойдаланиш жуда ҳам кўп. Агарда илгари Интеллектуал мулк агентлиги ва Ўзкомназорат томонидан аудиовизуал асарларни, фонограммаларни ва ЭҲМ учун яратилган дастурларни такрорлаш фаолияти ҳамда фонограммаларни тайёрлаш фаолияти юзасидан тегишли ваколатлари (лицензия, ўрганиш, мониторинг ўтказиш) мавжуд бўлган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 августдаги “Лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–6044-сон фармони билан юқоридаги 2 та фаолият учун 2021 йил 1 январдан бошлаб лицензия бериш тартиби бекор қилинган. Бу эса ўз-ўзидан муаллифлик ҳуқуқи йўналишида бугунги кунда ҳуқуқбузарликларнинг ошишига олиб келиши мумкин. Масалан, 2019 йилда Россия

11 <https://www.wipo.int/treaties/en/ip/marrakesh/>

12 Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.06.2021 й., 06/21/6252/0617-сон

Федерациясида суднинг қарори билан интеллектуал мулк ҳуқуқларини бузганлик учун 878 та сайт фаолияти тўхтатилган¹³.

Ҳозирги кунда, айниқса "Covid-19" пандемияси шароитида ахборот узатувчи тармоқлардан фойдаланиш доираси жуда ҳам кенгайиб бормоқда. Бу йўналишда албатта хавфсизлик ва ҳимоя нуқтаи назаридан тегишли чора-тадбирларни кўриш талаб этилади. Ҳуқуқни ҳимоя қилиш унинг муҳофаза қилиниши ва таъминланишининг энг муҳим омилларидан бирidir. Амалиётга кўра, ҳар қандай ҳуқуқ ҳимоя қилиш механизми билан мустаҳкамланган бўлсагина, уни амалга ошириш мумкин¹⁴.

Телекоммуникация тармоқларида муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилишни янада такомиллаштириш бўйича ишларни халқаро стандартлар асосида юртишни амалга ошириш учун қуйидаги йўналишлар бўйича ислохотларни амалга ошириш лозим:

– муаллифлик ҳуқуқидаги шартномавий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш;

– муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни

жамоавий бошқариш институтини такомиллаштириш;

– муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларнинг янги объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилишнинг янги тартибларини жорий этиш;

– муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш;

– халқаро шартномалар бўйича мажбуриятларни бажариш юзасидан чора-тадбирлар дастурини яратиш.

Юқоридаги таклифлар бўйича ишларнинг тўғри ва тизимли тарзда йўлга қўйилиши, ўйлаймизки муаллифлик ҳуқуқи ҳимоясини таъминлашга бу орқали эса ижодкорлар меҳнати учун тегишли ҳақларни тўланишига ҳамда мамлакатимизда маданият ва санъатнинг ривожланишига олиб келади. Шу билан бирга, телекоммуникация тармоғида муаллифлик ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш бўйича илғор хорижий тажрибани ўрганиш ҳамда Ўзбекистонда ушбу йўналишдаги тадқиқот ишлари ҳамда қонунчиликни такомиллаштириш бўйича ишларни жадаллаштириш зарур аҳамият касб этади.

#

13 <http://www.eurasiancommission.org/ru/act/finpol/dobd/intelsobs/Documents/pdf>

14 А.Юлдашов. "Муаллифлик ҳуқуқини халқаро доирада муҳофаза қилишнинг муҳим жиҳатлари ва шартномавий-ҳуқуқий базани ривожлантириш". Юридик фанлар ахборотномаси – Вестник юридических наук – Review of law sciences. Махсус сон. 2020 й. 231-б.



Дилфуза АБДУЛЛАЕВА,
ТДЮУ Ихтисослаштирилган филиали
кафедра доценти в.б., ю.ф.ф.д. (PhD)

МЕҲНАТ ҚОНУНЧИЛИГИДА ТЎЛИҚСИЗ ИШ ВАҚТИ ВА УНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

АННОТАЦИЯ. Мақола меҳнат қонунчилигида тўлиқсиз иш вақтини ҳуқуқий тартибга солиниши масалаларини тадқиқ қилишга қаратилган бўлиб, иш вақтининг давомийлиги, тўлиқсиз иш вақтини бошқа хорижий мамлакатлар қонунчилигида тартибга солиш жиҳатлари ўрганилган. Шунингдек, бошқа турдаги иш вақтларидан тўлиқсиз иш вақтининг ўзига хос хусусияти ва уни белгилаш тартиби таҳлил қилинган.

АННОТАЦИЯ. В статье рассматриваются вопросы правового регулирования неполного рабочего времени в трудовом законодательстве, продолжительности рабочего времени, изучены аспекты регулирования неполного рабочего времени в законодательстве других зарубежных стран. Также анализируются особенности неполного рабочего времени от других видов рабочего времени и порядок его обозначения.

ABSTRACT. The article deals with the issues of legal regulation of part-time work in labor legislation, working hours, studied aspects of regulation of part-time work in the legislation of other foreign countries. The features of part-time work from other types of working time and the order of its designation are also analyzed.

Калит сўзлар: меҳнат қонунчилиги, меҳнат муносабатлари, ходимлар, иш вақти, иш ҳафтаси, иш вақтининг давомийлиги, тўлиқсиз иш вақти, тўлиқсиз иш ҳафтаси, иш ҳафтаси режими.

Ключевые слова: трудовое право, трудовые отношения, работники, категории рабочего времени, рабочая неделя, продолжительность рабочего времени, неполное рабочее время, неполные рабочие недели, режим рабочей недели.

Keywords: labor law, labor relations, employees, categories of working time, working week, duration of working time, part-time, part-time working weeks, working week mode.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 119-моддасига асосан тўлиқсиз иш вақти ўз ичига тўлиқсиз иш куни ёки тўлиқсиз иш ҳафтасини қамраб олади.

Ходимга белгиланган иш режими бир вақтнинг ўзида иш кунининг муддатини ёки ҳафтадаги иш кунларининг сонини камайтиришни назарда тутса, бундай ходимга тўлиқсиз иш вақти белгиланган ҳисобланади. Бунда барча ҳолларда муайян давр учун иш вақти нормалари камайдими, яъни ходим ушбу корхонада иш графиги ёки ички тартиб-қоидалар билан белгиланган иш вақтига нисбатан камроқ ишлайди.¹ Масалан, корхонада кунлик саккиз соат иш вақти белгиланган бўлса, ходим саккиз соат ўрнига тўлиқсиз 7, 6, 5 соат ишлайди ёки корхонада беш кунлик иш ҳафтаси белгиланган бўлса, ходим бунда фақатгина 4 кун ёки 3 кун ишласа бундай ходимга тўлиқсиз иш вақти белгиланган ҳисобланади.

Тўлиқсиз иш вақти қисқартирилган ва нормал иш вақтидан фарқ қилувчи иш вақтининг алоҳида тури бўлиб, бундай иш вақтини ҳуқуқий тартибга солиш илмий тадқиқотларнинг объекти бўлган.

Олим А.М.Куреннойнинг фикрига кўра, тўлиқсиз

иш вақти нормал ёки қисқартирилган иш вақтининг бир қисми бўлиб, иш вақти муддатининг таркиби ҳисобланади.² Олимлар М.Т.Тургунов, О.А.Камалов, А.Х.Дусмановлар эса тўлиқсиз иш вақтига нормал ёки қисқартирилган иш вақтининг бир қисми сифатида қарайдилар.³

Аммо фикримизча, тўлиқсиз иш вақтининг тўлиқ таърифи М.Ю.Гасанов томонидан берилган бўлиб, унга кўра тўлиқсиз иш вақти – бу нормал ёки қисқартирилган иш вақтининг бир қисми (иш куни, ҳафта) бўлиб, унинг муддати ходим ва иш берувчи ўртасидаги келишув бўйича белгиланади ва ишланган вақтга ёки ишлаб чиқарилган маҳсулотга мутаносиб равишда тўлов амалга оширилади.⁴

Ушбу ҳолат тўлиқсиз иш вақтини белгилаш тартиби ва бундай иш вақтида ишлаган ходимларга тўловни амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари каби фарқли жиҳатларни кўрсатиб беради.

Иш вақтининг нормал ёки қисқартирилган турларида ишлаган ходимлар учун ойлик иш ҳақлари тўлиқ миқдорда тўланса, тўлиқсиз иш вақтида банд бўлганларнинг ойлик иш ҳақлари ишланган вақт ёки бажарилган ишга мутаносиб равишда тўланади.

1 Гасанов М.Ю. Трудовое право Республики Узбекистан. Общая часть. – Т.: «Lesson Press», 2016. – С.71.

2 Трудовое право России. 3 – е издание. Под редакцией доктора юридических наук А.М. Куренного. Коллектив авторов, 2015. –М.: «Проспект», 2015. – С. 306

3 Трудовое право: Курс лекций. – Т.: Академия МВД Республики Узбекистан, 2009. – С. 92.

4 Гасанов М.Ю., Сарымсакова Г.К. Правовое регулирование рабочего времени и времени отдыха: учебное пособие. – Т.: ИПТД 000 «Фуқаролик жамияти», 2017. – С. 48.

Миллий қонунчилигимизда тўлиқсиз иш вақти деб ҳисобланиши учун иш вақти муддатини қанча соат ёки неча кунга қисқартирилиши лозимлиги белгиланмаган. Шунинг учун, унинг муддати қанчага қисқарганлигидан қатъи назар, бундай иш барча ҳолатларда тўлиқсиз деб ҳисобланади. Шу билан бирга, тўлиқсиз иш куни деганда, ходим ҳафтада белгиланган иш кунларини тўлиқ ишлаши, аммо унинг кунлик иш вақти камайтирилганлиги тушунилади. Тўлиқсиз иш ҳафтасида ходим иш кунининг муддати сақланиб қолиниб иш кунлари сони камаяди.

Бундан ташқари, ходимга комбинацияланган тўлиқсиз иш вақти ҳам белгиланиши мумкин бўлиб, унга кўра бундай ходимга бир вақтнинг ўзида иш куни ва иш ҳафтаси қисқартирилади. Шунинг учун ходим корхонада белгиланган ички тартиб-қоидада ёки иш графигида белгиланганлигига қараганда камроқ соат ва камроқ иш кунлари ишлайди. Масалан, ҳар куни беш соат ва ҳафтасига тўрт кун.

Тўлиқсиз иш вақтининг муҳим хусусияти шундаки, бундай иш вақти тарафларнинг келишувига биноан меҳнат шартномасида белгиланади. Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 119-моддасига кўра, ходим ва иш берувчи ўртасидаги келишувга мувофиқ ишга қабул қилиш чоғида ҳам, кейинчалик ҳам тўлиқсиз иш вақти белгиланиши мумкин.⁵ Бироқ, қонун ҳужжатларида бевосита назарда тутилган айрим ҳолларда ходимнинг илтимосига биноан тўлиқсиз иш вақтини белгилаш иш берувчининг мажбурияти ҳисобланади. Масалан, бундай мажбурият Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 220-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган ТМЭКнинг ногиронлиги бўлган шахсларга тўлиқсиз иш вақти режими ўрнатиш, уларнинг вазифасини камайтириш ва меҳнатнинг бошқа шартлари ҳақидаги тавсияларини бажариш иш берувчи учун мажбурийдир. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 229-моддасига асосан ҳомиладор аёлнинг, ўн тўрт ёшга тўлмаган боласи (ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи) бор аёлнинг, шу жумладан ҳомийлигида шундай боласи бор аёлнинг ёки оиланинг бетоб аъзосини парвариш қилиш билан банд бўлган шахсининг илтимосига кўра, иш берувчи тиббий хулосага мувофиқ уларга тўлиқсиз иш куни ёки тўлиқсиз иш ҳафтаси белгилашга мажбурдир.

Шунингдек, қонунчиликда ходимни фақатгина тўлиқсиз иш вақти асосида ишга қабул қилиш ҳо-

латлари назарда тутилган. Бундан ташқари, унинг муддати ушбу тоифадаги ходимлар учун қонун ҳужжатларида белгиланган иш вақтининг ярмидан ошмаслиги керак. Масалан, бундай шароитларда ўриндошлар, шунингдек, ўқув йили давомида бўш вақтларида ишлаётган олий ўқув юртларида таҳсил олаётган талабалар ишга қабул қилиниши керак.

Шуни таъкидлаш керакки, иш берувчи ходимнинг илтимосига биноан жамоа келишувлари, жамоа шартномалари ёки ходим билан тузилган меҳнат шартномасида ходимни тўлиқсиз иш вақти режимида ўтказиш ҳақидаги аниқ ҳолатлар (қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолатлардан ташқари) белгиланиши ва бундай ҳолатлар иш берувчи ходимга тўлиқсиз иш вақтини белгилашга мажбур.⁶

Ходимга тўлиқсиз иш вақти белгиланганда унинг муддати ходим учун кўзланган мақсадларни таъминлаши лозим (болани ёки касал оила аъзосини парвариш қилиш, ногиронлар соғлиғини муҳофаза қилиш ва ҳ.к.). Тўлиқсиз иш вақти қисқартирилган иш вақтидан маълум ўхшашликлар ва фарқларга эга. Ушбу турдаги иш вақтлари учун умумий бўлган нарса, иш вақтининг муддати қонун ҳужжатларида белгиланган иш вақтининг нормал муддатидан камроқ бўлади.

Бошқа турдаги иш вақтларидан тўлиқсиз иш вақтининг ўзига хос хусусияти уни белгилаш тартиби билан боғлиқдир. Шундай қилиб, ходимларнинг бир қатор тоифалари учун иш вақтининг қисқартирилган муддатини белгилаш асосан қонун ҳужжатларида назарда тутилган бўлиб, иш берувчи уни (шу жумладан, ходимнинг розилиги билан) иш вақтининг нормал муддати доирасигача оширишга ҳақли эмас. Юқорида айтиб ўтилганидек, қисқартирилган иш вақти жамоа келишувлари, жамоа шартномаси ёки иш берувчи томонидан ходимларнинг вакилик органи билан келишилган ҳолда қабул қилинган бошқа локал ҳужжатларда назарда тутилган ҳоллар ҳам белгиланиши мумкин.⁷

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда шуни таъкидлаш лозимки, тўлиқсиз иш вақти ходим ва иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан белгиланади. Масалан, ходим қисқартирилган иш вақтини сўраб иш берувчига мурожат қилса, аммо иш берувчи бунга рози бўлмаса, ходим буни иш берувчидан талаб қилиш ҳуқуқига эга эмас.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 119-моддаси учинчи қисмига кўра, тўлиқсиз иш

5 <https://lex.uz/docs/142859>

6 Гасанов М.Ю., Сарымсакова Г.К. Правовое регулирование рабочего времени и времени отдыха: учебное пособие. – Т.: ИПТД ОО «Фуқаролик жамияти», 2017. – С. 51

7 Гасанов М.Ю., Сарымсакова Г.К. Правовое регулирование рабочего времени и времени отдыха: учебное пособие. – Т.: ИПТД ОО «Фуқаролик жамияти», 2017. – С. 48.



вақти шарт билан ишлаш ходимнинг йиллик асосий меҳнат таътилининг муддатини, меҳнат стажини ҳисоблашни ҳамда бошқа меҳнат ҳуқуқларини бирон бир тарзда чеклашга асос бўлмайди.⁸

Ҳуқуқшунос олимлар М.Ю.Гасанов ҳақли равишда таъкидлаганидек, иш берувчининг буйруғи билан ёки ходим учун белгиланган иш вақти муддатидан ортиқ ишланган иш вақти ишдан ташқари иш деб ҳисобланади ва камида икки баробар миқдорда тўланиши керак ёки ходимнинг илтимосига кўра бошқа дам олиш кунига алмаштирилиши лозим⁹.

Америкалик олим Michael K. Lettau фикрича, лавозими ва иш жойи бир хил бўлсада, тўлиқсиз иш вақтида ишлайдиган ходимга тўланадиган 1 соат учун ижтимоий тўловлар (меҳнатда майиб бўлиши, масалан, ишда соғлиғига зарар етганлиги, соғлиғини йўқотганлиги) тўлиқ иш штатида ишловчи ходимга тўланадиган ижтимоий тўлов миқдоридан сезиларли даражада пастдир. Унинг фикрича, бу ҳолат ходимнинг ижтимоий даражасига салбий таъсир қилади.¹⁰ Фикримизча, ҳар иккала олимнинг фикрини қисман асосли дейиш мумкин.

Хорижий мамлакатларнинг меҳнат қонунчилиги Ўзбекистон Республикасида тўлиқсиз иш вақтини ҳуқуқий тартибга солишдан фарқли равишда мутайян ўхшашликларга эга.

Масалан, Финляндия ҳақида шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, тўлиқсиз иш вақтига меҳнат фаолияти давомида нормал меҳнат шароитидан мажбурий равишда ўтказилган давр сифатида қаралади¹¹.

Шунингдек, Россия Федерацияси Меҳнат кодексига биноан ҳар қандай ходимга иш берувчи билан тузилган шартнома бўйича, шунингдек, ишга қабул қилиш вақтида ва ундан кейин тўлиқсиз иш вақти белгиланиши мумкин. Ходим ва иш берувчининг ўртасида тўлиқсиз иш вақти тўғрисидаги шартнома иш вақтини ҳар қандай вақт ёки иш куни учун ҳеч қандай чекловларсиз камайтиришни назарда тутиши мумкин. Давлат томонидан фақат иш берувчиларнинг айрим тоифалари (ҳомиладор аёллар, ота-оналардан бири (васий, ҳомий), 14 ёшгача боласи бор (18 ёшгача ногирон бола), шунингдек тиб-

бий хулосага кўра касал аъзосига ғамхўрлик қилаётган шахслар учун тўлиқсиз иш вақти белгиланиши тартибга солади.

Россия меҳнат қонунчилигида иш берувчининг ташаббуси билан тўлиқсиз иш вақти белгиланиши мумкин. Унга мувофиқ иш берувчининг ташаббуси билан ташкилий ёки технологик иш шароитлари ўзгариши билан боғлиқ сабаблар ходимларни оммавий равишда ишдан бўшатишга олиб келиши мумкин бўлганда, иш берувчи иш ўринларини сақлаб қолиш учун бошланғич касаб уюшмаси ташкилотининг фикрини ҳисобга олган ҳолда, олти ойгача тўлиқсиз иш куни ёки тўлиқсиз иш ҳафтаси режимини (Россия Федерацияси Меҳнат кодексининг 74-моддаси) киритиш ҳуқуқига эга.

Ҳуқуқшунос олим А.М.Лушников таъкидлаганидек, бундай ташаббус ходимларнинг оммавий равишда ишдан бўшатилишига олиб келиши мумкин бўлган ташкилий ёки технологик иш шароитидаги ўзгаришлар билан боғлиқ сабабларга кўра бўлиши керак. Фақат шу асосда иш берувчи иш ўринларини сақлаб қолиш учун 6 ойгача бўлган муддатга тўлиқсиз иш вақти режимини киритиш ҳуқуқига эга.¹² Таъкидлаш жоизки, иш берувчининг ташаббуси билан тўлиқсиз иш вақтини киритиш асосларини Ўзбекистонда ҳам ишлаб чиқиш мумкин.

Германияда эса тўлиқсиз иш вақти 2001 йил 1 январдан кучга кирган 2000 йил 21 декабрдаги BGBI сонли "Тўлиқсиз бандлик ва иш вақти билан боғлиқ чекловлар тўғрисида"ги қонуни билан тартибга солинади.¹³ Ушбу қонунга мувофиқ, тўлиқсиз иш вақтини ташкил этиш ҳар қандай малакага эга бўлган ходимлар учун кенг тарқалган. Корхонада олти ойдан ортиқ вақт ишлаган ходимлар тўлиқсиз иш вақти белгиланиши талаб қилишлари мумкин. Иш берувчи, ўз навбатида, ишлаб чиқаришга зарар етказмаса, ходимнинг ушбу талабини қондиришга мажбурдир. Ушбу Қонун 15 нафардан ортиқ ходими бўлган барча корхоналарга ва барча тоифадаги ходимларга нисбатан қўлланилади.

Иш берувчи қуйидаги тўртта сабаб билан бундай талабни қондиришни рад этиши мумкин:

8 <https://lex.uz/docs/142859>

9 Гасанов М.Ю., Сарымсакова Г.К. Правовое регулирование рабочего времени и времени отдыха: Учебное пособие. – Т.: ИПТД ООО «Фуқаролик жамияти», 2017. – С. 52.

10 Economics Letters. Volume 56, Issue 1, 26 September 1997, Pages 101-106

11 Чанышев А.С. Правовое регулирование рабочего времени и времени отдыха в странах Скандинавии. Монография. – М.: Проспект, 2015. – С.150.

12 Лушников А.М., Лушникова М.В. Курс трудового права: Учебник: В 2 т. Т. 2. Коллективное трудовое право. Индивидуальное трудовое право. Процессуальное трудовое право. – М.: Статут, 2009. – С. 467

13 Закон от 21.12.2000. №BGBI. «О неполной занятости и ограничениях связанных с рабочим временем». <http://www.gesetze-im-internet.de/tzbfq/index.html>.

корхонада захира ходим кучининг етишмаслиги ёки тегишли малакага эга қўшимча ходим кучини ёллаш имкониятининг йўқлиги;

юқори харажатлар;

корхонанинг рақобатбардошлигини камайтириш ва унинг мавжудлигига таҳдид яратиш;

ташкilot ёки ишлаб чиқариш жараёнига жиддий зарар.¹⁴

Германиянинг “Тўлиқсиз бандлик тўғрисида”ги қонунига мувофиқ ходим хоҳласа шартнома бўйича иш вақтини ҳар қандай ҳажмга қисқартириши мумкин. Шу билан бирга, агар ходим тўлиқ бўлмаган иш вақтига ўтиш тўғрисида қарор қабул қилса, у иш берувчидан тўлиқ иш вақтига ўтишни талаб қила олмайди. Ходим чекланган муддатга тўлиқ иш вақтига фақат иш берувчининг розилиги билан ўтказилиши мумкин.¹⁵

Германияда кекса ходимларнинг тўлиқсиз иш вақти жуда ноанъанавий тарзда тартибга солинади. Бу мослашувчан тўлиқсиз иш вақти махсус модель бўлиб, кекса ёшдаги ходимларга пенсия олиш учун муаммосиз ўтишга имкон беради.

Айрим олимларнинг ёзишича, пенсия ёшидаги ходимлар учун тўлиқсиз иш вақтини жорий этишда қонун чиқарувчилар ёшларни, шу жумладан ўқувчиларни корхонага жалб қилиш, катта ёшдаги ходимларнинг тажрибасини ёшларга етказиш орқали меҳнатни қайта тақсимлаш имкониятини кўришади. Ушбу модель доирасида 55 ёшга тўлган ходимлар иш соатларини 50% фоизига қисқартиради, аммо уларнинг иш ҳақи барча солиқларни ҳисобга олмаганда, фақат аввалги ҳажмнинг 70% фоизигача камайд. Шундай қилиб, иш берувчи ойлик тўлов миқдорини 20% фоизига оширади, аммо ортиб бораётган харажатлар иш билан шуғулланадиган федерал орган томонидан қопланади.¹⁶

Ёшга доир тўлиқсиз иш вақтига ўтиш ҳуқуқи тармоқ тариф келишувларида ёки корхоналарда тузилган жамоа шартномаларида назарда тутилади. Ҳозирги вақтда Германияда тўлиқсиз иш вақтидан фойдаланиш деярли 850 тармоқ тариф келишув-

ларида ва тахминан 9 минг жамоа шартномасида қайд этилган.¹⁷

Франция меҳнат қонунчилиги (Code du travail)да тўлиқсиз иш вақти масаласи мавжуд. Тўлиқсиз иш вақти қонун ёки жамоа шартнома билан белгиланган нормал иш вақтидан камроқ бўлган иш вақти ҳисобланади.

Олим В.С.Козловнинг фикрига кўра, Францияда тўлиқсиз иш вақти, тегишли фаолият ёки корхоналар учун қонун ёки шартномада белгиланган иш вақтининг камида 1/5 қисмига қисқарган иш вақти ҳисобланади.¹⁸

Жамоа шартномасида ёки бошқа қонуний асосларда назарда тутилган ҳолларда ходим иш берувчидан унга тўлиқсиз иш куни (масалан, оилавий мажбуриятларини бажариш учун) белгилашни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилигидан фарқли ўлароқ, Франция қонунчилиги тўлиқсиз иш вақти билан банд бўлган ходимлар учун кенг кафолатларни назарда тутди. Агар таҳлил ўтказилса, шуни кўришимиз мумкинки, Францияда тўлиқсиз иш вақтини ҳуқуқий тартибга солиш Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига назарда тутилган ҳолатдан фарқ қилади ва қуйидаги қоидалар асосида қисқартирилган иш вақтини Қонунчилик конструкциясига мос келиши мумкин. Шартнома бўйича тўлиқсиз иш куни билан банд бўлган ходим ҳафтасига 24 соат ёки ойига 104 соатни ташкил этади. Тўлиқсиз иш вақтида ишлаётган шартнома асосида ходим иш вақтига жалб этилиши мумкин ва ҳар бир қўшимча ишлаган вақти учун 10% фоиз миқдорида устама олиш ҳуқуқига эга бўлади.¹⁹

Буюк Британияда тўлиқсиз иш вақти “Тўлиқсиз иш вақтда ишлайдиган шахсларга имтиёздан чекланган тарзда фойдаланиш тўғрисида”ги қоидалар билан тартибга солинади. (Part-time Workers Prevention of Less Favorable Treatment Regulations 2000).²⁰ Ушбу қоидалар қисман банд бўлган ходимларнинг иш берувчи томонидан тўлиқ ишга ёллан-

14 Трудовое право зарубежных стран. Германия : учебное пособие для бакалавриата и магистратуры / А. А. Клишин, А. А. Шугаев. – М.: Юрайт, 2019. – С. 114.

15 Закон от 21.12.2000. №BGBI. «О неполной занятости и ограничениях связанных с рабочим временем». <http://www.gesetze-im-internet.de/tzbfq/index.html>.

16 Нордова С.М. Правовое регулирование рабочего времени по законодательству Российской Федерации и отдельных стран Европейского Союза (сравнительно-правовой анализ). Диссертация на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – М.: 2019. – С. 33.

17 Трудовое право зарубежных стран. Германия: учебное пособие для бакалавриата и магистратуры / А. А. Клишин, А. А. Шугаев. – М.: Юрайт, 2019. – С. 45.

18 Козлов В.С. Правовое регулирование рабочего времени в России и зарубежных странах. Диссертация на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – М.: 2007. – С. 132

19 Лукьянова Г.И. Трудовые отношения в современной Франции // Трудовое право, 2005. № 1. – С. 74.

20 Part-time Workers (Prevention of Less Favourable Treatment) Regulations 2000 // The Official Home of UK Legislation. URL: <http://www.legislation.gov.uk/uksi/2000/1551>



ган ходимларга нисбатан ҳуқуқларини суиистеъ-
мол қилишнинг олдини олиш учун асос бўлиб хиз-
мат қилади. Хусусан, бу улар учун қулай меҳнат
шароитларини (масалан, меҳнатга ҳақ тўлаш шарт-
лари, иш берувчининг пенсия схемаларига кириш,
тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малака ошириш, йил-
лик ҳақ тўланадиган таътил бериш ва ҳ.к.) ташкил
этишни чеклашни тақиқлашда акс этади. Истисно
ҳолатлар меҳнат шартномасининг камроқ қулай
шартларини белгилаш ёки қисман иш билан банд
бўлган ходимларнинг бошқа ёмонлашуви объек-
тив табиатнинг сабаблари билан боғлиқ бўлган ҳо-
латлардир.

Дастлаб тўлиқ ишга жойлашиш шarti билан ишга
қабул қилинган ходимга тўлиқсиз иш вақти режи-
мини белгилаш фақат тегишли шартномани ёзма
равишда тузиб, уни меҳнат инспекциясига рўйхат-
дан ўтказгандан сўнг амалга оширилиши мумкин²¹.

Шунингдек, Буюк Британия қонунчилиги ушбу то-
ифадаги ходимларни ҳимоя қилишга қаратилган
бир қатор қўшимча чораларни ўз ичига олади. Ху-
сусан, у қисман ишлайдиган ходимлар учун меҳнат
шартномасининг ёзма шаклини ва иш вақти режими
тўғрисидаги шартларни киритиш мажбуриятини бел-
гилайди.²² Ёзма шаклга риоя қилмаслик шартнома
тузилмаган ҳолда автоматик равишда тан олинши-
га олиб келмайди. Бироқ, агар низо юзага келса ва
ходим томонидан даъво аризаси берилса, суд уни
тўлиқ иш билан банд бўлган ҳолда ишга ёлланган
деб тан олиш ҳуқуқига эга.

Яна бир жиҳати шундаки, қисман ишлайдиган
ходимларнинг айрим тоифалари, хусусан, давлат
томонидан махсус ҳимояга муҳтож бўлган талаба-
лар; ўн уч ёшга тўлмаган болалари бўлган шахслар;
турмуш ўртоғи, ота-онаси ёки боласи онкологик ка-
салликка чалинган шахслар; ногирон кишилар тои-
фасига кирадиган оила аъзолари дастлаб келишил-
ган иш вақтига қайтиш ҳуқуқига эга.²³

Бундан ташқари, иш берувчи бўш иш ўринла-
рини тўлдирганда, тўлиқ бандлик шароитида иш
ўринларини тақдим этиш ҳуқуқи биринчи навбат-
да қисман банд бўлган ходимларга берилади. Шу
билан бирга, олдиндан тўлиқ режимдан тўлиқсиз
иш вақти режимга кўчирилган ходимларга устувор-
лик берилади.

Буюк Британияда тўлиқсиз иш вақтини жорий

этишнинг махсус шакли яқинда кенг тарқалган
бирдамлик шартномаларини тузиш ҳисобланади.
Энг умумий шаклда, бирдамлик шартномаси локал
ижтимоий шериклик даражасида тузилган, тўлиқ
иш билан таъминланган ходимларга тўлиқсиз иш
вақти режимини ўрнатиш тўғрисидаги битим сифа-
тида тушунилади.

Қўйилган мақсадларига қараб, унинг иккита ту-
ри мавжуд:

1) иш ўринларини оммавий қисқартиришнинг ол-
дини олишга қаратилган бирдамлик шартномаси
(Россия Федерацияси қонунчилигига ўхшаш);

2) янги ходимларни ёллаш учун захираларни яра-
тиш мақсадида бирдамлик шартномаси.

Биринчи турдаги бирдамлик шартномаларининг
ўзига хос хусусияти ходимларга иш вақти меъёри-
нинг камайиши натижасида йўқотилган иш ҳақи
учун давлат томонидан кафолатланган қисман ком-
пенсация ҳисобланади. Умумий қоидага кўра ком-
пенсация миқдори йўқолган даромаднинг 60% фои-
зигача тенг.²⁴ Шартноманинг амал қилиш муддати
тарафлар томонидан белгиланади, аммо 24 ойдан
ошмаслиги керак. Шунингдек, улар битимнинг амал
қилиш муддатини 24 ойдан ортиқ бўлмаган муд-
датга бир марта узайтириш ҳуқуқига эга. Иккинчи
турдаги бирдамлик шартномаларининг тузилиши
ишсизликка қарши кураш чораларидан бири сифа-
тида қабул қилинади.

Хорижий қонунчиликни таҳлил қилишда хори-
жий давлатларнинг тажрибасини ҳисобга олган
ҳолда Меҳнат кодексига фавқулодда форс-мажор
ҳолатлар юз берганда тўлиқсиз иш вақтига ўтиш-
га бағишланган алоҳида модда киритиш тўғриси-
даги таклифни шакллантириш имконини беради.

Ушбу моддада, иш берувчи форс-мажор ҳолат-
лар (эпидемиялар, эпизоотия, пандемия ёки бутун
аҳоли ёки унинг бир қисмининг ҳаёти ёки соғлиғига
хавф туғдирадиган бошқа ҳолатлар) ёки вазиятни
жорий этиш билан боғлиқ бўлган иш (хизматлар)
ҳажмининг камайиши муносабати билан ходимни
икки ҳафтадан кечиктирмасдан корхонада тўлиқ-
сиз иш вақтини белгилаш ҳақида огоҳлантириши
мумкин.

Тўлиқсиз иш вақти нормал ва қисқартирилган
иш вақтининг шундай қисмики, унинг муддати иш
берувчи ва ходим ўртасидаги келишувга мувофиқ

21 Филипова И.А. Международное и национальное трудовое право. Учебное пособие. – Нижний Новгород: Нижегородский госуниверситет, 2015. – С. 60

22 Part-time Workers (Prevention of Less Favourable Treatment) Regulations 2000 // The Official Home of UK Legislation. URL: <http://www.legislation.gov.uk/ukxi/2000/1551>.

23 Филипова И.А. Международное и национальное трудовое право. Учебное пособие. – Нижний Новгород: Нижегородский госуниверситет, 2015. – С. 69.

24 Part-time Workers (Prevention of Less Favourable Treatment) Regulations 2000 // The Official Home of UK Legislation. URL: <http://www.legislation.gov.uk/ukxi/2000/1551>.

аниқланади, иш ҳақи ишланган вақтга мутаносиб равишда ёки ишбай ишлаганлик учун амалда бажарилган ишнинг баҳоси бўйича тўланади. Шунингдек, тўлиқсиз иш вақти қонунда бевосита кўрсатилган ҳолларда ҳам ўрнатилади. Тўлиқсиз иш вақтини минимал ёки максимал муддатларини белгилаш бўйича турли ёндашувлар мавжуд.

Хусусан, Ўзбекистонда тўлиқсиз иш вақти учун минимал ва максимал муддат белгиланмаган. Бундан ташқари, хорижий мамлакатларда тўлиқсиз иш вақти белгилашни рад этишнинг асослари ишлаб чиқилган. Германиянинг “Тўлиқсиз бандлик ва иш вақтига оид чекловлар тўғрисида”ги қонунда (BGB1-сон, 2000 й.) ишчи кучининг етишмаслиги, юқори харажатлар, рақобатбардошликнинг камайиши, ишлаб чиқариш жараёнига жиддий зарар кабилар тўлиқсиз иш вақтини белгилашни рад этишнинг асослари сифатида мустаҳкамланган. Шунингдек, хорижий мамлакатларда тўлиқсиз иш вақтидан нормал иш вақтига қайтиш тартиби ва асослари ҳам ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу тажрибани миллий қонунчиликда акс эттиришга оид фикр-мулоҳазалар таҳлил этилган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида иш вақтининг турлари сифатида нормал иш вақти, қисқартирилган иш вақти, тўлиқсиз иш вақтини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш талаб этилади. Бу, аввало, иш вақтининг аниқ таснифланишини кўрсатиб берса, иккинчидан унинг ҳар бир тури бўйича махсус нормаларни

белгилаш имконини яратади. Шунга кўра, тўлиқсиз иш вақтига оид нормаларни таҳлил қилиш асосида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 119-моддасини қуйидаги янги таҳрирда қабул қилиш таклиф этилади:

«119-модда. Тўлиқсиз иш вақти

Тўлиқсиз иш вақти нормал ёки қисқартирилган иш вақтининг муддатидан кам бўлган иш вақти ҳисобланиб, тарафлар келишуви, қонун ҳужжатларида, жамоа келишувлари, жамоа шартномалари ёки бошқа локал ҳужжатларда назарда тутилган ҳолларда ходимнинг талаби билан белгиланади ҳамда ишланган вақтга мутаносиб равишда ёки бажарилган ишнинг ҳажмига қараб ҳақ тўланади.

Тўлиқсиз иш вақти иш берувчи ва ходим ўртасидаги ёзма келишувга мувофиқ меҳнат шартномаси тузиш вақтида, шунингдек меҳнат муносабатлари давомида ҳам ўрнатилиши мумкин.

Тўлиқсиз иш вақти турлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- 1) кунлик иш муддатидан кам бўлган тўлиқсиз иш куни (смена);
- 2) иш ҳафтасининг иш кунлари кам бўлган тўлиқсиз иш ҳафтаси;
- 3) бир вақтнинг ўзида кунлик иш вақти ва ҳафталик иш кунлари кам бўлган иш вақти.

Тўлиқсиз иш вақти тарафлар келишувига кўра меҳнат шартномаси амал қилишининг муайян муддатига ёки чекланмаган муддатга белгиланиши мумкин».

#



Асроржон ТУРҒУНОВ,
Бош прокуратура Академияси кафедра ўқитувчиси

ПРОКУРОР НАЗОРАТ ҲУЖЖАТИ СИФАТИДА ТАҚДИМНОМАНИНГ АҲАМИЯТИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

АННОТАЦИЯ. Мақола қонун бузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисидаги тақдимнома, унинг мазмун ва моҳиятига бағишланган. Тақдимномага қўйилган умумий талаблар, ўзига хос хусусиятлари, миллий ва хорижий давлатлар қонунчилиги ўрганилиб, тавсия ва таклифлар келтирилган.

АННОТАЦИЯ. Статья посвящена по содержанию и сути представления касательно устранения нарушений законодательства, причин этих нарушений и условий им способствующих. Изучены общие требования для представлений, некоторые его аспекты, а также законодательства отечественных и зарубежных стран, в связи с чем даны рекомендации и предложения.

ABSTRACT. The article is devoted to the content and essence of the representation regarding the elimination of violations of the law, the reasons for these violations and the conditions that contribute to them. The general requirements for representations, some of its aspects, as well as the legislation of domestic and foreign countries have been studied, in connection with which recommendations and suggestions have been made.

Калит сўзлар: назорат, қонун бузилиши, прокурор, прокурор назорат ҳужжатлари, тақдимнома, интизомий жавобгарлик, маъмурий жавобгарлик, суд.

Ключевые слова: надзор, нарушение закона, прокурор, документы прокурорского контроля, представление, дисциплинарная ответственность, административная ответственность, суд.

Keywords: supervision, violation of the law, prosecutor, prosecutor's control documents, representation, disciplinary liability, administrative liability, court.

Ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка қарши курашиш, уларнинг олдини олиш учун биринчи навбатда унинг содир этилишининг асл сабаблари, механизми, бунга имконият берган шарт-шароитларни чуқур ўрганиш, қонун бузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш чораларини кўриш даркор.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъбири билан айтганда, «Ҳар бир жиноятнинг илдизигача етиб бориш, жамиятда жиноятчиликка қарши курашиш иммунитетини шакллантириш керак. Акс ҳолда, жиноятнинг оқибатлари билан овора бўлиб юраверамиз.»¹

Қонун бузилишининг олдини олиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги чора-тадбирларнинг аниқ манзилга йўналтирилишида ва уларни тизимли равишда содир этилишига доир сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этишда прокурор назорати ҳужжатлари муҳим ўрин тутаяди.

Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги қонунининг 37-моддасига асосан, протест, қарор, тақдимнома, ариза ва огоҳлантирув прокурор

назорати ҳужжатлари ҳисобланади. Улардан аввало, қонунбузилишларини бартараф этиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилиш, уларнинг асл сабаблари ва бунга имкон берган шарт-шароитларга келгусида йўл қўймаслик, шунингдек, айбдор шахсларнинг жавобгарлик масаласини ҳал этиш воситаси сифатида фойдаланилади.

Амалиётда кенг қўлланиладиган, сермазмун, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликни олдини олиш аҳамияти юқори бўлган прокурор назорати ҳужжат — бу тақдимнома ҳисобланади.

Прокуратура органлари томонидан 2016 йилда 23.801 та (умумий прокурор назорати ҳужжатларининг 18,3 %), 2017 йилда 22.800 та (19,3 %), 2018 йилда 18.449 та (21,3 %), 2019 йилда 18.803 та (21,1 %), 2020 йилда 18.988 та (17,3 %) тақдимномалар киритилган бўлиб, тақдимнома энг кенг тарқалган назорати ҳужжати эканлигини гувоҳи бўлиш мумкин.²

Миллий қонунчилигимизда тақдимнома турли кўринишда ҳуқуқий ҳужжат сифатида ифодаланган. Мисол учун, “Прокуратура тўғрисида”ги қонуннинг 40-моддасида тақдимнома қонун бузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб

1 Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 27 июль куни жиноятчиликнинг олдини олиш, давлат идоралари ва жамиятнинг бу борадаги масъулиятини ошириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишидаги нутқи. <https://president.uz/uz/1914> (17.06.2021)

2 <https://www.prokuratura.uz>

бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида қонун бузилишини бартараф этиш ваколатларига эга бўлган органга ёки мансабдор шахсга киритиладиган прокурор назорати ҳужжати сифатида баён қилинган.

МДХ давлатларининг, хусусан Россия, Грузия, Беларусия, Украина, Озарбайжон, Тожикистон ва Туркманистон “Прокуратура тўғрисида”ги қонунларида ҳам тақдимномага шунга ўхшаш таърифлар келтирилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 297-моддасига мувофиқ, суриштирувчи, терговчи, прокурор жиноят ишини тергов қилиш чоғида жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаб чиқиб, тегишли давлат органига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига, жамоат бирлашмасига, жамоага ёки мансабдор шахсга ана шу сабаб ва шарт-шароитларни бартараф қилиш чораларини кўриш тўғрисида тақдимнома киритади.

Тақдимномани прокурор назорати ҳужжати сифатида ўтказилган текширув, таҳлил ёки бошқа прокурор назорати натижаларига кўра, прокурор ёки унинг ўринбосари томонидан киритилса, жиноят процессуал ҳужжат сифатида эса суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан жиноят ишини тергов қилиш чоғида жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар аниқланиб, шу сабаб ва шарт-шароитларни бартараф қилиш чораларини кўриш ҳақида киритилади.

Миллий қонунчилигимизда тақдимномага аниқ таъриф келтирилмаган, унинг мазмун-моҳияти, унга қўйилган талаблар, шикоят бериш тартиби тўлиқ ёритилмаган. Шу сабабли, тақдимнома тўғрисида кўплаб олимлар томонидан бир-бирига ўхшаш таърифлар келтириб ўтилган.

Прокурор назорати фаолиятида Б.Х.Пўлатовнинг фикрича, “тақдимнома – қонун бузилишини бартараф этиш, унинг сабаб ва шарт-шароитларига барҳам бериш ҳақидаги, қонун бузилишини бартараф этишга ваколатли бўлган давлат органи, жамоат бирлашмаси ёки мансабдор шахсга киритилган ҳужжатдир”.³

Ёхуд О.М.Мадалиевнинг таърифига кўра, “тақдимнома – аниқланган қонун бузилишини зудлик билан бартараф этиш зарур бўлган ҳолда ҳамда текширишда аниқланган қонун бузилаши ҳолларининг

келиб чиқиш шарт-шароитларини бартараф этиш, келгусида шу каби қонун бузилиши ҳолларига йўл қўймаслик учун тегишли чора-тадбирлар белгилаш учун киритиладиган ҳуқуқий ҳужжатдир”.⁴

Тақдимнома киритиш учун текшириш, қонунийлик аҳволи таҳлили, назорат материаллари, муайян қонунлар ижроси устидан назорат амалиётини умумлаштириш, қонунлар бузилиши тизими, динамикаси ва сабаблари, давлат органлари, жамоат бирлашмаларидан олинган маълумотлар, жиноятларни тергов қилиш натижаси ва бошқалар асос бўлиши мумкин.

Россия Федерацияси Прокуратура университети доценти Т.П.Кесареевнинг фикрича, тақдимнома дейилганда тақдимнома киритиш учун асос бўлган фактларнинг таҳлили ва мазмун-моҳияти, шунингдек, қонун бузилиши, уларни келтириб чиқарувчи сабабларни бартараф этиш бўйича таклифлар қонунда белгиланган муддатларда кўриб чиқилиши баён қилинган давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахсларга киритиладиган прокурор таъсир ҳужжати тушунилади.⁵

Ёки Ф.Ф.Галиевнинг таърифига кўра, тақдимнома – бу ўзида қонун бузилиши мажмуини мужассам этган, дарҳол кўриб чиқилиши ва қонунда белгиланган муддатда қонун бузилиши ва уларни келтириб чиқарган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш, айбдор шахсларни моддий ёки маъмурий жавобгарлик тортиш ҳамда кўриб чиқиш натижалари ва чоралар тўғрисида ёзма равишда хабардор этиш талаб этилган, ваколатли орган ва мансабдор шахсга юборилган, прокурор ёки унинг ўринбосарининг расмий ёзма ҳужжатидир.⁶

Фикримизча, тақдимнома – прокурорнинг ўтказилган текширув, қонунийлик аҳволи таҳлили ёки бошқа прокурор назорати натижаларига кўра, аниқланган қонун бузилиши мажмуасини, уларнинг келиб чиқиш шарт-шароитларини зудлик билан бартараф этиш, келгусида шу каби қонун бузилиши ҳолатларига йўл қўймаслик учун тегишли чора-тадбирлар белгилаш тўғрисидаги хулосаси акс этган, қонун бузилишини бартараф этиш ваколатига эга бўлган органга ёки мансабдор шахсга киритиладиган прокурор таъсир ҳужжати ҳисобланади.

Прокурорнинг тақдимномаси мазмун жиҳатидан қонун бузилишлар мажмуасини бартараф этишга қаратилган ҳужжат бўлиб, ушбу хусусиятга кўра бошқа

3 Б.Х.Пўлатов. “Прокурор назорати” дарслик. Т.: “O‘zbekiston”, 2009. – 624 б. 163-бет.

4 О.М.Мадалиев. “Прокурор назорати” дарслик. Умумий қисм.-Т.: ТДЮИ нашриёти, 2009.-424 бет. 61-бет.

5 Т.П.Кесареева. Акты прокурорского реагирования при осуществлении надзора за исполнением законов и законностью правовых актов: учеб. пособие / Ун-т прокуратуры Рос. Федерации. – М., 2019. – 120 с. 32-бет. <http://213.171.58.226:22289/Fmt6qU01/2019/.pdf>

6 Ф.Ф.Галиев. Представление прокурора как форма реагирования на нарушение закона // Правовое государство: теория и практика. 2013. № 1 (31). 81-бет. <https://cyberleninka.ru/article/n/predstavlenie-prokurora>



прокурор назорати ҳужжатларидан фарқланади.⁷

Таърифда Б.Х.Пўлатовнинг фикрига қўшилган ҳолда айнан мазмун жиҳатдан “аниқланган қонун бузилиши мажмуаси” жумласи келтирилишига сабаб, биргина қонун бузилиши ҳолатини акс эттирган ҳолда тақдимнома киритилиши мақсадга мувофиқ эмас.

Бу каби ҳолатда прокурор назорати ҳужжатларидан маъмурий, интизомий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақида қарор ёхуд қонунга зид бўлган ҳужжатга нисбатан протест келтириш каби прокурор назорати ҳужжатларини қўллаган маъқул.

Ўрганиш ва таҳлиллар бир қатор ҳолларда прокурорлар томонидан киритилган тақдимномаларнинг аксарияти ахборот тарзида, юзаки ва жуда катта ҳажмда расмийлаштирилганлигини, прокурор назорати ҳужжатлари бўйича Бош прокурор буйруқлари, кўрсатмалари ва қонун талабларига риоя қилинмаётганлигини ҳамда унинг муҳокамасида олдиндан тайёргарлик кўрилмасдан, тажрибасиз ходимлар иштирок этаётганлигини кўрсатади.

Тақдимнома матни мазмунли, аниқ, содда, тўлиқ ва шаклан ихчам, холисона ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили тўғрисида” ги қонуни талабларига риоя қилинган ҳолда тузилиши лозим.

Тақдимнома матнида юридик терминлар ва бошқа жумлалар оддий, равон ва ҳамма учун тушунарли сўзлар билан изоҳланиши керак. Унда тилга олиниши лозим бўлган объектларнинг қисқартирилган номи бўлган тақдирда (масалан, ИИВ – Ички ишлар вазирлиги ва ҳоказо) ҳужжатнинг бошида мазкур объектнинг тўлиқ номи кўрсатилиши зарур, кейинги ўринларда унинг қисқартирилган номи ёзилиши мумкин.

Тақдимнома қонун бузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисидаги умумий сўзлар билан чекланмаслиги керак.

Прокурор назорати ҳужжатларини тайёрлаш ва қонун бузилишини бартараф этишда унинг самарадорлигини ошириш бўйича услубий қўлланма⁸ ҳамда Б.Х.Пўлатовнинг⁹ тавсияларини инобатга олган ҳолда тақдимномани қуйидаги қисмларга бўлиш мумкин:

Кириш қисми;

Тақдимнома ташқи ҳужжат ҳисобланиб, давлат герби тасвири туширилган, прокуратура органининг номи, жойлашган манзили кўрсатилган расмий бланкада чоп этилиши;

Жўнатилаётган орган номи, мансабдор шахснинг лавозими ва фамилияси аниқ ёзилиши;

Тақдимнома юборилаётган объектнинг манзили аниқ кўрсатилиши ҳамда унда аниқланган қонун бузилишини, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш, шунга йўл қўйган шахсларнинг жавобгарлик масаласини ҳал қилиш ваколатларига эга бўлган органга ёки мансабдор шахсга юборилиши шарт.

Тақдимнома чиқиш рақами ва санаси қўйилиши; Ҳужжатнинг тўлиқ номи ёзилиши;

Қонуннинг 40-моддаси талабларидан келиб чиққан ҳолда ҳужжат номи сифатида “Қонун бузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тақдимнома” кўрсатилиши лозим.

Асослантирувчи қисми:

Тақдимнома киритиш учун асос бўлган текшириш ва бошқалар;

Тақдимнома киритиш учун асос бўлган ҳолатлар, яъни прокурор текшируви, қонунийлик аҳволи таҳлили, назорат материаллари, муайян қонунлар ижроси устидан назорат амалиётини умумлаштириш, шикоятлар таҳлили, давлат органлари, жамоат бирлашмаларидан олинган хабарлар, фуқаролик, иқтисодий, маъмурий ва жиноий ишлар материаллари ҳамда бошқа манбалар тўғрисида маълумотларни акс эттириш лозим.

Прокурор назоратини амалга ошириш давомида аниқланган қонун бузилиши;

Қонун бузилиши натижасида муайян норматив ҳуқуқий ҳужжат талаблари бузилган бўлса, ушбу ҳужжатнинг тури, қабул қилинган санаси, рақами, тўлиқ номи ва талаблари, бунга йўл қўйган шахслар ва уларнинг жавобгарлик масаласи аниқ акс эттирилиши лозим бўлиб, бу талаблар ушбу ҳужжатнинг ҳуқуқий ва мантиқий асосини ташкил этади.

Тақдимномада “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги қонун талабларига амал қилиниши, ушбу қонунга асосан аввал юқори кучга эга бўлган норматив актга ҳавола қилиниши лозим. Умуммажбурий бўлмаган, ички ҳужжатларга ҳавола қилиниши мақсадга мувофиқ эмас.

Қонун бузилиши келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитлар;

Аниқланган қонун бузилишининг характери, ушбу ҳаракатлар натижасида кимнинг манфаатларига қандай зарар етказилганлиги, қонун бузилишининг

7 Б.Х.Пўлатов. “Қонунлар ижроси устидан прокурор назорати” ўқув қўлланмаси. Т.: “Ҳуқуқ ва бурч” журнали, 2006. – 184 б. 115-бет.

8 Бош прокуратура ҳайъатининг 27.06.2011 йилдаги 6-сонли мажлиси қарори билан тасдиқланган “Прокурор назорати ҳужжатларини тайёрлаш ва қонунбузилишини бартараф этишда унинг самарадорлигини ошириш бўйича услубий қўлланма” Т.: “Акварел Print” МЧЖ, 2011. 128-б. 15-бет.

9 Б.Х.Пўлатов. “Қонунлар ижроси устидан прокурор назорати” ўқув қўлланмаси. Т.: “Ҳуқуқ ва бурч” журнали, 2006. – 184 б. 116-бет.

келиб чиқиш сабаблари ва уларга кўмаклашаётган шарт-шароитлар, қонун бузилишини юзага келтирган ғайриқонуний ҳаракат ёки ҳаракатсизликларнинг ҳуқуқий таҳлили, сабаблари акс эттирилиши лозим.

Қонун бузилиши, бунга сабаб ва унга имкон берган шарт-шароитларни тасдиқловчи далил ва исботловчи ҳолатлар;

Тақдимоманинг самарадорлиги ва таъсирчанлигини кўтариш учун қонун бузилиши, бунинг сабаблари, унга имкон ва кўмак берган шарт-шароитлар аниқ кўрсатилган, чуқур таҳлилларга асосланган бўлмоғи даркор.

Қонун бузилиши ҳолатига йўл қўйган айбдор шахсларнинг доирасини аниқлаш;

Бу билан айнан қонун бузилиши ҳолатига йўл қўйган, ўзига юклатилган вазифаларнинг бажармаган, фуқароларнинг ҳуқуқлари, жамият ва давлат манфаатларига зарар етказган мансабдор шахс ёки бошқа ходимларнинг доираси аниқ акс эттирилиши лозим.

Тақдимнома киритилиши учун асос бўлган Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”-ги қонунининг 40-моддасига ҳавола қилиниши керак.

Хулоса қисми;

Тақдимнома киритилган орган, корхона, ташкилот, муассаса меҳнат жамоаси ўртасида дарҳол кўриб чиқиш;

Тақдимнома кўриб чиқиладиган кун ҳақида прокурорга маълум қилиниши;

Қонун бузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиш бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган аниқ чора-тадбирлар доираси;

Қонун бузилиши ҳолатларига йўл қўйган ходимларнинг жавобгарликка тортиш масаласини қонун доирасида ҳал этилиши;

Зарурат бўлган ҳолларда, тақдимноманинг ушбу қисмида мутасадди шахсларни маъмурий, интизомий, моддий жавобгарликка тортиш ва қонунга зид бўлган ҳужжатларни бекор қилиш ёки уни қонунга мослаштиришга оид талаблар қўйилади.

Тақдимномани кўриб чиқирилиши ва қонун бу-

зилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиш бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан кўрилган чоралар тўғрисида прокурорни ёзма равишда хабардор қилиши шартлиги ва унинг муддатлари тўғрисидаги маълумот;

“Прокуратура тўғрисида”ги қонуннинг 40-моддасига асосан, тақдимнома юборилган давлат органи, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, жамоат бирлашмаси, жамоа ёки мансабдор шахс зарур чораларни кўриши ва кўрилган чораларнинг натижалари тўғрисида кечи билан бир ойлик муддат ичида прокурорни хабардор қилиши шарт.

6. Тақдимнома киритган шахснинг мансаби лавозими, унинг даражали унвони, исми ва отасининг исми бош ҳарфлари ҳамда фамилияси ва имзоси;

“Прокуратура тўғрисида”ги қонуннинг 56-моддасига кўра, тақдимнома прокурор ёки унинг ўринбосари томонидан имзоланади. Тақдимнома имзолангандан бошлаб юридик кучга киради.

Шунингдек, айрим ҳолатларда тақдимнома киритиш ўзига хос ёндашув, масъулият талаб этадики, тақдимномада айрим маълумотларни ошкор этилиши фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига, давлат манфаатларига зарар етказиши, ҳаттоки тақдимномани тайёрлаган, имзолаган прокурорнинг ўзини жавобгарлигига ҳам сабаб бўлиши мумкин. Жумладан, тақдимнома киритилишида фарзандликка олиш сирини ёки давлат сирларини ошкор қилиш Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 125, 162-моддасига асосан жиноий жавобгарликни келтириб чиқаради.

Хулоса қилиб айтганда, прокурор назорати ҳужжати сифатида тақдимнома ҳар бир прокурорнинг ҳуқуқий онги, савияси, касбий қобилияти, шаъни ва кадр-қимматини ифодаловчи ҳолатлардан бирига айланмоғи, қонун бузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиш бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш, келгусида шудай ҳолатларнинг олдини олиш бўйича аниқ тавсия ва талабларни қамраб олган, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, шунингдек жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилувчи ҳуқуқий ҳужжат бўлмоғи лозим.

#



ЕР УЧАСТКАЛАРИНИ КОМПЕНСАЦИЯ ЭВАЗИГА ДАВЛАТ ВА ЖАМОАТ ЭҲТИЁЖЛАРИ УЧУН ОЛИБ ҚЎЙИШ ҚОНУНЧИЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

АННОТАЦИЯ. Мақолада ер участкаларини компенсация эвазига давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйишга оид тартиб-қоидалар, ушбу соҳада амалга оширилган ислохотлар, хусусий мулк дахлсизлигига оид халқаро рейтинг ва индекслардаги Ўзбекистоннинг ўрни, мулкдорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари кафолатларини мустаҳкамлаш, илғор хорижий тажриба, қонунчиликни такомиллаштириш масалалари таҳлил қилинган.

АННОТАЦИЯ. В статье анализируются процедуры изъятия земельных участков для государственных и общественных нужд на условиях компенсации, реформы, проведенные в этой сфере, международные рейтинги и индексы неприкосновенности частной собственности, укрепление гарантий прав и законных интересов собственников, передовой зарубежный опыт, а также совершенствование законодательства в данной области.

ABSTRACT. The article analyzes the procedures for the seizure of land plots for state and public needs on the basis of compensation, reforms carried out in this area, international ratings and indices of the inviolability of private property, strengthening guarantees of the rights and legitimate interests of owners, advanced foreign experience, as well as improving legislation in this area.

Калит сўзлар: Ер участкаларини компенсация эвазига давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш, зарарларни қоплаш, хусусий мулкнинг дахлсизлигини таъминлаш, мулкдорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, халқаро рейтинг ва индекслар.

Ключевые слова: Изъятие земельных участков для государственных и общественных нужд на условиях компенсации, возмещение ущерба, обеспечение неприкосновенности частной собственности, защита прав и законных интересов собственников, международные рейтинги и индексы.

Keywords: Seizure of land plots for state and public needs on the terms of compensation, compensation for damage, ensuring the inviolability of private property, protection of rights and the legitimate interests of the owners, international ratings and indexes.

Сўнги йилларда мамлакатимизда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига тегишли бўлган бино ва иншоотлар жойлашган ер участкалари олиб қўйилиши муносабати билан мулкдорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари кафолатларини янада мустаҳкамлашни таъминлаш ҳамда шу муносабат билан етказилган зарарларни қоплашда йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф қилиш, хусусий мулкнинг дахлсизлигини таъминлашга қаратилган муҳим чора-тадбирлар амалга оширилди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июлдаги “Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5490-сон фармони билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига етказилган зарарларни қоплаш бўйича марказлаштирилган жамғарма ташкил этилиб, давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилишини мазкур жамғарма билан мажбурий тарзда келиши тартиби жорий этилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 августдаги “Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш

чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5495-сон фармонида давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларини олиб қўйиш қатъий тартиблари белгиланди. Фармонга мувофиқ давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларини олиб қўйиш тўғрисида қарор қабул қилишга фақат ер участкаси олиб қўйилиши режалаштирилаётган манфаатдор шахслар билан очиқ муҳокама ўтказилганидан, шунингдек, фойда ва харажатлар баҳоланганидан кейин йўл қўйилиши, ер участкаларини олиб қўйишда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига тегишли бўлган турар жой ва ишлаб чиқариш бинолари, бошқа иморатлар ва иншоотларнинг бузилишига кўчмас мулкнинг бозор қиймати ва олиб қўйиш сабабли мулкдорга етказилган зарарнинг ўрни тўлиқ қопланганидан кейин рухсат берилиши, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига давлат органи (мансабдор шахс)нинг ноқонуний маъмурий ҳужжати қабул қилиниши оқибатида етказилган зарар давлат томонидан, биринчи навбатда, тегишли органларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қопланиши, кейинчалик айбдор шахсдан регресс тартибида ундириб олиниши белгилаб қўйилди.

Президентимизнинг 2019 йил 3 августдаги “Фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг мулк ҳуқуқи кафолатлигини сўзсиз таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ф–5491-сон-

ли фармойишида давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига тегишли бўлган ер участкаларини олиб қўйиш ҳамда кўчмас мулк объектларини бузиш ишларини амалга ошириш босқичлари белгиланиб, етказилган зарарнинг ўрни бозор қиймати бўйича олдиндан ва тўлиқ қопланмагунга қадар олиб қўйилаётган ер участкасидаги уйни, бошқа иморат ва иншоотларни бузиб ташлашга йўл қўйилмаслиги, ер участкалари ноқонуний олиб қўйилганлиги ва шу муносабат билан мулкдорларга зарар етказилганлиги учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш лозимлиги қайд этилди.

Давлатимиз раҳбарининг “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатларини кучайтириш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни ташкил қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслар ва ишлаб чиқариш инфратузилмасидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш тўғрисида”ги 2019 йил 13 августдаги ПФ–5780-сон фармонининг 5-бандида 2020 йил 1 январдан бошлаб жисмоний ва юридик шахслар эгаллигида бўлган, улар фойдаланадиган ва мулки бўлган ер участкаларини жамоат ва давлат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш бўйича ваколатлари тегишли халқ депутатлари Кенгашларига берилиши кўрсатилди¹.

Мазкур ўзгаришлар ҳақида Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимда: “Бу ўзгариш ҳам мулк дахлсизлигини таъминлаш йўлидаги жиддий қадамлардан биридир. Бундан ташқари, ерни олиб қўйиш ва компенсация тўлашнинг янги тартиби, ер фақат мулк эгасининг розилиги билан олинишига оид қоидалар жорий қилинди. Шу билан бирга, мулк дахлсизлиги тўғрисидаги қонунларга амал қилмаган мансабдор шахсларга нисбатан, улар қандай лавозим эгаси бўлишидан қатъи назар, жавобгарлик кучайтирилди. Шунингдек, компенсация миқдори тўғрисида тарафларда келишмовчилик вужудга келса, энди бундай ҳолатлар фақат суд йўли билан ҳал этилади²”, деб таъкидлади.

Юқоридаги қайд этилган қонуности ҳужжатларининг аксарият нормалари 2020 йил 23 декабрда қабул қилинган “Мулкдорлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг кафолатлари янада кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республика-

сининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунда ўз аксини топди. Жумладан, ушбу Қонун билан ер участкасини ёки унинг бир қисмини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ҳоқимлар томонидан олиб қўйилишига тақиқ белгиланди.

Шу билан бирга, ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатадики, хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг Конституцияда кафолатланган дахлсизлигини таъминлаш борасида бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинганига қарамай, айрим жойларда мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижроси амалда кутилган натижаларни бермаяпти.

Қайд этиш керакки, ер участкаларини жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш, шунингдек, олиб қўйилаётган ер участкасида жойлашган объектларни бузиб ташлаш кўплаб давлатларда долзарб муаммо ҳисобланади ва ушбу масалаларнинг лозим даражада ҳуқуқий тартибга солинмаслиги аксарият ҳолларда аҳоли орасида норозиликларга сабаб бўлади. Жумладан, ер участкаларини олиб қўйиш ва кўчмас мулк эгаларига компенсация беришнинг янги тартиби тасдиқланишигача бўлган давр мобайнида Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида мамлакатнинг халқаро майдондаги нуфузига салбий таъсир этган соҳага оид низоли ҳолатлар қайд этилган.

Мазкур муаммоларни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 16 ноябрдаги 911-сон қарори билан “Ер участкалари олиб қўйилиши ва олиб қўйилаётган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектлари мулкдорларига компенсация бериш тартиби тўғрисида”ги низо тасдиқланган бўлиб, ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш ва кўчмас мулк эгаларига компенсация беришнинг янги тартиби ўрнатилган. Мазкур низо 2020 йил 1 январдан кучга кириб, ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйишга оид бир қатор масалаларни тартибга солди.

Бироқ, ер участкаларини жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйишда жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкий ҳуқуқларини кучайтириш борасида қонун даражасида ҳал этилиши лозим бўлган бир қанча масалалар сақланиб турибди, жумладан:

- ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши мумкин бўлган аниқ ҳолатларнинг тугал рўйхати белгиланмаган;

- Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кен-

1 Xolmo'minov O. (2020) "Civil law issues of land ownership formation," Review of law sciences: Vol. 4 : Iss. 1 , Article 20. DOI: 10.24412/2181-1148-2020-1-104-110 Available at: https://uzjournals.edu.uz/rev_law/vol4/iss1/20

2 Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // <https://president.uz/uz/lists/view/3119>



гашларининг ер участкасини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш ташаббусини дастлабки тарзда кўриб чиқиш бўйича мажлисларида оммавий ахборот воситалари ва жамоатчилик вакиллари иштироки кўзда тутилмаган;

- очиқ муҳокама оммавий ахборот воситалари иштирокида ўтказилиши назарда тутилмаган;

- олиб қўйилган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектини бузиб ташлаш тўғрисида қарор Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, Тошкент шаҳар, вилоятлар ёки туман (шаҳар) ҳокимлари томонидан қабул қилиниши белгиланган;

- жамоат эҳтиёжлари учун компенсация эвазига олиб қўйилган ер участкаларидан мақсадсиз фойдаланиш оқибатлари ва етказилган зарарларни қоплаш механизми белгиланмаган ва бошқалар.

Бундан ташқари, таъкидлаш лозимки, ер участкаси ёки унинг бир қисми жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилишининг аниқ тартиб-таомиллари ва механизми Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексида ҳам аниқ белгиланмаган.

Шу билан бирга, аниқланишича, мазкур соҳага оид халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистон юқори ўринларни эгалламаган. Хусусан, “Heritage Foundation” тадқиқот маркази томонидан юритилган “Иқтисодий эркинлик” индексининг “мулкчилик ҳуқуқи” индикатори бўйича 2020 йилдаги ҳисоботга кўра Ўзбекистон 100 баллдан 59,1 балл тўплаган бўлса, 2021 йилдаги ҳисоботга кўра 57,8 балл тўплаб, ўтган йилгига нисбатан 1,3 баллга пастлаган (мазкур индекс бўйича 178 та давлат орасидан Ўзбекистон 108-ўринни эгаллаган). Мазкур дунё рейтингининг энг юқори 3 та поғонасида Сингапур (89,7 балл), Янги Зеландия (83,9 балл) ҳамда Австралия (82,4 балл) эгаллаган³.

“World Justice Project” халқаро ноҳукумат ташкилоти томонидан юритилган “Ҳуқуқ устуворлиги” индексининг “Фуқаролик ҳуқуқи соҳасида одил судлов” индикатори таркибига киритилган “Низоларни ҳал этишда муқобил механизмларнинг ишлаш самарадорлиги ва холислиги” субиндикатори бўйича 2020 йилда Ўзбекистон 1 баллдан 0,67 балл тўплаган (мазкур индикатор бўйича 128 та давлат орасидан Ўзбекистон 72-ўринни эгаллаган).

Шунингдек, 2017-2019 йилларда Жаҳон банкнинг Бошқарув сифати индикаторларининг “Қонун (ҳуқуқ) устуворлиги” индикатори таркибига киритилган “Мулк ҳуқуқи” субиндикатори бўйича Ўзбекистон 2,5 баллдан фақатгина 0,60 балл, “Мусодара/экспроприация”, “Хусусий мулк ҳимояси” субиндикаторлари бўйича 0,16 балл тўплаган (мазкур индикатор бўйича 212 та давлат орасидан Ўзбекис-

тон 182-ўринни эгаллаган).

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ер участкаларини жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш масаласининг ўта муҳимлигини инобатга олиб ҳамда ушбу масалага оид қонунчиликнинг барқарорлигини таъминлаш мақсадида жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларини компенсация эвазига олиб қўйиш масалаларини тартибга солувчи қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, жумладан ушбу қоидаларни қонун даражасида мустаҳкамлаш, айниқса мазкур муносабатлар тўғридан-тўғри амал қиладиган яхлит қонун билан тартибга солиниши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Жорий йилнинг апрель ойида Адлия вазирлиги томонидан “Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилди ва жамоатчилик муҳокамасига қўйилди⁴.

Бунда яхлит қонунда жисмоний ва юридик шахсларга эгаллик қилиш, доимий фойдаланиш ёки вақтинчалик фойдаланиш ҳуқуқи билан тегишли бўлган ер участкаси ёки унинг бир қисми жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши ҳамда ушбу ер участкаси ва унда жойлашган кўчмас мулк объектларининг ҳуқуқ эгаларига компенсация бериш тартиб-таомиллари аниқ ва батафсил белгилаб қўйилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Жумладан, фикримизча, ер участкаларини компенсация эвазига давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши мулк ҳуқуқининг устуворлиги, олиб қўйилган ер участкасидан мақсадли фойдаланиши, қонунийлик, очиқлик ва шаффофлик, адолатли компенсациянинг кафолатланиши каби принциплар асосида амалга оширилиши белгила- ниши керак.

Шу билан бирга, давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларини компенсация эвазига олиб қўйишни тўғридан-тўғри тартибга солувчи қонун қуйидаги янги норма ва механизмларни ўз ичига олиши мақсадга мувофиқ:

- ер участкалари жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши мумкин бўлган аниқ ҳолатларнинг тугал рўйхати;

- Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг ер участкасини компенсация эвазига олиб қўйиш ташаббусини дастлабки тарзда кўриб чиқиш бўйича мажлисларида оммавий ахборот воситалари ва жамоатчилик вакиллари иштирокида ўтказилиши;

- очиқ муҳокама оммавий ахборот воситалари

3 https://www.heritage.org/index/pdf/2021/book/2021_IndexofEconomicFreedom_Highlights.pdf

4 <https://regulation.gov.uz/uz/d/42584>

иштирокида ўтказилиши ва уларнинг иштироки ташаббускор томонидан таъминланиши шартлиги;

- очиқ муҳокамани ўтказиш жойи ҳуқуқ эгаларининг яшаш жойига яқин бўлиши кераклиги, ҳуқуқ эгаларининг учдан икки қисми қатнашганда очиқ муҳокама ўтказилган ҳисобланиши;

- давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун компенсация эвазига олиб қўйилган ер участкаларида жойлашган объектларнинг бузиб ташланишига қадар бўлган энг кам муддат;

- Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш ва олиб қўйилган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектини бузиб ташлаш тўғрисида қабул қиладиган қарорлари адлия органлари томонидан экспертиза қилиниб, ижобий хулоса берилганидан кейин кучга кириши;

- низоларни ҳал қилишнинг муқобил усуллари-дан фойдаланиш имкониятларини таъминлаш, судларнинг иш ҳажмини камайтириш, шунингдек низоларни қисқа муддат ичида ҳал қилиш мақсадида низоларни дастлаб судгача бўлган тартибда ҳал қилиш усуллари – компенсацияга оид бўлган низолар Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари ҳузурида ташкил этиладиган компенсация комиссиялари томонидан кўриб чиқиши;

- ер участкаси компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши тўғрисидаги қарор қабул қилинишининг аниқ қоидалари;

- давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун компенсация эвазига олиб қўйилган ер участкаси халқ депутатлари Кенгашларининг қарори ҳамда мазкур қонунда белгиланган мақсадларга мувофиқ фойдаланмаса олиб қўйилган ер участкаси собиқ эгасига қайтариб берилиши шартлиги ва бунинг тартиби, давлат бюджетига ҳамда жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарни қоплаш тартиби.

Мазкур муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда Япония, Корея Республикаси, Швеция, Финляндия, Эстония давлатларининг тажрибаси эътиборга лойиқ.

Хусусан, жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларини олиб қўйиш соҳасидаги хорижий тажрибани ўрганиш натижалари шуни кўрсатмоқдаки, мазкур давлатларда бу каби муҳим ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар қонун даражасида тартибга солинади, яъни ерларни олиб қўйиш бўйича алоҳида қонунлар амал қилади. Масалан, шундай қонунлар Япония (“Экспроприация тўғрисида”ги Қонун), Корея Республикаси (“Ер учун компенсация бериш тўғрисида”ги Қонун), Швеция (“Экспроприация тўғрисида”ги Қонун), Финляндия (“Экспроприация тўғриси-

да”ги қонун), Эстония (“Кўчмас мулкни экспроприация қилиш тўғрисида”ги қонун) ва бир қатор бошқа давлатларда қабул қилинган.

Хусусан, Япония, Корея Республикаси, Швеция, Финляндия, Эстония давлатларининг юқорида кўрсатиб ўтилган қонунларида ерларни жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйишнинг аниқ асослари келтирилган ва уларда “инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш” экспроприация учун асос сифатида кўрсатилмаган.

Япония ва Корея Республикасида низоларни ҳал қилишнинг муқобил усуллари жорий этилганлиги аниқланди. Хусусан, Япониянинг “Экспроприация тўғрисида”ги қонунига мувофиқ томонлар ўртасида жамоат манфаатлари учун ерларни экспроприация қилиш билан боғлиқ бўлган низолар келиб чиқса, улар медиация комиссияси томонидан низони ҳал қилишни сўраб мурожаат қилишлари мумкин. Корея Республикасида низоларни ҳал қилишнинг муқобил усули сифатида Корея Республикасининг “Ер учун компенсация бериш тўғрисида”ги умумий қонунида экспроприация бўйича қабул қилинган қарорга нисбатан ерларни экспроприация қилиш бўйича Марказий комиссиясига эътироз билан мурожаат қилиш ҳуқуқи мустақамланган.

Шу билан бирга, ўрганиш давомида Эстониянинг “Кўчмас мулкни экспроприация қилиш тўғрисида”ги қонунига мувофиқ экспроприация қилган орган ёки унинг қонуний вориси экспроприация қилинган кўчмас мулкни экспроприация тўғрисидаги қарорга мувофиқ фойдаланмаса экспроприация қилинган кўчмас мулкнинг собиқ эгаси уни қайтариб беришни талаб қилишга ҳақли эканлиги аниқланди. Бунда у экспроприация қилинган кўчмас мулкдан экспроприация тўғрисидаги қарорга зид равишда фойдаланилганлигидан хабардор бўлган ёки хабардор бўлиши керак бўлган кундан бошлаб бир йил ичида экспроприация қилинган кўчмас мулкни қайтариб беришни талаб қилиши мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, бир қатор ривожланган хорижий давлатларда ер участкаларини экспроприация қилиш жараёни қонун даражасида тартибга солинади, экспроприация қилиш учун асос жамоат манфаатларини таъминлаш ҳисобланади.

Яна бир муҳим масала, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг ер участкаларини олиб қўйиш ёхуд олиб қўйишни рад этиш ҳамда кўчмас мулк объектларини бузиб ташлаш тўғрисидаги қарорларидан норози бўлган томон судга мурожаат қилиш ҳуқуқини таъминлашдир. Бу борада амалдаги қонун ҳужжатларида ҳар ёндашувлар назарда тутилган. Жумладан, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида” қонуннинг 26-моддасида халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кен-



гашларининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига зид келадиган қарорлари белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан бекор қилинади, деб белгиланган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 16 ноябрдаги 911-сон қарори билан “Ер участкалари олиб қўйилиши ва олиб қўйилаётган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектлари мулкдорларига компенсация бериш тартиби тўғрисида”ги низомнинг 30-бандида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ёки тегишли халқ депутатлари Кенгашининг ер участкаси олиб қўйилиши тўғрисидаги қарори юзасидан суд тартибида шикоят қилиниши мумкинлиги белгиланган. Амалиётда шу каби нормаларнинг турли хил қўлланилиши оқибатида фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасида кафолатланган ҳар бир шахснинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқо-

нуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи бузилиши мумкин.

Шу муносабат билан қонунда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва ҳудудий Кенгашларнинг ер участкаларини олиб қўйиш ёхуд олиб қўйишни рад этиш ҳамда кўчмас мулк объектларини бузиб ташлаш тўғрисидаги қарорларидан норози бўлган томоннинг судга мурожаат қилиш ҳуқуқининг аниқ белгилаб қўйилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун компенсация эвазига ер участкаларини олиб қўйиш масалалари тўғридан-тўғри амал қиладиган яхлит қонун билан тартибга солиниши, соҳадаги қонун ҳужжатларидаги ўзаро номувофиқликлар бартараф этилиши низоли вазиятларнинг олдини олинишига ва ушбу соҳадаги низоларни самарали ҳал этилиши, бозор қийматидаги ҳаққоний ва адолатли компенсация миқдорларининг ундирилишига, ер участкалари эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини кучайтиришга, халқаро рейтинг ва индексларда мамлакатимиз нуфузи яхшиланишига хизмат қилади.

.....
#

Шахло ХАМРАЕВА,
Бош прокуратура Академияси мустақил изланувчиси

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРГА ОИД ЖИНОЯТ ИШЛАРИНИ ЮРИТИШНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

АННОТАЦИЯ. Мазкур мақола вояга етмаганларга оид жиноят ишларини юрителишнинг процессуал нормаларининг ривожланиш тенденциялари, хусусан Ўзбекистон Республикасида вояга етмаган айбланувчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари қўшимча кафолатларини белгиловчи ҳуқуқ нормалари шаклланишига оид масалаларга бағишланган.

АННОТАЦИЯ. В статье освещены тенденции развития производства по уголовным делам в отношении несовершеннолетних, в частности, создание и реформирование норм определяющие дополнительные гарантии закона и законных интересов прав несовершеннолетних в Республики Узбекистан.

ABSTRACT. The article describes the trends in the development of criminal proceedings against minors, in particular, the creation and reform of norms that determine additional guarantees of law and legitimate interests of the rights of minors in the Republic of Uzbekistan.

Калит сўзлар: концепция, махсус нормалар, далил, вояга етмаган, қонуний вакил, вояга етмаганнинг шахсига хос хусусиятлар ва унинг саломатлиги ҳолати ҳамда унинг турмуш ва тарбияланиш шароитлари.

Ключевые слова: специальные нормы, доказательства, законный представитель, преступность, условия его жизни и воспитания, характерные черты личности несовершеннолетнего.

Keywords: special norms, evidence, legal representative, criminality, conditions of minor's life and education, characteristic features of the personality of a minor.

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилган кенг қамровли ислохотлар жараёнида, хусусан суд-тергов фаолиятида жиноят процессига жалб этиладиган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини сўзсиз таъминлаш, уларни кафолатлашни янада кучайтиришга қаратилган бир қатор ўзгаришлар амалга оширилди.

Бу борада, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси жиноят-процессуал қонунчиликни такомиллаштириш соҳасидаги давлат сиёсатининг энг муҳим йўналишларини белгилаб берди.

Ушбу ҳужжат замирида мамлакатимиз жиноят процессуал қонунчилигининг янада либераллашуви ҳамда суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашнинг кафолатларини янада кучайтириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, суд-тергов амалиётида қонунийликни таъминлашга тўсқинлик қилаётган ҳуқуқий бўшлиқларнинг мавжудлиги, жиноят-процессуал назарияси ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти олдида жиноят-ҳуқуқий сиёсатининг мутлақо янги устувор йўналишларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш талабини қўйди.

Шу мақсадда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.05.2018 йилдаги ПҚ-3723-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш Концепцияси” қабул қилинган.

Ушбу Концепция ҳуқуқни қўллаш амалиётида алоҳида соҳа йўналишларидаги, шу жумладан вояга етмаганларга нисбатан одил судловни амалга оширишдаги муаммоларни ҳал этишга қаратилган бўлиб, унда қонунчилик олдида уларнинг қонуний манфаатларини тўлақонли таъминлаш ва ҳуқуқбузар вояга етмаган шахсни қайта тарбиялашга оид нормаларни ишлаб чиқиш вазифаси қўйилган.

Шунга кўра, вояга етмаганларга оид жиноят ишларини юрителишни такомиллаштиришда аввало жиноят-процессуал назарияси ва амалиётидаги муаммо ҳамда ҳуқуқий бўшлиқларни тўла ва ҳар томонлама ўрганиш ҳамда соҳага оид ҳуқуқ нормаларининг шаклланиб бориш хусусиятларини инобатга олиш талаб этилади.

Шу ўринда, француз ҳуқуқшунос олими Норбер Руланнинг “ҳуқуқни ўрганишда тарихий ёндашув – муайян соҳадаги умумий фикрни шакллантиради”¹ мазмунидаги таъбирига қўшилган ҳолда

1 Рулан. Н.. Историческое введение в право. М., 2005.-14–15. С.



вояга етмаганларга оид жиноят-процессуал ҳуқуқ нормаларининг ривожланиш тарихига мурожаат қилиш мақсадга мувофиқ.

Ҳуқуқ доктринаси ҳуқуқбузар вояга етмаганларга нисбатан жиноий-процессуал мақоми ва бошқа махсус нормалари суд-ҳуқуқ тизимининг тарихий ислохотлари давомида шаклланганлиги ҳамда унинг келиб чиқиш ва ривожланиш асослари инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид нормаларнинг ишлаб чиқилиши билан боғлиқлигини кўрсатди.

Тарихий-ҳуқуқий манбаларда дунё мамлакатлари қонунчилигида ҳуқуқбузар вояга етмаганларга нисбатан одил судловнинг мақсадлари, уларни ҳимоя қилишнинг қўшимча шартлари каби умумий процессуал нормалар ва бошқа ҳуқуқий меъёрлар асосан “вояга етмаган шахсни жиноий жавобгарликка тортиш ёши”, “шахсда содир қилинган қилмишни англаш қобилиятининг шаклланганлиги” ҳамда “ҳуқуқбузар вояга етмаганни тарбиялаш” каби уч концепция негизида шаклланиб келган.

Ислом тарихи гувоҳлик беришича, мл VII асрлардаёқ инсон ҳуқуқларини ҳимоялашга асосланган тизим вужудга келган. Ал-фиқҳда яъни ислом ҳуқуқи манбаларига кўра ҳуқуқбузарлик учун руҳан соғлом, эркин ва ёши катта шахслар жавобгарликка тортилган². Бу эса ислом ҳуқуқи тарихида қул, руҳан заиф ва ёш болаларнинг ҳар қандай жавобгарликдан холи бўлганлигини билдиради.

Таъкидлаш жоизки, аксарият дунё мамлакатларининг қонунчилигида мавжуд концептуал ҳуқуқий нормаларнинг келиб чиқиши, шу жумладан ҳуқуқбузар вояга етмаганларга оид махсус қоидаларнинг яратилиши антик давр (рим ҳуқуқи) ҳуқуқ манбаларига тақалади.

Ҳақиқатдан ҳам бу даврдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи юридик манбалардан бири ҳисобланган XII жадвал Қонунлари (мл. ав. 450-450 й.й)да биринчи мартаба ҳуқуқбузарни жазодан озод қилиш принципи шаклланган бўлиб, унга кўра шахс содир қилган қилмишини англамаган ёки қилмиш тамомланмаган ҳолларда жазодан озод қилиниши назарда тутилган бўлиб,

ҳуқуқшунос олимларнинг фикрича ушбу норма асосан вояга етмаганга нисбатан қўлланилган³.

Шу билан бирга, ушбу ҳуқуқ манбасининг гувоҳлик беришича қасддан содир қилинган ҳар бир қилмиш шахснинг ёшидан қатъи назар жазога сазовор бўлган⁴.

Ушбу тамойил-қоида ҳуқуқ тизими Рим ҳуқуқи асосида шаклланган мамлакатларда ҳам қабул қилинган ва узоқ йиллар давомида уларнинг ҳуқуқ амалиётида қўлланилган. Масалан, француз ҳуқуқшуносларининг фикрича, ушбу мазмундаги ҳуқуқ амалиёти Францияда 1789 йилга қадар (Франция революцияси) қўлланилган ҳамда бу ҳуқуқшунослар томонидан “шахснинг руҳий ҳолати”⁵ қоидаси деб номланган.

Мл.VI асрларда Юстиниан Дегистларининг тўртинчи китоби “Йигирма беш ёшга тўлмаган шахслар ҳақида” деб номланган тўртинчи титулида вояга етмаганнинг мулкӣ ҳуқуқи ҳимоясини таъмилаш учун васийнинг иштироки назарда тутилган, бироқ ҳуқуқбузар вояга етмаганга нисбатан ҳуқуқни қўллашда бирор-бир ҳимоя татбиқ қилиниши рад этилган⁶.

Шунингдек, ўрта асрлар ҳуқуқ тизимида ҳам ҳуқуқбузар вояга етмаганларнинг ҳуқуқий ҳимояси ҳақидаги махсус нормалар белгиланмаган. Германия қонунлар тўплами (XII аср), “Қирол Карл V нинг жиноий-суд” номли тўпламлари (XVII аср) шулар жумласидандир⁷.

Ҳуқуқшунос Э.Б.Мельникованинг “ҳуқуқбузар вояга емаганларнинг тарихи шавқатсиз ва адолатсиз бўлган”⁸лиги ҳақидаги фикрига тўлиқ қўшилган ҳолда айтиш мумкинки, антик ва ўрта аср жиноий-ҳуқуқий манбаларида болалар ва ўсмирларнинг катталар сингари умумий тартибда жиноий жавобгарлиги белгиланган ҳамда уларни жазодан озод қилиш масаласи назарда тутилган. Бироқ ушбу масалаларни қандай тартибда ҳал қилишга оид бирор-бир процессуал-қоидалар мавжуд бўлмаган.

XIX аср бошларига келиб, Европа мамлакатларининг суд амалиётида вояга етмаганнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида “шахсда содир қилинган қилмишни англаш қобилиятининг

2 Рахманов.А.Р., Рўзиёв.Р.Ж., Рахманов.А.Р., Исламское право.Учебник. Уфа -П.: 2010.- 239 С.

3 Кудряцева Н.И. Ювинальная юстиция в России и Франции. Сравнительная характеристика. КУСК-2003 г.5.С

4 шу жойда.

5 шу жойда.

6 Кудряцева Н.И. Ювинальная юстиция в России и Франции. Сравнительная характеристика. КУСК-2003 г.9.С

7 шу жойда.

8 Мельникова.Э.Б.Ювинальная юстиция: Проблемы уголовного право, уголовного процесса и криминалогии: учебное пособие.Э.Б.Мельникова.-П.: Дело, 2000.- 129. С.

шаклланганлиги” тамойили қўлланила бошланган.

Ушбу талаб тўғридан-тўғри бирор-бир норматив ҳужжатларда кўрсатилмаган бўлсада, ҳуқуқбузар вояга етмаганга нисбатан ишни судда кўришда фақатгина қоида тариқасида қўлланилган ва бу вояга етмаганнинг жиноий жавобгарлигини рад этувчи асослардан бири ҳисобланган.

Масалан, Францияда амалда бўлган (1810-1958 й.й.) Наполеон кодексида вояга етмаган шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилиш тамойили тўғрисидаги ҳуқуқ нормаси мавжуд бўлмасада, судларга ҳуқуқбузар вояга етмаганнинг жиноий жавобгарлик масаласини ҳал қилганидан сўнг, жазо тури ва миқдорини тайинлашдан олдин, бола-нинг содир қилган қилмиши онгли равишда, қилмишни идрок этган ҳолда бажарганлик масаласини ҳал қилиш мажбурияти юклатилган. Агар суд вояга етмаганнинг ҳаракатлари у томонидан англаган ҳолда содир қилмаганлигини аниқлаган ҳолларда айбдор суд томонидан оқланган⁹.

Мухтасар айтганда, ушбу даврда аксарият Европа мамлакатларининг суд амалиётида “вояга етмаган шахсда англай олиш қобилиятининг шаклланганлиги” презумпцияси суд муҳокамасида ҳал қилиниб, алоҳида процессуал тартиб сифатида белгиланган. Шунга кўра, вояга етмаганга уни руҳий жиҳатдан яқиндан ўрганиш орқали ҳимоя қилиш имконияти берилган.

XIX аср охирларига қадар дунё мамлакатларининг жиноят-процессуал қонунчилигида вояга етмаганларга нисбатан жиноий-суд ишларини юритишга оид алоҳида норма ёки қоида ишлаб чиқилмаган.

Бу борада 1864 йилдан 1918 йилга қадар Россия империясининг жиноят-процессуал ҳужжати ҳисобланган “Жиноий-суд ишларини юритиш” Низоми вояга етмаган шахсга нисбатан олиб борилган жиноий-суд ишларини юритишда унинг қонуний вакили (ота-онаси, васий, тарбиячи) жалб қилиниши, суд процессида вояга етмаганнинг қилмишни онгли равишда содир қилган қилмаганлигини аниқлаш мақсадида тиббиёт ва психологик, педагогик соҳа вакилларининг мутахассис сифатида жалб қилиниши, зарурат туғилганда эса бу масала гувоҳларни сўроқ қилиш орқали ҳал этилиши лозимлиги, бу турдаги жиноят ишларини алоҳида катталарга нисбатан юритиладиган жиноят ишларидан ажратганлиги ва ёпиқ судда кўрилишига

оид нормаларнинг кўрсатилиши, ҳуқуқбузар вояга етмаган томонидан қилмишнинг онгли равишда содир қилганлик фактини аниқлашга оид махсус бўлимнинг ишлаб чиқилганлиги ва ушбу процессуал тартиб суд терговининг асосий қисми сифатида белгиланганлиги билан тарихий аҳамиятга эга.

Мазкур Низомда келтирилган соҳага оид махсус процессуал талабларига кўра, давлат айблови ва ҳимоя ҳуқуқларининг формал характерига эга бўлиб, суд процессининг асосий қисми ҳуқуқбузар вояга етмаган шахс билан унинг суд тарбиявий таъсир кучига эга бўлган шахслар, яъни ҳуқуқбузарнинг ота-онаси, тарбиячиси, васийлари билан тарбия-мулоқот жараёнларини назорат қилиш асосида олиб борилган ва бу орқали ҳуқуқбузар вояга етмаганнинг ҳимоя имкониятлари назарда тутилган.

Ушбу тарихий ҳуқуқий ҳужжатда вояга етмаганнинг суддаги иштироки ҳамда қонуний вакилининг суд қарори устидан шикоят қилиш ҳуқуқининг чекланганлиги¹⁰ каби нормаларнинг белгиланганлиги эса судланувчи вояга етмаганнинг ҳуқуқлари тўла таъминланмаганлигидан далолат беради.

1918 йилда Туркистон ўлкаси қонунчилигида вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар ижтимоий хавfli қилмиш содир қилган вояга етмаганларга оид ишларни юритишда алоҳида субъект сифатида кириб келган.

Ҳуқуқбузар вояга етмаганларга оид ишлар комиссияларда фавқулодда ва соддалаштирилган тартибда кўрилиб, дастлабки тергов судлар томонидан олиб борилган ва тергов якуни бўйича комиссияга ахборот тақдим қилинган.

1927 йилдаги Туркистон АССР ҳудудида амалда бўлган РСФСР Жиноят-процессуал кодексига киритилган ўзгартиришлар билан бу тоифадаги ишларни кўришда ҳуқуқбузар вояга етмаганнинг қонуний вакилининг иштироки шартлиги ва ўн олти ёшгача бўлган вояга етмаганлар иштирокида содир қилинган жиноятларнинг унга оид қисми ажратилиб комиссияга юборилиши бергиланган.

1929 йилда вояга етмаганларга оид жиноят ишларни юритишга оид РСФСР Жиноят-процессуал кодексига бир қатор махсус нормалар киритилган. Хусусан, бу тоифадаги ишлар бўйича дастлабки терговни олиб бориш прокуратура органларининг рухсати билан судлардан ички ишлар

9 Кудряцева Н.И. Ювинальная юстиция в России и Франции. Сравнительная характеристика. КУСК-2003 г.б.С.

10 Мельникова.Э.Б.Ювинальная юстиция: Проблемы уголовного право, уголовного процесса и криминалогии: учебное пособие. Э.Б.Мельникова.-П.: Дело, 2000.-130.С.



органларига ўтказилган¹¹.

Умуман олганда, вояга етмаганларга оид жиноят ишларининг якуни комиссия қарори билан ҳал қилиниши, бу тоифадаги ишларни кўриш маъмурий бошқарув назоратида бўлганлиги ва комиссия давлат айблови функциясига эга эмаслиги ўзидан ҳимоя позициясининг ҳам пассив олиб борилганлиги, ишнинг ҳал қилиниши комиссиянинг субъектив фикри билан боғлиқ бўлганиги сабабли бу тарихий амалиёт ўзини оқламаган.

1930-1935 йилларда вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликни кескин пасайтириш мақсадида бу борадаги қонун нормалари жазолаш тенденцияси асосида ишлаб чиқилган, жиноий жавобгарликка тортиш ёши 12 ёш деб белгиланган. Вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарлигига оид барча ишлар комиссиялардан судларнинг иш юритувига қайта ўтказилган.

Туристонда 1938 йилда РСФСР Жиноят-процессуал кодексига кирилган ўзгартишлар билан вояга етмаганларга оид жиноятларни исботлашда уларнинг ёшини, яшаш шароитини, катталар таъсири остида жиноят содир қилинганлик фактини аниқлашга оид махсус нормалар белгиланган. Кассация судида бу тоифадаги ишларни қайта кўриб чиқиш махсус таркиб иштирокида кўриб чиқилган.

1959 йилдаги ЖПКда нафақат вояга етмаганнинг жиноий қилмишни содир қилганлик фактини исботлашга оид процессуал ҳаракатлар балки, унга нисбатан ушлаб туриш ва эҳтиёт чораларини қўллашга оид процессуал ҳаракатлар аниқлаштирилган.

Ушбу даврда Европа мамлакатларида, шу жумладан Францияда (1958 йил) ҳам вояга етмаганнинг жиноят содир қилиш вақтида ўз ҳаракатларининг (ҳаракатсизлигининг) аҳамиятини тўлиқ даражада англай олмаслиги уни жавобгарликка тортишни рад этувчи процессуал нормалар сифатида амалда бўлган.

Худди шу каби “шахснинг қилмишни идрок этиш” презумпцияси англо-саксон ҳуқуқ тизимида ҳам амалда бўлиб, 14 ёшгача бўлган шахслар жиноий қилмишнинг ижтимоий хавфлилигини англамаган ҳолда содир қилган ҳолларда жавобгарликка тортилмаган. Вояга етмаганнинг бу ижтимоий хавфли қилмишини англаган, тушунган

ҳолда содир қилган ҳолларда эса ушбу қоида унга нисбатан қўлланилмаган. Суд шахснинг содир қилган жиноий қилмишни қасддан ёки ижтимоий хавфлилигини англаган ҳолда содир қилганлигини мутахассисларнинг фикрини эшитган ҳолда аниқлаган¹².

Жиноят-процессуал ҳуқуқ доктринасига “Вояга етмаганни тарбиялаш концепцияси”нинг кириб келиши ювинал судларнинг шаклланганлиги билан бевосита боғлиқ бўлиб, бу дунё мамлакатларида жиноят содир қилган вояга етмаганларни тарбиялаш тамойили сифатида белгиланган.

XX аср ўрталаридан бошлаб ушбу концепция амалиётда, хусусан Франция ва Германия давлатларининг суд тизимида кенг қўлланилиб, вояга етмаганларга нисбатан белгиланган жазо чоралари ўрнига тарбия воситаси сифатида кенг қўлланилган.

“Вояга етмаганни тарбиялаш” концепцияси асосида аксарият ривожланган мамлакатларнинг жиноят-процессуал ҳуқуқ нормалари ислоҳ қилиниб, жиноят содир қилган вояга етмаганни тарбиялаш тамойили сифатида белгиланган.

Шу билан бирга тарбия концепциясининг мазмун-моҳияти ва мақсадлари бевосита бир қатор халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топган.

Вояга етмаганларга нисбатан жиноий жавобгарлик ёши, уларга нисбатан одил судловнинг мақсадлари, ҳимоялашнинг қўшимча шартлари каби минимал стандартлар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан 1985 йилда қабул қилинган “Балоғатга етмаган болаларга нисбатан одил судлов юритишга доир минимал стандарт қоидалари (Пекин Қоидалари)”да белгиланган бўлиб, ушбу қоидалар аксарият мамлакатларнинг жиноят-процессуал қонунчилигига имплементация қилинган.

1994 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган тамойилларига мувофиқ тузилган бўлиб, жиноят процессида шахснинг ҳуқуқий мақомини тўлақонли даражада акс эттирди¹³.

Жумладан, мазкур кодекс жиноят процессида иштирок этган вояга етмаганларнинг мақоми ва уларга нисбатан иш юритишнинг алоҳида тарти-

11 Кудряцева Н.И. Ювинальная юстиция в России и Франции. Сравнительная характеристика. КУСК.-2003 г.10.С.

12 Мельникова.Э.Б.Ювинальная юстиция: Проблемы уголовного право, уголовного процесса и криминалогии: учебное пособие. Э.Б.Мельникова.-П.: Дело, 2000.-130.С.

13 Пўлатов Б.Х. Прокурорнинг судда давлат айбловини қувватлаш фаолияти. Тошкент. “Қонун ҳимоясида” 2005. й. Б.4.

бини кўрсатди.

Вояга етмаганлар томонидан содир қилинган жиноят ишларини тергов қилиш ва суд муҳокамасида иш юритишга бўйича махсус процессуал нормалар ЖПКнинг алоҳида боби (60-боб)да муштаҳкамлаб қўйилган.

Ушбу махсус нормалар вояга етмаганнинг ижтимоий-руҳий ҳолатига, яшаш шароитига баҳо бериш билан исботлаш доирасининг кенгайтирилганлиги, айбланувчи вояга етмаганнинг суддаги иштирокининг алоҳида тартиби билан ўзига хос хусусиятни акс эттиради.

Сўнгги йилларда жиноят ишларини тергов қилиш фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш, процессуал ҳаракатларнинг сифатини ошириш суд-тергов фаолиятини янада такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари сифатида белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркин-

ликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони билан мутасадди идоралар олдига вояга етмаганларга нисбатан уч йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган қасддан содир этилган жиноятларга доир, шунингдек, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, бунинг учун беш йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашга йўл қўйилмасли ва бу борада процессуал асосларни ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Шу ўринда эса айтиш мумкинки, мазкур соҳага оид тарихий тажрибани таҳлил қилмасдан, ҳозирда мавжуд механизмларнинг келиб чиқиш тартибини ўрганмасдан келгусидаги замонавий ҳуқуқни ишлаб чиқишни тўғри деб бўлмайди.

#



СМЯГЧЕНИЕ НАКАЗАНИЯ ПО УГОЛОВНОМУ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВУ АРГЕНТИНСКОЙ РЕСПУБЛИКИ (СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ)

АННОТАЦИЯ. Мазкур мақолада Аргентина Республикаси жиноят қонунчилигида жазони енгиллаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиш масаласи қиёсий таҳлил қилинган.

АННОТАЦИЯ. В статье проводится сравнительный анализ уголовного законодательства Аргентинской Республики в плане учета смягчающих обстоятельств при назначении наказания.

ABSTRACT. The article provides a comparative analysis of the criminal legislation of the Argentine Republic in terms of the imposition of a penalty taking into account the mitigating circumstances.

Калит сўзлар: жазо тайинлаш, жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар, айбни бўйнига олиш тўғрисида арз қилиш, айбдорнинг ўз қилмишига амалда пушаймон бўлиши, етказилган зарарни ихтиёрий равишда бартараф қилиш, жабрланувчи, жиноят, зарурий мудофаа, охириги зарурат, тамом бўлмаган жиноят, жиноят содир этишга суиқасд қилиш, вояга етмаган шахс, ярашув, жиноятда иштирокчилик, жавобгарликдан озод қилиш, жазодан озод қилиш, юридик шахс, ҳақорат, етказилган зарарни бартараф қилиш.

Ключевые слова: назначение наказания, смягчающие обстоятельства, отягчающие обстоятельства, явка с повинной, деятельное раскаяние, добровольное заглаживание причиненного вреда, потерпевший, преступление, необходимая оборона, крайняя необходимость, неоконченное преступление, покушение на преступление, несовершеннолетний, примирение, соучастие в преступлении, освобождение от ответственности, освобождение от наказания, юридическое лицо, оскорбление, возмещение причиненного ущерба.

Keywords: imposition of a penalty, mitigating factors, aggravating factors, admission of guilt, penitence, voluntary restitution (compensation), victim, felony, self-defence, necessity, not completed felony, attempt, juveniles and young adults, reconciliation (mediation), acts of secondary participation, remission of responsibility, remission of a penalty, legal entity, offending, damage compensation.

Общеизвестно что развитие науки и образования при должной поддержке государства неминуемо приводит в совершенствованию всей правовой системы государства в целом. Так, цели поставленные перед любым государством недостижимы без совершенствования законодательства, в силу того, что для практической имплементации какой-либо идеи или проекта изначально требуется создания почвы, т.е. нормативно-правовой базы.

В свою очередь, совершенствование уголовного законодательства стало одной из главных задач, предусмотренных в Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах¹. Вполне логическим продолжением реализации задач, предусмотренных в вышеупомянутой Концепции, стало Постановление Президента Республики Узбекистан от 14 мая 2018 года НПП-3723 «О мерах по кардинальному совершенствованию системы уголовного и уголовно-процессуального законодательства»², которым

была утверждена Концепция совершенствования уголовного и уголовно-процессуального законодательства Республики Узбекистан.

Для практической реализации задач, преусмотренных в вышеупомянутых нормативно-правовых актах однозначно требуется имплементация передового зарубежного опыта в уголовное и уголовно-процессуальное законодательство с учетом национальных особенностей и условий, что невозможно представить без изучения опыта зарубежных государств. Так, следуя своей личной цели в форме внесения вклада в развитие уголовного и уголовно-процессуального законодательства Республики Узбекистан, продолжаем цикл исследований уголовного законодательства зарубежных стран в сфере смягчения уголовного наказания. С нашей точки зрения, для читателя будет интереснее ознакомление с уголовным законодательством стран, относящиеся к разным правовым семьям. Конечной целью данного исследования, состояще-

1 Указ Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 07.02.2017 г. «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» / <https://lex.uz/docs/3107042>

2 Постановление Президента Республики Узбекистан от 14 мая 2018 года НПП-3723 «О мерах по кардинальному совершенствованию системы уголовного и уголовно-процессуального законодательства» / <https://lex.uz/docs/3734183>

го из цикла статей является предложение соответствующих изменений и дополнений в Уголовный кодекс Республики Узбекистан (далее УК РУз) и по возможности в Уголовно-процессуальный кодекс Республики Узбекистан (далее УПК РУз), основываясь на нормах, доказавших свою эффективность на практике применения зарубежных государств, а в данном случае Аргентинской Республики.

Аргентинская Республика является государством Южной Америки, занимающее второе (после Бразилии) по территории и третье (после Бразилии и Колумбии) по населению. По форме государственно-территориального устройства Аргентина федерация, в состав которой входят 23 провинции и столичный автономный округ³.

Правовая система Аргентины относится к романо-германской правовой семье, входя в ее обособленную латиноамериканскую группу. Первоначальной основой для формирования аргентинского права выступила правовая культура бывшей метрополии - Испании. Конституционное право во многом следует модели США, на гражданское право значительно повлияло французское и германское законодательство. Вплоть до окончательного учреждения республики в соответствии с Конституцией 1853 г. испанские уголовные законы («Партиды», «Новый свод») в Аргентине продолжали применяться наряду с законами и декретами, издаваемыми начиная с 1810 г. сменявшимися в стране национальными и местными правительствами.

Конституция 1853 г. и реформа 1860 г. уполномочили Национальный конгресс создать для всей страны единый уголовный кодекс, с изданием которого провинции лишались собственных кодексов. За местными правительствами осталось лишь законодательство о «faltas» и «contravenciones» (нарушениях).

Первым шагом в области кодификации был проект, составленный по поручению федерального правительства (5 декабря 1864 г.) Карлосом Техедором. Первая часть этого проекта была представлена правительству 30 декабря 1865 г., вторая - 3 января 1868 г. В своих принципиальных положениях проект придерживается баварского Уголовного кодекса 1813 г. Он следует также «Партидам» и остаткам старого испанского уголовного законодательства. Проект Техедора не стал общенациональным кодексом, но был введен в действие в 9 провинциях из 14, а в 1881 г. - в столице Республи-

ки. Первый общенациональный Кодекс был издан 7 декабря 1886 г. Его научная концепция следовала идеям классической школы уголовного права.

Действующий Уголовный кодекс был опубликован 29 октября 1921 г. и введен в действие 29 апреля 1922 г. Он является результатом уголовной реформы, начатой еще в 1891 г. Ему предшествовали проекты 1891, 1906 и 1917 гг. В своей основе Кодекс 1921 г. воплотил идеи «неоклассического» направления в уголовном праве, выразившиеся, в частности, в закреплении принципа «Nullum crimen, nulla poena sine lege» и принципа моральной ответственности. Он был составлен на основе испанского УК 1870 г. Определенное влияние на него оказал итальянский УК 1889 г. Согласно существующему распределению полномочий между федерацией и провинциями, федеральные законодательные органы принимают уголовные кодексы и иные законы, устанавливающие ответственность лишь за «delitos» (преступления, проступки), оставляя за местными правительствами законодательство о «faltas» и «contravenciones» (нарушениях)⁴.

Согласно Конституции Аргентинской Республики, единственным источником уголовного права является закон. Применительно к нынешней ситуации это действующий Уголовный кодекс Аргентинской Республики (далее УК Аргентины) и специальные законы, предусмотренные Конституцией и ст. 4 УК. Однако Общие положения УК применяются ко всем преступлениям, наказания за которые предусмотрены специальными законами, если они не содержат каких-либо изъятий. Следует отметить, что в последнее время роль специальных законов постепенно и неуклонно нивелируется и единственным нормативным актом в данной сфере остается УК Аргентины⁵.

УК Аргентины состоит из двух частей («книг») - Общей («Общие положения») и Особенной («О преступлениях»). Общая часть состоит из 13 разделов, содержащих 78 статей и содержит вопросы о действии уголовного закона, о наказаниях, о субъекте преступления, о порядке назначения наказания и освобождения от наказания. Особенная часть состоит из 12 разделов, содержащих 305 статей⁶. В главах Общей части регулируются вопросы применения уголовного закона, системы наказаний, порядок его назначения и т.д. В Особенной части содержатся нормы о наказуемости определенных видов преступных деяний.

3 <https://ru.wikipedia.org/wiki/Аргентина>

4 https://kommentarii.org/strani_mira_ekiklopediy/argentina.html

5 Уголовный кодекс Аргентины / Вступительная статья д.ю.н., проф. Ю.А.Голика. – СПб.: Изд-во «Юридический центр Пресс», 2003. – С. 16-17.

6 Уголовный кодекс Республики Аргентина по состоянию на 07.01.2018 / <https://constitutions.ru/?p=5847>



По сравнению с Уголовным кодексом Республики Узбекистан (далее УК РУз) Специфика Общей части УК Аргентины в том, что он содержит такие нормы как возбуждение уголовного преследования (раздел XI), условное приостановление судебного разбирательства (раздел XII) и т.п., которые являясь уголовно-процессуальными нормами, отражены в Уголовно-процессуальном кодексе Республики Узбекистан.

Наиболее важный интерес представляет раздел XII УК Аргентины, согласно которому обвиняемый в случае совершения им нетяжкого преступления и выполнения ряда других условий имеет право ходатайствовать об условном приостановлении судебного разбирательства. Суд может принять такое решение, приостановив судебное разбирательство на срок от одного года до трех лет с возложением на обвиняемого выполнения определенных обязанностей. Таким образом, речь идет об отсрочке вынесения приговора. Подобные поощрительные нормы стимулируют обвиняемого к возмещению нанесенного вреда и добросовестному постпреступному поведению. В современный период, когда возрастает роль реституционного правосудия, на эту процедуру следует обратить особое внимание и рассмотреть вопрос инкорпорирования в национальные уголовные кодексы других стран. Таким образом, УК Аргентины содержит ряд оригинальных норм⁷.

В силу того, что в последнее время все большую актуальность приобретает сравнительное правоведение, в данной статье мы в основном проанализируем Общую часть УК Аргентины, именуемую «Общие положения» сравнительно с Общей частью УК РУз с плане законодательной базы применения института смягчения наказания.

Во-первых, касательно действия уголовного закона во времени, ст. 2 УК Аргентины содержит аналогичную норму, отраженную в ч. 2 ст. 13 УК РУз, согласно которой (УК Аргентины), если в момент совершения преступления действовал уголовный закон, отличный от того, который был в силе во время вынесения приговора или в период расследования, то применяется тот закон, который в наибольшей степени смягчает наказание. Если во время отбывания лицом наказания вступит в силу закон, устанавливающий более мягкое наказание за совершенное лицом деяние, то отбываемое наказание подлежит сокращению в соответствии с предписаниями нового закона. Во всех случаях, предусмотренных данной статьей, действие нового закона будет иметь обратную силу.

Во-вторых, в отличие от УК РУз (ч. 1 ст. 55), в УК Аргентины отсутствует обобщенный перечень обстоятельств, смягчающих наказание.

Учет смягчающих обстоятельств при назначении наказания упоминается в нескольких статьях Общей и Особенной частей УК Аргентина. Общие начала назначения устанавливаются ст.ст. 40-41 УК Аргентины. Так, согласно ст. 40 УК, в наказаниях, разделяемых по времени или количеству, в каждом конкретном случае суды выносят приговоры в соответствии со смягчающими или отягчающими обстоятельствами и правилами, установленными следующей статьей (ст. 41)⁸.

Для действия предыдущей статьи (ст. 40) принимаются во внимание:

1) характер деяния и примененных для его совершения средств, степень опасности деяния и размер нанесенного ущерба;

2) возраст, воспитание, привычки и предшествующее совершению деяния поведение субъекта, характер мотивов, которые толкнули его на преступление, в особенности нищета или трудности в обеспечении условий собственного существования, а также существования своих близких, степень участия в деянии, наличие рецидива преступления, а также другие предшествующие преступлению внешние и личные обстоятельства, в том числе личные связи и их характер, обстоятельства времени, места, способа и повода для совершения деяния, которые указывают на степень опасности субъекта. Судья должен в той мере, которая необходима в каждом конкретном случае, непосредственно ознакомиться с обстоятельствами совершения деяния, субъектом преступления, а также потерпевшим.

Применительно к УК РУз, во многом аналогичные общие начала назначения наказания устанавливает ст. 54, но существуют и расхождения в отношении УК Аргентины. Так, в соответствии с ч. 2 ст. 54, при назначении наказания суд учитывает характер и степень общественной опасности совершенного преступления, мотивы содеянного, характер и размер причиненного вреда, личность виновного, обстоятельства, смягчающие и отягчающие наказание.

Хотя в ст.ст. 40-41 УК Аргентины не упоминается учет характера и размер причиненного вреда при назначении наказания, но в отличие от УК РУз, УК Аргентины уделяет особое внимание компенсации причиненного вреда, посвятив для данного вопроса отдельный раздел (раздел IV), о котором пойдет речь далее.

В-третьих, правило, согласно которому, смягчающее обстоятельство, предусмотренное статьей

7 Там же. – С. 18-19.

8 Особенности учета отягчающих обстоятельств устанавливает ст. 41/2 УК Аргентины.

Особенной части УК РУз в качестве признака состава преступления, не может учитываться при назначении наказания (ч. 3 ст. 55 УК РУз), в УК Аргентины не предусмотрено.

В-четвертых, в отличие от УК РУз, понятие «смягчающих обстоятельств» упоминается в нескольких случаях, в т.ч. в ст.ст. 80, 218 и 227/2 именно в Особенной, а не Общей части УК Аргентины в другой форме. В т.ч., если при совершении убийства, имели место чрезвычайные смягчающие вину обстоятельства, судья вправе назначить наказание в виде каторжных работ или тюремного заключения сроком от восьми до двадцати пяти лет (ч. 2 ст. 80 УК Аргентины). Но понятие либо перечень «чрезвычайных смягчающих вину обстоятельств» в УК Аргентины не приводится, хот он и содержит отдельный раздел XIII, содержащий определение ограниченного круга терминов таких как «товар», «государственный служащий», «насилие» и т.п.

А в УК РУз используя понятия «смягчающих обстоятельств» (ст.ст. 54, 55, 57-1 и т.п.), «обстоятельств, существенно снижающих степень общественной опасности совершенного преступления» и «исключительных случаев» (ст. 57)⁹, не приводится определения лишь вышеупомянутых «исключительных случаев».

Также, согласно ст. 218 УК Аргентины, при совершении (государственной) измены против государства – союзника Республики (Аргентины) в войне против общего врага, а также, совершении иностранцами, проживающими на аргентинской территории (за исключением тех из них, которые подпадают под действие международных договоров о дипломатических работниках или гражданах враждующих стран), назначаются наказания, смягченные в соответствии с предписаниями статьи 44 УК, т.е. в соответствии с правилами назначения наказания за покушение. Вопросы назначения наказания за покушение рассмотрим более подробно далее.

Кроме того, в соответствии с ст. 227/2 УК Аргентины, наказываются в соответствии со статьей 215, предусматривающей наказание изменникам родины, с учетом описанных в статье 46 условий его смягчения, те члены какой-либо из трех ветвей центральной или провинциальной власти страны, которые согласились с совершением деяний, описанных в статье 226 (посягательства на конституционный порядок и демократическое устройство), продолжив выполнение своих функций или присту-

пив к их выполнению после произведенного силой видоизменения Конституции или упразднения какой-либо ветви государственной власти или заставив кого-либо выполнить распоряжения тех, кто незаконно захватил власть. Ст. 46 устанавливает правила назначения, в т.ч. числе смягчения наказания за соучастие в преступлении. Вопросы назначения наказания за соучастие также будут подробно рассмотрены далее.

В данном случае, в отличие от УК Аргентины, УК РУз не устанавливает отдельные правила смягчения наказания за какие-либо преступные деяния в Особенной части.

В-пятых, УК Аргентины устанавливает отдельные правила смягчения за совокупность преступлений.

